

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 821.512.133

**ЭГАМКУЛОВА НОДИРАХОН БАХТИЯР ҚИЗИ**

**XX АСР БОШЛАРИ АДАБИЙ ЖАРАЁНИ МУАММОЛАРИ  
(1906 – 1917 йиллар ўзбек вақтли матбуоти мисолида)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
илмий даражасини олиш учун тайёрланган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** З.Ш.Абдирашидов,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Тошкент – 2021**

## Мундарижа:

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий шароит ва адабий жараён</b> .....	14
1.1. Давр ижтимоий-сиёсий ўзгаришларининг адабий жараёнга таъсири. ....	14
1.2. Вақтли матбуотнинг адабий жараён шаклланиши ва адабиётнинг ижтимоийлашувидаги ўрни.....	31
<b>II БОБ. XX аср бошлари ўзбек адабий жараёнидаги адабий-эстетик ҳодиса ва тамойиллар</b> .....	54
2.1. Адабий алоқалар ва ижодкор тадрижи.....	54
2.2. Вақтли матбуот ва адабий-эстетик тафаккур ривожини.....	70
<b>III БОБ. Вақтли матбуот ва адабий жараён</b> .....	88
3.1. Вақтли матбуот адабий материалларининг жанр хусусиятлари.....	88
3.2. Вақтли матбуот тилининг бадиий асар поэтикасига таъсири.....	103
<b>Хулоса</b> .....	117
<b>Адабиётлар рўйхати</b> .....	121

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда Туркистон жадиличилик ҳаракати ва бу ҳаракат натижасида юзага келган жадин адабиётига қизиқиш унинг кишилиқ жамияти тараққиётида муҳим ўринга эгаллиги, ривожланиш тенденциясининг алоҳидалиги, тарихий ҳақиқатларга тўлаллиги туфайли ҳамеша катта бўлган. Жадин адабиётининг буюк иждокорлари томонидан яратилган асарлар дунёвий илм-маърифатни тарғиб этиш, инсон камолоти билан боғлиқ идеалларни куйлаш орқали инсоният бадиий-эстетик тафаккури тараққиётига хизмат қилган.

Дунё адабиётшунослигида адабий жараён масаласига бўлган муносабатни давр кесимида туриб баҳолаш, адабий материалларнинг бирламчи манбаларини топиш ва шу асосда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Адабий жараённи мазкур йўналишда таҳлил этиш адабиётшунослиқ илмининг адабий-эстетик тамойил, анъана ва янгилик, адабий алоқалар, иждокор тадрижи каби назарий масалаларини янада аниқлаштиришга, такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу сабабли ҳам жаҳон адабиётшунослигида олиб борилаётган ишлар салмоғидан келиб чиқиб, бу йўналишда XX аср бошлари ўзбек адабий жараёни муаммоларини ўрганиш ва қайта баҳолаш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида жадин адабиётини ҳар жиҳатдан изчил ўрганишнинг кенг имкониятлари мустақилликнинг илк йилларида вужудга келди. Дарҳақиқат, “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучи бекиёс”<sup>1</sup>. XIX – XX асрлар ўзбек адабиётининг халқ ҳаёти билан яқинлиги, унинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш йўлида хизмати бекиёсдир. Хусусан, XX аср

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонига ташрифи чоғида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2020 йил 21 май, №106 (7608).

бошлари ўзбек вақтли матбуоти ҳамда адабий жараёни ўртасидаги алоқадорлик муаммосини давр нуқтаи назаридан тадқиқ этиш масаланинг моҳиятини теранроқ англаш ва очиб беришга хизмат қилади. Бундай ёндашув эса адабий-эстетик тамойиллар, адабий жараёни юзага келтирган ички ва ташқи омиллар, жанрлар генезиси, уларнинг тараққиёт босқичлари ҳамда бадииятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ХХ аср бошлари мустақил ўзбек вақтли матбуотида адабий жараён масаласи ижтимоий-сиёсий муҳит ҳамда адабий алоқалар кесимида илк маротаба монографик планда очиб берилган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди. Янги ўзбек адабиётининг шаклланиш жараёнини очиб берувчи янги адабий материалларнинг аниқланиб, илмий муомалага олиб кирилгани мазкур тадқиқотнинг зарурийлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 августдаги Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси, 2020 йил 20 майда Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонига ташрифи чоғида

адабиётнинг таъсир кучини ошириш бўйича топшириқлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XX аср бошларида жаҳид зиёлиларининг жаҳид адабиёти ҳамда миллий матбуот тўғрисида билдирган фикр ва муносабатлари, адабий-танқидий қарашлари, жумладан, И.Гаспринский, М.Бехбудий, З.Саид, А.Саъдий, А.Авлоний, Р.Мажидий, А.Фитрат, Ҳожи Муин, В.Маҳмуд, О.Ҳошим, Миён Бузрукнинг адабий қарашлари<sup>2</sup>, шу билан бир қаторда, “Вақт”, “Таржимон”, “Шўро”, “Дирилик”

---

<sup>2</sup>Бехбудий. Танқид – сараламоқдур // Ойина. 1914; Бехбудий. Тил масаласи // Ойина. 1915. №11-12.; Авлоний Абдулла. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар. Биринчи жуз. – Тошкент: Ильин литографияси, 1909.; Иккинчи жуз. – Тошкент: Ильин литографияси, 1912.; Учинчи жуз. – Тошкент: Орифжонов литографияси, 1916.; Тўртинчи жуз. – Тошкент: Орифжонов литографияси, 1916.; Бешинчи жуз. – Тошкент: Яковлев литографияси, 1916.; Саъдий, Абдурахмон. Адабиёт муаллими. – Уфа: “Шарк” матбааси, 1913.; Ҳожи Муин. Тил масаласи // Меҳнаткашлар товуши. 1918 16 июль.; Фитрат. Шеър ва шоирлик // Иштирокиюн. 1919. 24-26 октябрь.; Айний С. Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратлари ким эди? // Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил, 8 апрель.; Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Бехбудий // Зарафшон. 1923 йил, 25 март.; Самарқанд матбуотининг тарихи // Зарафшон. 1923 йил, 5 май.; Ҳожи Муин. Вақтсиз муҳофиза // Зарафшон. 1924 7 феврал.; Авлоний А. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи // Туркистон. 1924 йил, 24 июнь.; Азиззода Л. Бехбудий // Маориф ва ўқитувчи. 1926. №2.; Фитрат. Адабиёт қоидалари. –Самарқанд-Тошкент, 1926.; Саъдий, Абдурахмон. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Тошкент: Ўрта Осиё давлат нашриёти, 1924.; Саид Зиё. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. – Тошкент-Самарқанд: Туркистон давлат нашриёти, 1927. Фитрат. Аруз ҳақида. Тошкент: Fanlar komitetining nashriyoti, 1936.

каби ташқи даврий нашрларнинг Туркистондаги миллий матбуот ҳақидаги эътирофлари<sup>3</sup>ушбу мавзу тадқиқининг бошланиш нуқтаси бўла олади.

Шу кунга қадар адабиётшунос ва журналист олимлардан Б.Қосимов, Ш.Турдиев, С.Аҳмедов, У.Долимов, Н.Авазов, М.Худойқулов, Р.Тожибоев, Н.Каримов, А.Алиев, Ҳ.Саидов, А.Жалолов, Н.Абдуазизова, Г.Нишонова, С.Ҳалимова, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуронон, И.Ғаниев, Д.Рашидова, Ш.Ризаев, З.Аҳророва, Б.Каримов, З.Абдирашидов, У.Жўрақулов, Н.Афоқова, Қ.Пардаев жадидчилик ҳаракати, жадид матбуоти, жадидларнинг илмий-ижодий меросига оид қатор тадқиқотларни амалга оширишган<sup>4</sup>. Хусусан, А.Жалолов, Н.Авазов, Ҳ.Болтабоев, Б.Каримов, Д.Қуронон, И.Ғаниев, Н.Жабборов, З.Эшонова, У.Султонов, Г.Эрназарова, С.Йўлдошбекова, Ҳ.Саидов, Н.Намозова, Р.Жавҳарова, Ш.Аҳмедова, М.Тожибоева, Қ.Пардаевларнинг тадқиқотларида жадид адабиёти, жадид ижодкорларининг адабий мероси атрофлича тадқиқ қилинган<sup>5</sup>. С.Йўлдошбекова,

---

<sup>3</sup>“Ойина”журнали // Таржимон.1914.№75.; “Вакт” жаридаси “Ойина” ҳақинда на дер // Ойина.1915.№53.; “Ойина” муҳаррири // Садои Туркистон. 1914. №23.

<sup>4</sup>Алиев А. Маҳмудхўжа Бехбудий. – Тошкент: Хазина, 1994.; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002.; Қосимов Б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004.; Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Тошкент: Маънавият, 2000.; Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Тошкент, 2007.; Каримов Б. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 2006.; Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Тошкент: Шарқ, 1994.; Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006.; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009.; Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Академия, 2002.; З.Абдирашидов. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011.

<sup>5</sup>Жалолов А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиш жараёни (XIX аср охири ва XX аср бошлари). Филол. фан. докт. дисс.... автореф. – Тошкент, 1994.; Авазов Н. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодий мероси. Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1995.; Жавҳарова Р. Сирожддин Сидқий Хондайликнинг адабий мероси. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1996.; Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1996.; Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1998. Ғаниев И. Фитрат драмаларининг поэтикаси. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1998.; Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (А.Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Орипов шеърляти мисолида). Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2001.; Йўлдошбекова С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. Филол. фан.

М.Худойкулов, Ҳ.Саидов, Н.Намозова, С.Ҳалимова, Г.Нишонова, Г.Маҳмудова, З.Аҳророва, Д.Алимова, Д.Ражабова, Д.Амриддиноваларнинг турли мавзулардаги изланишларида жадид матбуоти, жадидларнинг публицистик, педагогик фаолиятлари тадқиқ этилган<sup>6</sup>.

Б.Қосимов, С.Аҳмедов, Ҳ.Болтабоев, О.Олтинбек, Ҳ.Узоқов, Р.Жавҳарова, Н.Каримов, Ш.Турдиев, Б.Каримов каби олимлар жадид ижодкорлари меросининг танланган асарларини нашрга тайёрлашди<sup>7</sup>. Жаҳон

---

номз. дисс. – Тошкент, 2001.; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида). Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2002.; Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2004.; Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танкидининг жанрлар таркиби. Филол. фан. докт. дисс... – Тошкент, 2010.; Амонов Ш. Ҳамза шеърятининг манбалари, матний тадқиқи. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2010.; Абдулхайиров Б. Миён Бузрук Солиҳов – ўзбек жадид драматургияси ва театри тадқиқотчиси. Филол. фан. номз. дисс. автореферат. – Тошкент, 2010.; Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2017.; Пардаев Қ. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-ислоҳ” журнали материаллари асосида). Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

<sup>6</sup>Маҳмудова Г.Т. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири. Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 1996.; Аҳророва З. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг педагогик қарашлари ва маърифий-амалий фаолияти. Пед. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1997.; Саидов Ҳ. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. Филол. фан. номзоди дисс... – Тошкент, 1998.; Алимова Д. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. – Тошкент: Академия, 1999.; Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси. – Тошкент, 2001.; Ҳалимова С. “Садойи Туркистон” газетаси: йўналиши, тил, услуб ва жанр хусусиятлари (1914-1915). Филол. фан. номз. дисс. автореферат. – Тошкент, 2001. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Академия, 2002.; Ражабова Д.Н. Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 2003.; Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида “Ойина” журналининг ўрни ва аҳамияти. Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2008.; Амриддинова Д.Т. Самарқанд жадидчилигининг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа. номз. дисс... – Тошкент, 2006.; Долимов У. Жадид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари. Пед. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

<sup>7</sup>Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. (нашр. тай.: Б.Қосимов). – Тошкент: Маънавият, 1997.; Авлоний Абдулла. Шеърлар, ибратлар. Танланган асарлар. Пжилдли. (нашр. тай.: Б.Қосимов). – Тошкент: Маънавият, 1998. I жилд.; Авлоний Абдулла. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари. II жилдли (нашр.тай.: Б.Қосимов). – Тошкент: Маънавият, 1998. Пжилд.; Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999.; Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз. (нашр. тай.: Олим Олтинбек). – Тошкент: “Маънавият”, 1998.; Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар. (нашр

адабиётшунослигида XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришлар, жадиличлик ҳаракати ва унинг ўзига хосликларини тадқиқ этиш бўйича қатор фундаментал ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хорижлик олимлар ўз тадқиқотларида Туркистон халқлари тарихи, жадиличлик ҳаракати, жади́д матбуоти, адабиёти билан боғлиқ муаммоларни кун тартибига қўйиб, уларга доир ўз карашларини билдириб ўтганлар<sup>8</sup>. Хорижлик тадқиқотчиларнинг Туркистон жади́дчилик ҳаракати ва шу ҳаракат асосида шаклланган жади́д адабиётини

---

тай.: Б.Қосимов. Р.Жавҳарова). – Тошкент: “Маънавият”, 1998.; Элбек. Танланган асарлар. (нашр. тай.: Ҳ.Узоқов). – Тошкент: “Шарқ”, 1999.; Абдулҳамид Мажидий. Кўнги́л орзулари. (нашр. тай.: Ҳ.Узоқов). – Тошкент: Маънавият, 2000.; Боту. Танланган асарлар. (нашр. тай.: Н.Каримов, Ш.Турдиев) – Тошкент: Шарқ, 2004.; Фитрат. Танланган асарлар. V жилдлик. (нашр. тай.: Ҳ.Болтабоев). – Тошкент: Маънавият, 2006,2010.; Маҳмуд Вадуд. Танларган асарлар. (нашр. тай.: Б.Каримов). – Тошкент: Маънавият, 2007.; Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (нашр тай.: Н.Намозова). – Тошкент: Маънавият, 2005.; Тавалло. Миллат садоси. (нашр тай.: Д.Раҳмонова). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.; Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. II жилдлик. (нашр. тай.: С.Аҳмад). – Тошкент: “Akademnashr”, 2018.; Мунавварқори Абдурашидхонов. Мен сендамен... (нашр тай.: С.Аҳмад). – Тошкент: “Info Capital Group”, 2019.

<sup>8</sup> Hayit Baymirza. Turkestan im XX Jahrhundert. – Darmstad, 1956.; Allworth Edward. Uzbek Literary Politics. – New York: Columbia University Publications, 1964.; The Beginnings of the Modern Turkestanian Theater // Slavic Review. Vol.23, №4. (Dec., 1964). – P.676–687.; Khalid Adeeb. The politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Tsarist Central Asia. Ph.D. diss., University of Wisconsin-Madison, 1993.; Komatsu Hisao. 20 Yüzyil Başlarında Orta Asya'da Türkcülük ve Devrim Hareketleri. Ankara, 1993.; Kocaoğlu Timur. Türkistan'da Türkçe İlk Tiyatro Eseri: Mahmud Hoja Behbudi'nin "Pederküş" (Baba Katili) Piyesu (1913) // Türklük Araştırmaları Dergisi (Istanbul: Marmara Üniversitesi), Sayı 15 (Bahar 2004). - S.177-262.; The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924), SOTA, Haarlem 2001.; Lazzarini J. Edward. From Bakhchisarai to Bukhara in 1983: Ismail Bey Gasprinskii's Journey to Central Asia // Central Asian Survey, 1984. Vol.3.; Lazzarini Edward J. Beyond Renewal. The Jadid Response to Pressure for Change in the Modern Age. Jo-Ann Gross (ed.), Muslims in Central Asia. Expressions of Identity and Change. – Durham-London: Duke University Press, 1992. – P. 151-166.; Lewis Bernard. The political language of Islam. – Chicago-London, 1988.; Lindenmayer A. Poverty is not a Vice: Charity, Society and the State in Imperial Russia. – Princeton, 1996.; Kleinmichel Sigrid. Halpa in Choresm und Atin Ayi im Ferghanatal. Zur Geschichte des lesens in Usbekistan im 20. Jh. Berlin: Verlag Das Arab. Buch 2001 (Anor 4); Aufbruch aus orientalischen Dichtungstraditionen. Studien zur usbekischen Dramatik und Pross zwischen 1910 und 1934. – Budapest: Akadémiai Kiadó, 1993.; Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue1. (Mar., 2001). – P.72-88.; Балдауф Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига айрим чизгилар. Тошкент: Маънавият, 2001.; Shimada Shizio. An Index of Ayina. Oyina jurnalining mundarijasi. Islamic Area Studies. Central Asian Research Series. – Tokyo, 2002. №5.; Sahadeo Jeff. Russian colonial society in Tashkent, 1865–1923. – Bloomington: Indiana University Press, 2007.

тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлари масалага ижтимоий-сиёсий жараёнлар негизида ёндашилгани билан аҳамиятлидир. Жаид адабиётининг юзага келиши, ғоявий жиҳатлари, жаид ижодкорларининг услуб масалалари, образ яратиш тамойиллари, жанрларнинг такомил хусусиятлари каби масалаларнинг фундаментал асоси, тараққиётини белгилаш бўйича жаҳон ва қардош халқлар адабиётшунослигида муайян илмий изланишлар олиб борилган. Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб айтиш керакки, XX аср бошлари вақтли матбуоти ҳозирга қадар турли аспектларда тадқиқ этилган бўлишига қарамай, унинг адабий жараёнга таъсири масаласи, давр – матбуот – адабий жараён муносабатлари ҳали тўлиқ ечимини топган эмас. Бу эса адабиётшунослигимиз илдизларини чуқурроқ ўрганиш кераклигидан дарак беради.

Диссертацияни ёзишда ўзбек ва чет эл адабиётшунослари, жаид матбуоти ва адабиёти мутахассислари номлари қайд этилган тадқиқотларига таянилди ва зарурият даражасида улардан фойдаланилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиётини ўрганишнинг илмий-назарий муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX аср бошлари ўзбек вақтли матбуот адабий материалларини аниқлаш, улар орқали давр адабий жараёнига баҳо бериш, ижтимоий фикр тараққиёти тадрижини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

адабий жараён – ижтимоий-сиёсий муҳит – вақтли матбуот таъсири масаласидаги мавжуд муаммоларни илмий асослаш;

XX аср бошлари ўзбек вақтли матбуотидаги адабий жараённинг ижтимоийлашувига сабаб бўлган асосий омилларни аниқлаш;

вақтли матбуот орқали кечган адабий алоқа ва таъсир масалаларини илмий асослаш;

матбуот нашрларида учровчи таржима асарларнинг давр адабий жараёнига таъсири масалаларини очиб бериш;

вақтли матбуотда келтирилган адабий ва адабий-танқидий материалларни жанр хусусиятларини ўрганиш;

публицистик ҳамда бадиий тамойилларнинг бирлашиб кетиши масаласини фельетоннинг рух ва жанр сифатидаги хусусиятлари мисолида очиб бериш;

вақтли матбуот тилининг бадиий асар поэтикасига таъсирини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XX аср бошлари ўзбек вақтли матбуоти, жумладан, “Ойна” журнали, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” газета материаллари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни XX аср ўзбек вақтли матбуотида адабий жараён, мавзу ва жанрлар муаммолари, давр ижтимоий-сиёсий воқелигининг бадиий асарларда ёритилиши масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда тарихий-киёсий, биографик, герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XX аср бошлари мустақил ўзбек вақтли матбуотида адабий жараён масаласи (шаклланиши, ривожига ҳамда “ғарбланиши”) давр ижтимоий-сиёсий муҳитига ҳамда мавжуд адабий алоқалар кесимида илк мартаба монографик тарзда очиқ берилган;

1906 – 1917 йиллар ўзбек матбуоти саҳифаларидаги бадиий асарлар поэтикасидаги ўзига хослик (адабиётнинг ижтимоийлашуви, бадиий асарнинг тил хусусиятлари, ғоявий жиҳатлари) “Ойна” журнали, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” ва бошқа вақтли матбуотдаги бирламчи манбалар асосида далилланган;

XX аср боши ўзбек вақтли матбуот нашрлари (“Ойна” журнали, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” газеталари) адабиётшунослик нуқтаи назаридан тизимли тадқиқ қилинган, адабиётда янги тур ва жанрларнинг таснифи амалга оширилган ҳамда матбуот орқали кечган адабий алоқаларнинг адабий жараён ривожига ўрни очиқ берилган;

жадид адабиётнинг мавзу-мундарижасида юз берган ўзгаришлар ҳамда янгиланган поэтик образлар талқини бадиий асарлар таҳлили орқали далилланган;

вақтли матбуот тилининг бадиий асар поэтикасига таъсири масаласи адабий материалнинг алоҳида наشري ва унинг газетада эълон қилинган вариантларининг қиёсий тадқиқи асосида исботланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

вақтли матбуотнинг адабий жараёнга таъсири аниқланиб, давр адабиётидаги поэтик ўзгаришлар, жанрий янгиланиш мезонлари ишлаб чиқилган;

аниқланган адабий материалларнинг XX аср бошларидаги адабий жараёни очиқ беришдаги ўрнига баҳо берилган;

матбуот тилининг бадий асар поэтикасига таъсири аниқланган, адабий материалларнинг газета ва китоб варианты қиёсий тадқиқ қилинган;

публицистик ва адабий тамойилларнинг бир-бирига ўтиб туриш жараёни давр матбуоти мисолида очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг жадиличлик бўйича олиб борган илмий изланишларига оид фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилгани; бирламчи манбалар, хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Нодир нашрлар фондида сақланаётган “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” газетасининг F-89, “Ойна” журналининг Пяу-266 рақамли нусхасидан фойдаланилгани натижасида республика ва халқаро илмий конференция материаллари тўпламлари, хориж ва республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вақтли матбуотда кечган адабий жараён масаласи давр кесими билан мутаносиблик нуқтаи назаридан илк бор кенг қамровда, махсус талқин этилиши; жадиждлар адабий меросини поэтик тафаккурнинг янгиланиши; бадий маҳорат нуқтаи назаридан; асарларининг миллий истиқлол ғоялари билан боғлиқликда ўрганилиши; янги адабий материалларнинг илк бор илмий таҳлил доирасига тортилиши; тадқиқот натижалари, ундаги таҳлил усуллари, тимсол ва жанр қўллашдаги анъана ва янгилик муносабати борасидаги кузатишлар миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти тарихи ва назариясини янада бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан ўзбек адабиётида ҳали маълум бўлмаган кичик насрий жанрларга мансуб

намуналарни таҳлил қилиш, илк бор табдил қилинаётган адабий материаллардан миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, ўзбек адабиёти тарихига бағишланган махсус курслар ташкил этишда, ўқув ва услубий адабиётлар яратишда, шунингдек, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини бойитиш, малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда, маънавий кадриятларимизнинг ўрни ҳақида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XX аср бошлари адабий жараёни муаммолари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўтган аср бошлари ижтимоий фикр ҳамда бадиий тафаккур муносабатининг матбуот саҳифаларида акс эттириш усулларини текшириш; ижтимоий муҳит таъсирида адабиётнинг “ғарблашуви” масаласи, адабиётда янги тур ва жанрларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш; матбуот саҳифаларидаги бадиий асарлар поэтикасидаги ўзига хослик масалаларини ўрганиш; адабиётнинг ижтимоийлашуви, бадиий асарнинг тил хусусиятлари, ғоявий жиҳатларини таҳлил қилиш; адабиётнинг мавзу-мундарижасида юз берган ўзгаришлар ҳамда янгиланган поэтик образлар тизимини талқин қилишга оид хулосалардан ОТ-Ғ1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7 жилд) чоп этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги 89-03-4855-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек адабиёти тарихининг XX аср боши адабий жараёни, адабиётда янги тур ва жанрларнинг пайдо бўлишига доир илмий қарашларнинг бойишига асос бўлган;

XX аср бошларидаги адабий жараён, бадиий асарнинг жанр хусусиятлари ва поэтик белгиларининг ўрнини белгилаш; XX аср боши ўзбек адабиётида рўй берган поэтик образлар тизимидаги янгиланишларни давр кесими нуқтаи назаридан текшириш; жаҳидларнинг адабий танқид,

адабиётда янги тур ва жанрларнинг пайдо бўлиши масалаларига муносабатини аниқлаш; матбуот – адабиёт – давр алоқадорлиги масалаларини талқин ва таҳлил методологияси нуқтаи назаридан асослаш борасидаги илмий-назарий хулосалардан ОТ – Ф1-80 рақамли “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳасининг назарий қисмида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 7 декабрдаги 3/1255-2748-сон маълумотномаси). Натижада, XX аср боши янги ўзбек адабиётидаги янгиланган поэтик образлар, бадиий қаҳрамон масаласига доир илмий қарашларнинг бойишига асос бўлган;

жадид адабиёти бадиияти, давр адабий муҳити ижодкорларининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни, вақтли матбуот ва адабий жараён муносабатига оид назарий ва амалий хулосалардан Сурхондарё телерадиокомпанияси “Янги аср” радиосининг “Адабиёт гулшани” эшиттиришида фойдаланилган (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 2019 йил 9 октябрдаги 01-01/336-сон маълумотномаси). Натижада, дастур учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 3 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 132 саҳифани ташкил этади.

# **I БОБ. XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ШАРОИТ ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН**

## **1.1. Ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг адабий жараёнга таъсири**

Ўзбек адабиёти бугунги кунга қадар жуда кўп тарихий-сиёсий жараёнларга гувоҳ бўлди. Ҳар бир даврнинг ижтимоий-сиёсий шароитига мувофиқ тарзда адабий тараққиёт даражаси ҳам турлича кечди. Темурийлар давлати таназзулга юз тутгач, дастлаб шайбонийлар, кейин аштархонийлар ҳукмронлиги даврида бошланган маъмурий бўлинишлар маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Хива (XVI аср), Бухоро (XVI аср), Қўқон (XVIII аср) хонликлари ташкил топиши билан адабий жараёнда ҳам чегаралар юзага келди. Бу хонликлардаги адабий жараён ҳам уч адабий муҳит доирасида кечди. Бу вақт оралиғида маданий-адабий ҳаёт гоҳ юксалиб, гоҳ пасайиб турди. XIX аср бошларига келиб ўзбеклар орасида юз берган уйғониш<sup>9</sup> адабий ҳаётда ҳам кузатилди. Анъанавий назм, тарихий асарлар адабиёти, тазкирачилик, таржимонлик, луғатчилик, кўғирчоқ театри соҳалари сезиларли равишда фаолият олиб борди. Агар Хоразмда Мунис, Огаҳий, Феруз фаолияти туфайли адабиёт, тарих, таржимачиликда жонланиш сезилган бўлса, Қўқонда кучли адабий марказ вакиллари туфайли бадиий ижод юксалди<sup>10</sup>, икки тилда ижод қилувчи ўзбек шоиралари кўплаб етишиб чиқди<sup>11</sup>. Бухоро форсий жиҳатдан кучлироқ таъсир остида бўлган ва диний мавзулардаги форс адабиёти манбаларидан бир қанча таржималар қилинган. Шунини ҳам айтиш керакки, ушбу амирликдаги мутаассиблик маърифат даражасини пасайтириш билан бир қаторда муқаррар равишда адабиётнинг сифат ва миқдорини ҳам пасайтирди<sup>12</sup>. Мактаб ва мадрасаларда асосан диний

---

<sup>9</sup> Allworth Edward. The Soviet Russian Impact on Uzbek Literary Activity. Ph.D. diss., Columbia University, 1959. P.13.

<sup>10</sup> Orzibekov R. O`zbek adabiyoti tarixi. (XVII-XIX (I yarmi) asrlar). – Toshkent: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2006. – B.132.

<sup>11</sup> Бу даврда Дилшод отин, Зебунисо, Зиннат, Моҳзода Бегим, Маҳзуна, Муштарий, Нодира, Нозук Хоним, Увайсий каби шоиралардан иборат аёл-кизларнинг ижод мактаблари вужудга келди.

<sup>12</sup> Allworth Edward. The Soviet Russian Impact on Uzbek Literary Activity. Ph.D. diss., Columbia University, 1959. P.13

фанлар, қисман адабиёт (Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Бедил ва бошқалар) ўқитилди.

Ушбу давр адабиётининг умумий белгиларидан бири анъанавийлик ва ворисликнинг кучайиши бўлди. Навоий, Бобур, Фузулий, Ҳофиз ижодига эргашиш тамойилини деярли ҳар бир адабий манбада, ҳар бир ижодкорда учратиш мумкин эди. Шу билан бирга, замондош қардош ижодкорлардан таъсирланиш кучайди. Бу ҳодиса оқибатида услуби бир-бирига ўхшаш ижодкорлар етишиб чиқа бошлади. Назиралар боғлаш, тазмин, мухаммаслар битишни, асосан, Нодира, Увайсий, Мунис, Махмур, Амирий, Турди ижодида кўп учратиш мумкин. XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фузулийнинг таъсири<sup>13</sup> ўлароқ “ғарб туркчасининг таъсири кучайди ва икки лаҳча билан ёзатирғон шоирлар кўруна бошлади. Ҳатто айтиш мумкинки Фузулий билан бирга бизда иккинчи бир лаҳча ҳам туғди”<sup>14</sup>. Ушбу фикрга кўшимча қилиб айтганда, ўғуз лаҳчасининг таъсири кейинчалик жадид ижодкорлари услубида ҳам сақланиб қолди.

Бу даврга келиб халқ китобларига мурожаат кўпайди. “Тўтинома”, “Чор дарвеш”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Тоҳир ва Зухра”, “Бўз ўғлон”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Гўрўғли” туркумидаги дostonлар таъсири ижодкорлар орасида кенг тарқалди. Халқ адабиётининг таъсири XIX аср ўраталаригача ва ундан кейин ҳам сақланиб қолди. Вадуд Маҳмуднинг “Туркистоннинг сўнг шоирларидан Муқимий, Фурқат, Ҳазиний парчаларидан шундайлари борки, агар аллақайси қоронғу токчалардан, чуруб, қорариб<sup>15</sup> кетган баёзлардан кўруб эгаларини билган бўлмасак, уларни эл адабиётидан ҳеч вақт ажрата олмас эдик”<sup>16</sup>, деган фикрлари бунинг исботидир.

Адабиётда диний-тасаввуфий элементларнинг кенг ўрин эгаллаши, яссавиёна ҳикматлар ва шу йўлда ёзилган шеърлар давр диний-маърифий адабиётини юзага келтирди. Аҳмад Яссавий, Убайдий, Сулаймон

---

<sup>13</sup> Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар.2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.61.

<sup>14</sup> Маҳмуд, Вадуд. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2007. – Б.45.

<sup>15</sup> матнда шундай келтирилган.

<sup>16</sup> Маҳмуд, Вадуд. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2007. – Б.24.

Боқирғоний, Сўфи Оллоёр анъаналарига рағбат ва майл кўрсатган ижодкорлар <sup>17</sup> адабиётга таркидунёчилик элементларини олиб кирди. Фитратнинг сўзларига кўра, бу адабий жараён ҳеч бир янгилик кўрсатмасдан то жадидчилик давригача давом қилди ва бир-бирига куруқ тақлид қилувчи сон-саноксиз шоирлар етиштирди<sup>18</sup>. Бизнингча, бу қараш кўпроқ шеърятга тааллуқли. Сабаби, шу даврда сарой адабиёти унсурлари, мадҳиябозлик ва тазминчилик кучайган эди. Шу боисдан ҳам бадиий адабиётнинг – назмнинг даражаси “Навоий асри”га нисбатан олиб қаралганда “тубан тушиш”<sup>19</sup> сифатида баҳоланган, деб айтиш мумкин.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, тарқоқ адабий жараён бирлашди. Ва миллий уйғониш даври адабиётига қадам қўйилди. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги 50-60 йилни қамраб олувчи <sup>20</sup> миллий уйғониш минтақамизда жадидчилик шаклида намоён бўлди ва у 20-йилларнинг ўрталаригача давом этди <sup>21</sup>. Бир қатор тадқиқотларда жадид адабиётига адабий йўналиш ёки оқим сифатида қараш мавжуд. Жумладан, С.Мирзаев 1905 – 1917 йиллар оралиғида мавжуд бўлган адабий йўналиш ва ижодий тўдалардан ижтимоий ҳаётга энг яқини сифатида жадид адабиёти ва ижодкорларини кўрсатади: “1905 – 1917 йиллар жамиятида турли позицияда турган ижтимоий гуруҳлар бўлганидек, хилма-хил адабий йўналиш ва ижодий тўдалар ҳам бўлган. Лекин улар орасида ижтимоий ҳаётга, меҳнаткашларнинг истакларига энг яқини ва ўша давр муаммоларини ечиш йўлларини изчиллик билан қидиргани, ҳаётий муаммоларни баралла қуйлагани, шубҳасиз, жадид адабиёти ва жадид ёзувчиларидир”<sup>22</sup> Муаллиф назарича, XX аср бошларида жадид адабиётига ўхшаш бир қанча адабий йўналишлар бўлган ва жадид адабиётини шуларнинг энг муваффақиятлиси сифатида баҳоламоқда. Ушбу фикрга яқин келувчи қарашни Д.Қуронова

<sup>17</sup> Orzibekov R. O`zbek adabiyoti tarixi. (XVII-XIX (I yarmi) asrlar). – Toshkent: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2006. – B.87.

<sup>18</sup> Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар.2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.60.

<sup>19</sup> Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.58.

<sup>20</sup> Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. – Тошкент: Маънавият, 2011. – Б.171.

<sup>21</sup> Қосимов Б. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б.2

<sup>22</sup> Mirzayev S. XX asr o`zbek adabiyoti. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – B.14.

хам кузатиш мумкин: “...янги адабиётнинг ижодий тамойилларини мукаммал адабий-эстетик дастур тарзида шакллантириб улгурмадилар. ...шунга кўра, бизнингча, жаид адабиётини миллий адабиётимиз тарихидаги ғоявий-адабий оқим сифатида тушунилгани маъқулроқ кўринади”<sup>23</sup>. Аслини олганда, жаид адабиётига бир оқим, йўналиш, соҳа сифатида қарашлар хилма-хиллиги доим мавжуд бўлиб келган. Бироқ бу давр адабиётига адабиёт тарихидаги бир давр сифатида, том маънодаги адабиёт сифатида қараш тўғрироқ бўлади.

Ўзбек адабиётининг бирор босқичи миллий уйғониш даври адабиётчилик сиёсий-ижтимоий жараёнларга яқин келмаган, бирлашиб кетмаган. Адабиётнинг ижтимоий шароитдан келиб чиқиб иш тутиши, ўз йўналишини белгилаши айти шу давр адабиёти мисолида яққол кўзга ташланади. Хусусан, ўзбек шеърятининг шу кунгача босиб ўтган мавзу йўналишларига эътибор бериладиган бўлса, уларда ўз даври муаммоларидан келиб чиққан турлича тенденцияларни кузатиш мумкин: Навоидан аввал ва ундан кейинги мумтоз шеърятда тасаввуфий оҳанглар, илоҳий ишқ тасвирларига кенг ўрин берилган. XIX асрга келиб назм илоҳийликдан бир поғона пастга тушди. Бу даврнинг лирик қаҳрамони ижтимоийлашди, зулмга қарши курашувчи, хон ва бойларни қораловчи инсон сифатида гавдаланди. Туркистон ўлкаси мустамлака зулми асоратига тушиб қолган XIX аср охиридан бошланган миллий уйғониш даври босқичига келиб энди шеърятдаги мавзу ҳам, услуб ҳам кескин ўзгарди. Жаид шеърятчи вакиллари муҳаббатни куйлашга мослашган аруз вазнида бу даврга келиб илм-маърифатга, ватанни севишга чорловчи шеърлар ёза бошладилар. Адабиётга кириб келган шиддаткор рух, даврнинг суронли нафасини етказиб беришда аруз вазни қўл келмай қолди. Жуда кўплаб ижтимоий-маърифий мазмундаги шеърлар бармоқ вазнида, халқ кўшиқлари оҳангига мос тарзда ёзила бошланди. Анъанавий назмнинг фақат шаклигина сақланиб қолди.

---

<sup>23</sup> Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2004. – Б.15.

Шеърятда ҳар хиллик йўқолиб, мавзу умумийлашиб яхлитланиб кетди, битта мақсад атрофида бирлашди. Бу давр шеърятдан нафосат, жимжималик эмас, балки ғоявий ҳаракатдан келиб чиқувчи адабиёт кидирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусийликдан умумийликка ўтиш, яъни ўз орзусидаги шахс ёки охири номаълум натижа орқасидан югуриш эмас, балки халққа муҳаббат, унинг кулфатини аритишга ҳаракат биринчи ўринга чиқди. Агар жаҳид шеърятининг биринчи босқичи 1905 – 1917 йиллар оралиғи деб белгиланса<sup>24</sup>, шу қисқа вақт ичида юз берган жараён кўп асрлик анъана қолипни парчалаб юборди. Бу босқич шеърятда “тажриба босқичи” бўлди ва у ифоданинг тўпориликдан жозибаторликка ўтишига замин ҳозирлади.

“Куйдан даъватга”<sup>25</sup> айланган бу давр шеърятини маърифий руҳдаги шеърлар баёзи, дейиш мумкин. Унда “эркинлик”, “таракқиёт”, “маърифат” мавзулари қизил чизиқ бўлиб ўтганини кўрамиз. Мутахассислар XX аср бошларидаги жаҳид адабиётини “бадииятига кўра у қадар юксак эмас”<sup>26</sup> деб баҳолашади. Бу хусусият, айниқса, шеърятда кўпроқ сезилиб туради. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд:

1. Ҳиссиётни бадиий тарзда етказиш Шарқ халқлари учун анъана. Лекин фикрни шу йўл билан етказилганда бадиийликка путур етиши турган гап.

2. Танланган мавзу йўналишига қараб (илмга чақириш, иллатларни танқид қилиш, ижтимоий фикрни сингдириш) шоирдан кескин ва оддий ифодаларни қўллаш талаб қилинади. Шу боис жаҳид шеърятда поэтик ҳашамдорликдан қочиш ва мақсадга яқин йўл билан етишга уриниш етакчилик қилади.

---

<sup>24</sup>Қосимов Б. Миллий уйғониш : Ҳасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.128.

<sup>25</sup>Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.184.

<sup>26</sup>Қосимов Б. Миллий уйғониш... – Б.128.

3. XX асрга келиб бадий шаклдан кўра бадий мазмун бирламчи кучга айланди: қандай ёзиш эмас, нимани ёзиш муҳим бўлиб қолди. Шу боис “яланғоч даъват ва чақириқлар”<sup>27</sup> бадийликни “шиорбозликка алмашди”.

4. Жаид адабиётининг дастлабки намуналари “Ўтиш даври” (1905–1917 йй.) маҳсули ҳисобланиб, янги жанр, янги услубга ишлов бериш давомида сайқалланди. XX асрнинг 20-йилларига келибгина у “ҳар жихатдан тўлақонли адабиётга айланди”<sup>28</sup>. Бу босқичда (1905 – 1917 йй.) “адабиётимизнинг дунёвий мазмун томон бурилиши, маърифатпарварлик руҳининг етакчилиги, жаидчилик қарашларининг мўллиги, ғоявий пафоснинг кучлилиги, бадийликнинг заифлиги ва анъанавий шеърият турлари ила бир қаторда драма, роман сингари жанрларнинг эмбрионал шакллари майдонга келиши каби белгилар билан характерланади”<sup>29</sup>. Адабиётдаги янгиланишлар, ғоявий курашлар, баҳс-мунозаралар бу давр адабиётига хос бош хусусият бўлди. Ўзбек адабиёти реалистик характерга эга бўла бошлади. Бу босқичда жаид адабиётининг Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Фитрат каби буюк қалам соҳибларини етиштирган адабиёт жанрлар қоришиқлиги, тажрибалар силсиласини бошидан кечираётган эди. Шу боис бу даврда яратилган асарларга одатий қолиплардан бироз четга чиққан ҳолда баҳо бериш адолатдан бўлади. Ҳар қандай бадий тасвирда ўсиш бўлади. Бу ўсиш жараёни бадий таҳлилга мутаносиб кечади. Бадий тасвир юксак бўлиши учун асарни ўқийдиган ўқувчининг ва адабиётшуносликнинг савияси ҳам шунга монанд равишда ўсиши керак. Китобхоннинг тафаккури, бадий асарни қабул қилиш савияси бадий адабиёт кучини белгилаб беришда бир омил бўлади. Ҳозирги адабий жараёндаги эстетик талаб билан XX асрдаги талабни солиштириб бўлмайди. Бадий жараённи бугунги кун назарияси ва танқиди нуқтаи назаридан текшириб бўлмайди. Аслида биз бадий яйдоқ фикрлар, тўлақонли бўлмаган адабиёт деб айтадиган баҳоларимиз нисбий, бирёқлама ёндашишдан бошқа

<sup>27</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.128.

<sup>28</sup> Ўша ерда. – Б.128.

<sup>29</sup> Санжар Содик. Ҳақиқат ва адолат кўёши. – Тошкент: EXTREMUM PRESS, 2011. – Б.23.

нарсa эмас. Кучли китобхон бўлмаган жойда кучли адабиёт бўлиши мумкин эмас. Адабиётнинг юксалиши адабиётшуносликнинг юксалиши билан боғлиқ.

Бу даврда қарашлар, ифода йўллари, мақсад ўзгарди, кескинлашди. Бадиий тафаккур ва эстетика янгилана бошлади<sup>30</sup>. Ғарб адабиёти ва публицистикасининг таъсирида ҳикоя, роман, драма жанрлари ва танқидий мақола ва эссе, тақриз, обзор, фельетон каби адабий танқид жанрлари ўзлашди. Мумтоз адабиётда “Навоий асри” қанчалик кескин бурилиш ясаган бўлса, янги ўзбек адабиётидаги жадидчиликнинг ўрни ва салмоғи ҳам ундан кам эмас. Жадид адабиётининг ҳақиқий баҳосини бериш шу даврга мансуб адабий меросни чуқур ўрганиш билангина амалга ошади. Бу давр адабий муҳитида назмдан кўра кўпроқ насрда муҳим янгиланишлар, бадиий кашфиётлар рўй бераётганди. Шу сабабли, жадид адабиётининг кўпгина ўзига хосликлари ундаги насрий намуналарида кўзга ташланади. Буни адабиётга кириб кела бошлаган янги жанрлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда бир мулоҳазага эҳтиёж сезилади. Жадид адабиётини тадқиқ қилган бир гуруҳ олимлар XX аср бошларида шеъриятни етакчи мавқе эгаллаганлигини эътироф этишса<sup>31</sup>, яна бир гуруҳ мутахассислар бу масалада насрни кўрсатишади. XX аср бошлари янги ўзбек адабиётида шеъриятнинг асосий ўрин эгаллашини ёқловчи олимлар гарчи бир хил қарашни илгари сураётган бўлса ҳам, лекин ўз фикрларини изоҳлаш нуқтасида бир-бирига зид позицияда турганликларини кўришимиз мумкин. Хусусан, тадқиқотчи С.Мирзаев шундай ёзади: “Янги ўзбек адабиёти тарихининг бу босқичида шеърият етакчи ўринни эгаллаб келди. Бу ҳол шеъриятнинг мумтоз адабиётда етакчи бўлганлиги анъанасининг янги ўзбек адабиётида ҳам давом

---

<sup>30</sup> Қаранг: Г.Т.Махмудова. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири. Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 1996.; Д.Н.Ражабова. Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 2003.; Д.Т.Амридинова. Самарқанд жадидчилигининг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 2006.; Л.А.Муҳаммаджонова. Жадид мутафаккирларининг ахлоқий-эстетик қарашлари. – Тошкент: Университет, 2007.

<sup>31</sup> Қаранг: Mirzayev S. XX asr o'zbek adabiyoti. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – B.17.; Каримов Н. ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б.18.

этиши натижасида содир бўлди”<sup>32</sup>. Демак, муаллифнинг фикрига кўра, жаид шеърияти мумтоз шеърият анъаналарини тўлиғича давом эттирган. Энди айнан шу хусусда фикр билдирилган бошқа бир тадқиқотда ўқиймиз: “Жаид адабиётининг етакчи соҳаси шеъриятдир. Ўзбек мумтоз шеъриятдан ҳам вазн, ҳам тил ва услуб, ҳам ғоявий жиҳатдан кескин фарқ қилган жаид шеърияти XX аср ўзбек адабиётининг янги йўналишда раванқ топишига тамал тошини қўйди”<sup>33</sup>. Англашилганидек, юқоридаги фикрлар айни пайтда бир асосда тўхталиб, фикрни изоҳлаш йўлида турли тарафларга қараб юради. Жаид шеърияти билан махсус шуғулланган олима Н.Афоқованинг: “Аммо эскилик ва янгилик айнан жаид адиблари ижодида – шеъриятда рўбарў келди”<sup>34</sup>, деган хулосасини эса юқоридаги икки қарашнинг умумлашмаси сифатида қабул қилиш мумкин. Бу давр адабиётида насрнинг мавқеини олдинги планга олиб чиқувчи бир гуруҳ адабиётшунослар<sup>35</sup> ҳам борки, жумладан, Д.Қуронон ўзининг бу борадаги қарашларини “эпик турда бадий-концептуал функцияни бажариш, дунёни англаш ва англатиш имкониятларининг кенглиги ва бунинг XX аср бошларида долзарблик касб этган”<sup>36</sup>лиги билан изоҳлайди.

Ўзбек адабиётида ҳақиқий маънодаги адабий танқид ўтган аср бошларида вақтли матбуот билан бирга туғилди. Ўзбек адабий танқидчилигини ўрганиш бўйича яратилган тадқиқотларда адабий танқидимизнинг даврлаштирилиши масаласида турли хил ёндашувни кузатишимиз мумкин. Бир қатор ишларда<sup>37</sup> миллий адабий танқидчилигимизнинг даврлаштирилиши 1917 йилдан бошлаб таснифланган. Албатта, даврлаштиришнинг бу усулида адабий жараён ўзгаришларидан кўра сиёсий мафкуравий жараёнларга мослаб талқин этилган. Юқоридаги

---

<sup>32</sup> Mirzayev S. XX asr o`zbek adabiyoti. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – B.17.

<sup>33</sup> Каримов Н. ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б.18.

<sup>34</sup> Афоқова Н. Жаид шеърияти поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 7-8.

<sup>35</sup> Йўлдошев Қ. Ёник сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б.183.; Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Navoiy universiteti, 2018. – B.363.

<sup>36</sup> Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Navoiy universiteti, 2018. – B.363.

<sup>37</sup> Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. – Тошкент: Фан, 1987.; Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. – Тошкент, 1990. – Б.58.; Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.

тадқиқотлардан фарқли ўлароқ мунаққид С.Содиқ даврлаштириш масаласига қисман ўзгартириш киритади ҳамда танқидчиликнинг биринчи босқичини 1914 йилдан бошлаш таклифини беради<sup>38</sup>. Бизнингча, даврлаштиришнинг бу шакли ҳам ўзини оқламайди. Сабаби, бу таснифларда миллий матбуотимизнинг биринчи давридаги нашрларда эълон қилинган танқидий чиқишлар назардан четда қолган. Аслида, адабий танқиднинг илк тамал тоши шу паллада қўйилган эди. Қолаверса, миллий нашрлар пайдо бўлмасдан биров илгари ҳам “Туркистон вилоятининг газети”да адабий танқид жанрларининг илк намуналарини учратиш мумкин<sup>39</sup>. Бу эса адабий танқидни даврлаштириш нуқтасини янада олдинроқдан бошлашни талаб қилади. Шу маънода яна бир гуруҳ олимларимиз ўзбек адабий танқидчилик илдизларини 1900 йиллардан бошлаб ўрганишни маъқуллашади:

1. Янги ўзбек адабий танқидчилигининг пайдо бўлиши ва шаклланиши (1900 – 1927).

2. Ўзбек адабий танқиди мафкуравийлаштириш ва реализм учун кураш жараёнида (1928 – 1961).

3. Танқидда бадиият ва маҳоратга эътиборнинг кучайиши (1962 – 1991).

4. Ўзбек танқидчилигида истиқлол даври (XX асрнинг 90-йилларидан кейинги давр)<sup>40</sup>.

Ушбу тасниф масалага ижтимоий-эстетик жараёнлардан келиб чиқиб ёндашганлиги билан фарқланиб туради.

Ўз даврида Бехбудий ҳам ўзининг “Танқид сараламоқдур”<sup>41</sup> мақоласи билан ўз қарашларини майдонга ташлади ва том маънода XX аср ўзбек адабий танқиди назариётчиси сифатида эътироф топди. Танқиднинг

---

<sup>38</sup> Содиқ С. Танқидчилигимизнинг машаққатли йўли / Мустақиллик даври адабиёти. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2006.

<sup>39</sup> Бу ҳақда қаранг: А.Абдуғафуров. Фурқатнинг насрий мероси // Ўзбек адабиёти масалалари.1976. – Б.64.; Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Фаъ, 1979. – Б.14-15.; Б. Валихўжаев, Ш.Холматов. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Самарқанд,1983. – Б.44.; Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. – Тошкент: Фан,1987. – Б.67.

<sup>40</sup> Назаров Б. ва б. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. – Б.38.

<sup>41</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Танқид – сараламоқдир // Ойна.1914.№32. – Б.621-623.

дастлабки содда таърифларини биз XX аср бошлари матбуотида тез-тез учратишимиз мумкин. Хусусан, “бир кишининг ёзганига икинчи бир кишининг назари”<sup>42</sup>, “боиси ислоҳ”<sup>43</sup>, ёзувчининг ўз устида ишлашига ундаб, уни “бармоқ билан туртуб кўрсатурға лойиқ адиб сифатида тарбияловчи куч”<sup>44</sup> сингари таърифлар жадидларнинг танқидга муносабати ва уни қандай қабул қилганларини кўрсатиб беради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, дастлабки танқид намуналарини соф адабий кўринишда деб бўлмайди. Уларда қоришиқлик ва тажрибасизлик сезилиб туради. Фақат XX асрнинг 10-йилларидан сўнг “танқид” истилоҳ сифатида адабий танқид маъносида ишлатила бошлади<sup>45</sup>. Театрнинг кириб келиши, сахна асарлари ва уларга ёзилган тақризлар ҳақиқий маънодаги танқид адабиётини юзага келтирди. Танқиднинг муҳим жанри бўлган тақриз энг кўп қўл урилган йўналиш бўлди. Жадидлар театри маданиятнинг бир кўриниши деб қабул қилдилар: “Тараққий қилмоқнинг энг биринчи сабаб ва боисларидан бири тиётрлардур деюрлар”.<sup>46</sup> Бехбудий театр тўғрисидаги қарашларида драманинг уч турига ишора бериб ўтади: “Тиётрхона сахналаринда кўюлатургон асарлар фожиа, яъни қайғулик, мазҳака, яъни кулгу, драма, яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб халоюқға кўрсатилур”<sup>47</sup>. Аста-секин драма жадид адабиётининг етакчи соҳасига айланди. Унинг асосий анъаналари турк, татар театр санъатидан ўзлаштирилди. Улардан фарқли ўлароқ миллий колоритни акс эттирган пьесалар ёзилди. Бу асарларига ёзилган тақризлар эса адабиётнинг, адабиётшуносликнинг янги имкониятларини очди.

Умуман олганда, аср бошларида жадидлар адабиётни кенг маънода тушунганлар. Адабий жанр ҳамда адабиётшунослик жанрлари ўзининг аниқ чегарасига эга бўлмаган. Матбуот, адабиётшунослик, театр, бадиий

---

<sup>42</sup> Аҳлулло Хайрулло. Танқид // Садои Туркистон. 1914. 19 ноябрь;

<sup>43</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Танқид сараламоқдир // Ойина.1914.№32. – Б.621-623;

<sup>44</sup> Ашуралӣ Зоҳирӣ. Буюк илтимосга жавоб олдинда // Садои Туркистон. 1914. №49.

<sup>45</sup> Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1993. – Б.103.

<sup>46</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Тиётр надур // Ойина.1914.№29. – Б.550. Замонавӣ нашри: Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б.175-177.

<sup>47</sup> Юқоридаги манба. – Б.550.

асарларни адабиёт сифатида қарашган. XX асрга келиб ўзбек адабиётида кўпгина жанрларга синов сифатида кўл урила бошлади. Адабиётнинг эстетик жиҳатларидан кўра ғоявий масалаларига эътибор кўпроқ бўлди. Адабиётнинг публицистика билан узвийлиги кучайди. Шу боис бу давр адабиётида публицистик ва бадиий жанрлар ўртасида чегара йўқолди, бир-бирига ўтиб турди. Буни фельетон мисолида кўриш мумкин. Матбуот саҳифаларида “Фельетон”, “Кичик фельетон” каби алоҳида рукнлар кўрина бошлади. Таъкидлаш керакки, жадидлар кўпинча ўз ёзганларига аниқ бир жанр белгилаб ўтмаган. Матбуотда ҳам фельетон рукнида бир нечта жанрдаги (хикоя, роман, танқидий мақола, саёхатномалар, шеър) асарлар эълон қилинаверган. Ҳолбуки, вазият шундай экан, уларга аниқ бир жанрни тиркаб кўйиш ҳам тадқиқотчига мушкуллик туғдиради. Кўпчилик газеталарда адабиётга оид рукн фельетон деб номланган. Лекин уларнинг орасига чегара кўйиб бўлмайди. “Фельетон” рукнида келтирилган мақолалар ҳам соф адабий жанрларда бўлмай, асосан, таълим-тарбия, матбуот, ижтимоий-маданий ҳаётга доир танқидий фикрлар келтирилган. Жадид муҳаррирлари газеталардаги фельетон қисмига хабарлар рукни сифатида қарашган. Бу даврда фельетон танқидий жанр сифатида шаклланмаган эди. Фақат 1926–1927 йилларга келибгина фельетонга танқидий жанр сифатида қарала бошланган.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ўзининг мафкуралардан, синфийликдан ҳоли бўлган баҳосини мустақиллик йилларида топди. Бироқ шуни унутмаслик керакки, мустақиллик даври адабиётшунослиги, адабий танқиди, илм оммаси қанчалик холисона фикр билдиришга ҳаракат қилмасин, бу давр адабиётининг ҳақиқий манзараси, ўзига хос жиҳатлари, асосий хусусиятлари тўғрисида ўша кезлардаги миллий вақтли матбуотчалик ишончлироқ маълумот берувчи манба йўқ. Миллий уйғониш ҳаракатининг бориши вақтли матбуот билан чамбарчас боғлиқ кечди. Матбуот жадидлар дастурини амалга оширишда минбар сифатида хизмат қилди. Проф. Б.Қосимов Туркистондаги матбуот ишларининг олға кетишини 1905 йил

октябрь Манифести билан боғлайди. Ҳукумат нашри бўлган “Туркистон вилоятининг газети” ҳамда Усмонли турк, Кавказ, Волгабўйи матбуотчилигининг<sup>48</sup> муҳим ўрин тутишини айтиб ўтган. Бундан ташқари, З. Абдирашидов Туркистонда, айниқса, Бухорода модернистик ғояларни шакллантиришда мусулмон матбуоти ҳамда Эрон, Ҳиндистон ва Миср даврий нашрларининг ҳам роли бўлганлигини алоҳида таъкидлайди<sup>49</sup>.

XX аср адабий манзараси жадид матбуотида тўла-тўқис акс этган дейишимиз мумкин. Бу адабиётнинг биринчи босқичи – 1905 – 1917 йиллар адабиёти Туркистонда миллий матбуотнинг илк куртак ёзиши, ривож олиши даврига тўғри келди. Шу қисқа вақт жадид матбуоти билан биргаликда жадид адабиётини ҳам синовдан ўтказди. Матбуот билан адабиётнинг уйғунлашуви ҳодисаси рўй берди. Адабиётни оммага етказиш учун кенг тарқалиш имкониятига эга бўлган газета ё журналларда нашр этиш йўли танланди. Саҳна асарларини театрда намоён этиш билан эса катта таъсир кучига эришилган. Жадид адабиёти, шубҳасиз, жадид матбуоти воситасида кенг ёйилди, томир отди. Публицистик ҳамда адабий тамойиллар бирлашди. Шу билан бир қаторда, давр адабиётига мос тарзда танқид ёки бошқача айтганда жадид адабиётшунослиги ҳам шаклланиб, янгилиниб борди.

Бизда миллий матбуот ишлари (гарчи кечроқ бўлса-да) 1905 йилдан сўнг юзага келди. Бунда 1905 йил рўй берган сиёсий жараёнлар, хусусан, Манифест асосий омил бўлди. Сабаби, 1905 йил чор ҳукумати тарафидан Манифест эълон қилиниши натижасида империя мусулмон аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти бутунлай ўз йўналишини ўзгартирди<sup>50</sup>. Россиянинг Корея ва Манжурия устидан ҳукмронлик учун японлар билан кечган ва тарихда рус-япон уруши (09.02.1904 – 05.09.1905) деб ном олган муҳораба кудратли империя учун оғир мағлубият ва таҳликали вазиятни юзага чиқарди. Ўзининг икки миллионлик қўшини билан тўрт юз минглик япон

<sup>48</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш : жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.36.

<sup>49</sup> З.Абдирашидов. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. Т., Akademnashr, 2011. – С.321-23.

<sup>50</sup> Абдирашидов, З. Туркистон жадидлари ва миллий ғоя тарғиботи / Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари. – Тошкент, 2016. – Б.37.

кўшинига урушни бой бериш Россия империяси қудратига соя солган кучли зарба бўлди. Уруш Портсмут сулҳи билан 1905 йил 5 сентабрда яқунланган бўлса ҳам, унинг асоратлари узоқ давом этди. Россиянинг бу мағлубияти 1905 йилги Русия инқилобини келтириб чиқарди: “...ўйламагон ердан ёпунлар чиқиб, эски ҳукуматни тамом оёқдан қолдириб, ....халқнинг умидин бутун-бутун кесмоқға сабаб бўлди”<sup>51</sup>. Ва натижада мамлакатдаги тартибсизликларга барҳам бериш мақсадида подшоҳ Николай II фармони билан 17-октябрь санасида Манифест (Фармойиши олий) қабул қилинди. Манифест матнининг аввалида унинг қабул қилиниш сабаби сифатида “улуф мамлакатнинг кўб жойларида чиққан фитна ва бетартиблик”<sup>52</sup>ка барҳам бериш назарда тутилади. Бу тартибсизликлар “мамлакатнинг бутунлигиға ва бирлигиға зарар келтур”ишидан чўчиган Николай II “чин ихлослик фуқароларини” Русияни ўз ватанлари деб билиб “тинч ва осойишталикни барпо қилмоқ”қа чақиради. Мазкур Манифест 3 банддан иборат бўлиб, биринчи: фуқароларга сўзда, динда, йиғинда, жамиятда эркинлик берилишини; иккинчи: сиёсий партия ва давлат думаси таъсис этилишини; учинчи: барча қонунлар Давлат думасида жорий қилинишини назарда тутарди. Бутун Русия аҳолиси Манифестни илиқ қарши олди, унга умид боғлади. Империянинг турли нуқталарида чоп этилувчи газеталарда Манифест ҳақида мақолалар эълон қилинди, матбуот ишларида жонланиш кузатила бошланди. Авлонийнинг хабар беришича, Манифестдан сўнг 1905-1917 йиллар оралиғида ўлкада ўзбек тилида 22 газета, 8 журнал нашр этилган.<sup>53</sup>

Сўз эркинлигидан сўнг чиққан “Тараққий. Ўрта Осиёнинг умргузарлиғи” газетасида Манифест берган имкониятлардан вақтида фойдаланиб қолишга даъват этилди.<sup>54</sup> Жумладан, Давлат думаси учун ҳар бир вилоятдан вакил сайланиб, Петербургда бўладиган умумий мажлисда

<sup>51</sup> Биз мусулмонларни хурриятда ҳақлари борму? Йўқ! Қариндошлар, юз мартаба йўқ // Тараққий. 1906.№1

<sup>52</sup> Фармойиши олий // Туркистон вилояти газети. 1905.25-октябрь. №42.

<sup>53</sup> Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. (наш. тай. Ш.Ризаев) Китобда: Миллий уйғониш. – Т.: Университет, 1993. – Б.115-123.

<sup>54</sup> Манифест // Тараққий. Ўрта Осиёнинг умргузарлиғи газети. 1906, 2-январь. №1.

мазкур вакилларнинг таклифлари инобатга олиниб, “маслаҳат ва машварат қилушиб ҳамалари иттифоқлик илан закун яъни қонун ва қоида барпо қил”инишини батафсил тушунтириб, Туркистондан ҳам муносиб вакил сайлашга даъват этилади ҳамда “ўшал одамлар маслаҳатхонада ўз вилоятларининг нафи ва хайриятлари тўғрисида сўз айтуб саъй ва тараддуд билан иш қилмоқлари лозим”лигини таъкидлайди. Ушбу газета сўз эркинлигининг биринчи нишонаси сифатида қаралса ҳам, аслида унинг “жадидларни лақиллатиш учун”<sup>55</sup> рус ҳукумати томонидан нашр этилган ҳукумат газетаси эканлигини унутмаслик керак. “Таржимон”да ҳам Манифест хусусида бир қанча қайдлар учрайди, бу мақолаларда Манифестнинг асосан шахс ва сўз эркинлиги бандига урғу берилиб, уни “пек бир таъминот ва саодатдур”<sup>56</sup> деб таърифланади. Бир қарашда Манифест ўлка халқларига эркинлик олиб келган, Русиядаги инқилоб ва тартибсизликларга барҳам бергандек тасаввур уйғотади. Лекин Манифестдан кейин чиққан газеталарнинг бир йилга ҳам бормай ҳукумат томонидан тўхтатилиши, муҳаррирларнинг турли хил сўроқ ва жарималарга тортилиши ушбу “эркинлик”нинг ҳақиқий моҳиятини очишга ёрдам беради. Манифестнинг биринчи қурбони бўлган “Тараққий” ўзининг илк сонидаяқ бу “хуррият”нинг: “тўшак устида оғзиға сув томизилиб турган оғир хастадек эканини”<sup>57</sup> очик-ойдин ёзди ва бу билан “ҳукумат ва унинг маъмуриятига қарши ўт очди”<sup>58</sup>. Ушбу Манифест берган “заиф ва ланж” хурриятга андармон бўлиб қолмай, диндошларини курашишда давом этишларига чақирди. Бу мақола Манифестнинг сохта юзини очиб ташлади ва шунинг баробарида рус ҳукуматининг цензура сиёсати, ерли халқларни барча ҳуқуқлардан мосуво этиб келаётганлиги, матбуот ва маориф ишларида доимий тўсиқ эканлиги каби кўплаб “ёпиқ” масалаларни кўзгаб кўйди. “Тараққий” ўзининг бу маслаги билан узоққа боролмаслигини ҳам яхши

---

<sup>55</sup> Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом НМИУ, 2009. – Б. 109.

<sup>56</sup> Хуррияти шахсия надур? // Таржимон. 1905 йил 26-октябрь.

<sup>57</sup> Биз мусулмонларни хурриятда ҳақлари борму? Йўқ! Қариндошлар, юз мартаба йўқ // Тараққий. 1906.№1.

<sup>58</sup> Авлоний А. Бурунги ўзбек вақтли матбуоти тарихи / Миллий уйғониш. – Тошкент, 1993. – Б.116.

биларди, Туркистондаги барча нашрларнинг тақдири қандай тугагини сезгани учун ҳам у “ўз томирига болта урувчи” мақолалар беришдан чўчимасди. “Тараққий” ҳақ гапларни айтди, бироқ ўз навбатида, туркистонлик мусулмонларнинг аксар қисми Манифестнинг моҳиятига тўлиқ тушуниб етмади, зарра учкунни алангалатиб юборолмади. Манифестда айтилган Дума, сайлов, депутат тушунчаларини тўлиқ англаб, (биринчи) Дума мажлисларида иштирок этишга ҳуқуқий билимлари етадиган вакиллар (6 нафар бўлиши керак эди) топилмади. Иккинчи Дума вакиллари ҳам дипломатик муносабат ўрната олмаганликлари, “...сўзи фуқаро нафи ва ҳукумат зарариға бўлгани учун”<sup>59</sup> Думадан чиқариб юборилади. Ва туркистонликлар ва сибирликлар учинчи Думага вакил юбориш ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар. Бехбудий бу ҳолатни таҳлил қила туриб, “аҳли ҳуқуқдан ва дорул фунундан” чиққан сиёсат илмидан хабардор вакил юборилмаганлиги туркистонликларнинг энг катта хатоси деб билди: “Ҳақиқата айб ўзимизни нодонлигимиздандур. Чунки беилмиз, яъни илми сиёсат, иқтисод ва қонуни ижтимоиядан бутун беҳабармиз”. 1905 йил октябрь Манифестидан сўнг жадиличлик ўзининг ривожланиш босқичига ўтди <sup>60</sup> . Манифестдан кейин усули жадида мактабларини дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш, газета ва журналлар чоп этиш эҳтиёжи билан матбаа ишлари кўлами ҳам кенгайиб борди. Табиийки, ўлкада мавжуд энг машҳур босмаҳоналар рус амалдорлари ва савдогарларига тегишли бўлган. XX аср бошларида биргина Самарқанднинг ўзида 16 та босмаҳона бўлган бўлса, уларнинг барчаси рус маъмурлари томонидан ташкил қилинган эди. Улар, одатда, ўз фаолиятини узоқроқ давом эттириш мақсадида бир-бирлари билан бирлашиб, шерикчилик қилишган. 1907 йилда Слиянов-Газаров босмаҳонаси ака-ука Игнатовлар матбааси билан бирлашиб, Слиянов-Газаров ва К босмаҳонасини ташкил этадилар <sup>61</sup> . “Ойина” журнали ҳам айнан шу Слиянов-Газаров

---

<sup>59</sup> Маҳмудхўжа Бехбудхўжа ўғли. Дума ва Туркистон // Тужжор.1907. №8.

<sup>60</sup> Abdirashidov Z. Study of Jadidism in Independent Uzbekistan. Asian Research Trends new Series №9 (2014). – P.49.

<sup>61</sup> Бобохонов А. Ўзбек матбааси тарихидан. – Тошкент,1979. – Б.105.

босмахонасида чоп этилган эди<sup>62</sup>. Кейинчалик бу нашриёт Демуров типолитографиясига кўшилиб, ягона йирик полиграф базасига айланади. Жадидларнинг кўплаб асарлари шу каби босмахоналарда дунё юзини кўрган. Аста-секин уларнинг ўзи ҳам кичик-кичик нашриёт ширкатлари туза бошлаган. Хусусан, “Мактаб”, “Равнақ”, “Нашриёт”, “Ғайрат” матбаалари шулар жумласидан. Матбуотда ҳам “Нашриёт”, “Ғайрат” жамиятларига йўлланган бир нечта табрик-мақолалар учрайди<sup>63</sup>. Бу литографиялар техник жиҳатдан мукамал бўлмай, маҳаллий аҳоли ҳам етарли малакага эга эмас эди. Уларда, асосан, дарсликлар ва кам нусхада рисоалар чиқарилган. Жадидлар орасида Авлоний, Мунавварқори, Маҳмудхўжа Бехбудийлар ҳимматпарвар мулкдорлар кўмаги билан матбаа ишларини юргизишган.

Матбуот жадид адабиётини ғарб ҳамда қардош маслакдошлари билан боғлаб турувчи кўприк бўлди. Жуда кўп тадқиқотчилар яқдиллик билан жадид адабиётини жаҳон адабиёти, хусусан, Европа адабиётидан таъсир олганини таъкидлайдилар<sup>64</sup>. Шу маънода ўзбек адабиётининг бу даврини янгилашни жараёни сифатида қарашган, илк драма, роман, ҳикоя, янги шеърӣ шаклларнинг пайдо бўлишини давр адабий муҳити жиҳатидан ҳайратомуз ҳодиса деб баҳолашган. Жадидчилик ғоялари Ренессанс давридан тортиб то XX асрнинг бошларигача бўлган Европа тафаккуридан қувват олган деган қарашларни илгари суришган<sup>65</sup>. Аслида, уларнинг танлаган йўли Европа тажрибасигагина суяниб қолмай, барча жабҳаларда шарқ ва ғарб анъаналарини уйғунлаштириш бўлган. Проф. Б.Қосимов жадидчилик ҳаракатини моҳиятига кўра Европа Ренессанси билан қиёслади. Фақат унинг Ренессансдан биргина фарқи жадидчилик тўлалигича миллий ўзликни англаш ҳодисаси эканлигидадир. Бу даврда бадиий адабиёт, хусусан, шеърӣят миллий ғоя тарғиботида жуда катта рол ўйнади. Жадид шоирлари,

---

<sup>62</sup> Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2009.

<sup>63</sup> “Нашриёт” ширкати // Ойина. 1914.; Ғайрат ширкати // Ойина. 1915. № 7. – Б.171

<sup>64</sup> Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. 1-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.7.; Саидов У. Европа маърифатчилиги ва миллий уйғониш. – Тошкент: Академия, 2004. – Б.42; Ёқубов И. Миллий уйғониш даври ўзбек насри. – Тошкент: Фан ва технология, 2012. – Б.4.

<sup>65</sup> Саидов У. Европа маърифатчилиги ва миллий уйғониш. – Тошкент: Академия, 2004. – Б.42.

биринчи навбатда, янги илм-фанни улуғлади ва халқни ушбу илм ва фанларни ўрганишга тарғиб қилдилар <sup>66</sup>. Жаид адабиётига келиб қаҳрамонларни бой камбағалга ажратиш эмас, балки юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ёки лоқайд инсон характерларига тамойилларига кўра ажратила бошлади. Адабиётнинг қиймати ижтимоий ҳаёт билан ижтимоий фаоллик билан белгиланадиган бўлди. Ижодкорлар цензура, босим, таъқиқ сабаб танқидий қарашларини, миллий ўзликка дахлдор фикрларини ниқоблаш, замон ва маконни кўчириш воситасида ифодалаш усулига ўтдилар. Бир сўз билан айтганда, жаидчилик тўлалигича миллий ўзликни англаш ҳодисаси эди. Жаидлар айнан матбуот ва адабиёт орқали ўз ғояларини тарғиб этиш учун йўл топди, оз бўлса ҳам халқ онгида ўзгариш яшашга эриша олди. Мусулмонлари жамият ишларида фаол бўлишга, замонавий билимларни ўрганишга даъват эта олди<sup>67</sup>. Матбуотнинг юзага келиши, жонланиши адабий жараён учун асосий минбар вазифасини ўтади. Жаидлар ўз дастурларини матбуот саҳифалари ёрдамида кенг ёя олди. Усмонли турк, татар, Миср матбуотининг тажрибалари ўзлаштирилди. Европа адабиётининг бир қанча адабий жанрлари ўзбек адабиётига олиб кирилди. Жаид ижодкорлари янги ўзбек адабиётини янги жанрлар билан бойитдилар. Жаид адабиётининг биринчи босқичи 1905 – 1917 йилларда кечди. Бу даврда ўзбек адабиёти ўз йўналишини кескин ўзгартирди, янги қиёфа касб этди. Адабиётда реализм унсурлари мустаҳкамлана борди. Ўзбек адабиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши эса халқ ижтимоий онгининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ бўлди<sup>68</sup>. Адабий танқид шаклланди. Адабиётшунослик соҳаси ўзининг янги босқичига кўтарилди. Адабиёт катта-катта мақсадлар билан яшай бошлади. 1905 – 1917 йиллар оралиғида кечган адабий жараён, жанрий изланишлар, тажрибалар кейинги давр адабиёти учун муҳим манба, тағзамин бўлиб хизмат қилди.

---

<sup>66</sup> Абдирашидов, З. Туркистон жаидлари ва миллий ғоя тарғиботи / Жаид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари. – Тошкент, 2016. – Б.34.

<sup>67</sup> Бу ҳақда қаранг: Абдирашидов, З. Туркистон жаидлари ва миллий ғоя тарғиботи / Жаид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари. – Тошкент, 2016. – Б.34-38.

<sup>68</sup> Саидов У. Европа маърифатчилиги ва миллий уйғониш. – Тошкент: Академия, 2004. – Б.32.

## **1.2.Вақтли матбуотнинг адабий жараён шаклланиши ва адабиётнинг ижтимоийлашувидаги ўрни**

Жадид адабиёти ҳам шубҳасиз жадид матбуоти воситасида кенг ёйилди, томир отди. Бу адабиётнинг биринчи босқичи – 1905 – 1917 йиллар адабиёти Туркистонда миллий матбуотнинг илк куртак ёзиши, ривож олиши даврига тўғри келди. Шу қисқа вақт жадид матбуоти билан биргаликда жадид адабиётини ҳам синовдан ўтказди. Матбуот билан адабиётнинг уйғунлашуви ҳодисаси рўй берди. Шу билан бир қаторда, давр адабиётига мос тарзда танқид ёки бошқача айтганда, жадид адабиётшунослиги ҳам шаклланиб, янгилиниб борди. Публицистик ҳамда адабий тамойиллар бирлашди. Жадидчилик ҳаракатининг барча нуқталарини ўзида бирлаштириб, акс эттириб турган матбуот адабий ҳаракат ривожига ҳам асосий омил бўла олди. Фикримиз биргина миллий матбуот омилига тегишли бўлмай, балки бу жараёнда ҳукумат нашрларининг ҳам четда қолмаганлигини айтиб ўтишимиз лозим. Матбуотнинг 1906-1908 йилларда кечган биринчи даврдан сўнг 1909-1912 йиллар матбуот ишларида жимлик ҳукм сура бошлади. Шу боис 1906-1912 йилларда кечган адабий жараён шаклланишида ҳукумат газетасининг улуши кўпроқ сезилади. 1906 йилдан бошлаб Туркистонда миллий матбуотнинг биринчи даври бошланди. Ва бу давр 1908 йилгача давом этди.

Ўзбек мустақил матбуотининг тамал тоши сифатида эътироф этилувчи “Тараққий” газетаси 1906 йил 14 июнда Тошкент, Ўратепа кўчасида Исмоил Обидов муҳаррирлигида нашр этирилган. “Осиёи Вустанинг маишатидан баҳс” қилувчи газета илмий, адабий, сиёсий, фанний, тижорий мавзуларда мақола ва хабарлар эълон қилган. Газета шиори “Нажот: маслакда сабот; тўғрилиқни ижобат” бўлган. Газета В.М. Илин типо-литографиясида чоп этилган. “Тараққий” газетаси фаолияти хусусида шу кунгача бир қатор

тадқиқотлар<sup>69</sup> яратилган бўлиб, уларда келтирилган фикрларнинг кўпчилиги бир-бирини тўлдиради, таъкидлайди. “Элнинг энг суйиб ўқийдурғон” (А.Авлоний) газетасига ўз даврининг етакчи яловбардорлари И.Гаспринский ҳамда А.Тўқаев ҳам хайрихоҳ бўлишган. Чўлпон газетани ўз номи билан тараққийпарвар газета деб баҳолаган. Авлонийнинг келтиришича, “газета тез фурсатда шундай шухрат қозондики, ҳатто газета муҳаррири бўлгон Исмоил Обидийга “Тараққий” исми берилди”. Газета ўз саҳифаларида “ерлик ёш ёзувчиларга” (Авлоний) кенг ўрин берган. Шу билан бирга, ҳукуматга ҳамда уламога каттиқ тегадиган услубда, эҳтиётсизлик билан фаолият олиб борди ва бу, ўз навбатида, газета умрига зомин бўлди. “Тараққий”нинг бор-йўғи 19 сони чиққандан сўнг, ҳукумат томонидан мусодара этилиб, муҳаррири қамоққа олинди. Ўзининг бўй кўрсатиши билан Туркистондаги мустамлакачи маъмуриятни таҳликага солган “Тараққий”нинг умри ўз номидек бўлмади. Аввалбошданоқ ҳукуматнинг нишонидан турган газета ўзининг тутган маслағи билан чор амалдорлари, уламо ва бойларнинг норозилигига учради ва “фавқулодда сақлаш қўли билан ўлдирилди”<sup>70</sup>. 1906 йил 6 сентябрдан бошлаб Тошкентнинг Занжирли маҳалласида Мунавварқори Абдурашидхонов ноширлигида “Хуршид” нашр қилина бошлади. Ушбу газетанинг маслағи ҳам “Тараққий”ники сингари эди. Мунавварқори газетани “...туркча жаридайи исломия” деб тавсифлайди<sup>71</sup>.

1907 йил 21 августдан бошлаб Тошкентда Саидкаримбой Саидазимбой ўғли томонидан “Тужжор” газетаси нашр этила бошлади. “Тужжор”нинг йўли бошқа газеталарникига ўхшамаслиги айтиб ўтилади: “...газетамизнинг

---

<sup>69</sup> Bu haqda qarang: Cho'lpon. Turkistonda matbuot // “Jamiyat va boshqaruv” j., 1998-yil2-son. (Nash. tay. T.Tog'ayev); Abdulla Avloniy. Burungi o'zbek vaqtli matbuotining tarixi. (nash. tay. Sh.Rizayev) Kitobda: Milliy uyg'onish. – T.: “Universitet”, 1993. – B.115-123.; Ziyo Said. O'zbek vaqtli matbuoti tarixiga materiallar / Tanlangan asarlar. – T.,1974. – B. 13-116.; Ernazarov T.E. O'zbekistonda vaqtli matbuot (1870-1924). – T., 1959; Qosimov S. Kurash sahifalari // “Guliston” j., 1979-y. 9-10-sonlar.; A.Jalolov, X.O'zganboyev. O'zbek ma'rifatparvarlik adabiyotining taraqqiyotida vaqtli matbuotning roli. – T., Fan, 1993; Abduazizova N. O'zbekiston jurnalistikasining shakllanishi va ravnaqi (XIX asr oxiri – XX asr). – T., 1998.; yana shu muallif: Milliy jurnalistika tarixi. I jild. – T.: “Sharq”, 2008.

<sup>70</sup> Abdulla Avloniy. Burungi o'zbek vaqtli matbuotining tarixi. (nash. tay. Sh.Rizayev) Kitobda: Milliy uyg'onish. – T., “Universitet”, 1993. – B. 115-123.

<sup>71</sup> Газетанинг мақсад ва йўналиши ҳақида батафсилроқ маълумот учун: Сабаби тулуъи хуршид // Хуршид. 1906.№1.

исми “Тужжор” ўлғони учун тижорат хусусида ҳам фойдалиқ мақолалар ёзиб ҳар хил мол ва ажносларнинг ҳар вилоятда бўлгон баҳоларидин маълумот бермак ила савдогар аҳлиларина хизмат қилур <sup>72</sup>”. Ушбу мақолада Туркистондаги нашр ишлари хусусида ҳам муносабат акс эттирилган. Матбуотни “ойинайи жаҳоннамо” деб, ўз она тилида нашр этилган газетаси бўлмаган халқни эса “ваҳший” ва гўё “эшиксиз қоронғу уй”да хуршиди маданиятдан бебаҳра, тилсиз, қулоқсиз яшамоққа сабаб бўлишини айтади. Миллатдошларини шундай аҳволдан қутқариш учун “газета нашр этмак каби оғир ва нозик вазифа”ни ўз зиммасига олганлигини таъкидлаб, бу йўлда диндошларининг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашларига умид боғлайди. “Тужжор”ни туркистонликларнинг “кўзлари, тиллари, қулоқлари, ... буюк бир адвокатлари” деб таъриф этади. Худди шу мақолада “Тараққий” ва “Хуршид” газеталарининг “ҳукумати ҳозирага муҳолиф ўлғонлари” очиқ-ойдин ёзилган ҳолда, “Тужжор”ни “...Россия давлатининг дўсти ва тарафчиси” деб бонг урилади. Ҳамда бу дўстликни “дин ва диёнатга зарар этмаслик шарти ила” деб хас-пўшлаб қўйилади. Яна муаллиф “...“Тужжор”ни ҳам ҳукумат тўхтатур” деб хавфсираш ўринсиз эканлигини ўз муштарийларига ишонч билан таъкидлаб ўтади. Ўз ўрнида газетанинг мухлислари томонидан ҳам худди шундай руҳдаги жавоб мактублари йўлланган. Унда “Тужжор”нинг нашр этилиши ғарб тарафдан кўринган нурга қиёсланган. Мактуб муаллифи “...сиёсат илмига биз уста”<sup>73</sup> деб ҳукуматга қарши чиқишда айбланган “Тараққий” ва “Хуршид”га “тош отиш”ни ҳам ёдидан чиқармаган. Ушбу собиқ газеталарнинг тутган йўлини ҳукумат билан сичқон-мушук ўйнашмоқлик деб баҳолайди. Уларни “...бутун Туркистон мусулмонларини бегазета...” қолдирганликда айблайди. Сиёсатга тил теккизмай, уламони танқид этмай, фақат “аҳволи маишат”дан сўзлаб, силлиқлик билан иш кўришни бош маслак қилиб олиш кераклиги ҳақида уқтиради. Мактуб сўнгида “Тужжор”нинг тўхтамай давом этишига тилақ

---

<sup>72</sup> Matbuot olami yoki sababi ta'sisi g'azetayi "Tujjor" // Tujjor, 1907 №1.

<sup>73</sup> Ahlulloh bin Xayrulloh. Xo'qanddan maktub // Tujjor. 1907. №9

билдиради. “Тужжор” ўз дастурига, тутган йўлига кўра бошқа газеталардан фаркланиб турарди. Бироқ бу алоҳидалик унинг машҳурлигига хизмат қилмади, аксинча унинг саҳифалари ўқувчиларни кенг жалб қила олмади. Зиё Саид бу ҳолатни кескин равишда газетанинг “бемазалигидан”<sup>74</sup> деб баҳолайди. Тадқиқотчи Б.Дўстқораев З.Саиднинг бу муносабатида бироз муболаға борлигини, мутлақо салбий баҳо берилганлигини таъкидлаб, “Тужжор”нинг кенг оммалашмаганлигига сабаб қилиб унинг алоҳида қатламга мўлжалланганлиги ва мавзу доирасининг чекланганлигини кўрсатади<sup>75</sup>. Вазиятга умумий ёндашадиган бўлсак, нафақат “Тужжор”, балки ўша вақтларда Туркистонда нашр бўлган барча газеталар тақдири шундай яқун топган. “Тужжор”нинг 20-сонида унинг вақтинча тўхтатилиш сабаби баён қилинган “Эътидор” номли кичик эълон учрайди. Унга кўра муҳаррир ўзига тегишли зарур ишлари билан “Ўринбурғга бориб келмоқни ирода айла”<sup>76</sup>ганлиги, газетани икки ҳафта муддатга тўхтатиб қўйилиши айтилади. Зиё Саиднинг сўзларига кўра, тошкентлик Мулло Ҳошим домланинг елиб-югуриши билан газета 36-сонигача чиқади<sup>77</sup>. Кейинчалик 36-сонидан сўнг газета обуначилари йўқлиги сабабли ўз-ўзидан “табиий ўлим” топди<sup>78</sup>. “Тужжор”нинг давр адабий жараёнидаги ролини ундаги фельетон рукнида келтирилган саёҳат хотираларидаги тасвир кучи, танқидий мақолалардаги кескинлик, шеърӣ парчалардаги бадиийлик билан белгилаш мумкин.

1906 – 1908 йилларда чиққан газеталарда энг сермахсул иштирок этган муаллифлар мисолида Мунавварқори, Бехбудий, Авлоний, Мулло Зулфиқор, Шокир Мухторов, Аҳмаджон Бектемиров, Дамашқий, Сулаймон Тоҳирӣ, “Қаламкаш”ни келтириш мумкин. Эътиборлиси бу вақтдаги нашрларда анонимлик кам бўлган. Бунга фельетон рукнига адабий парчаларнинг кенг киритилмаганлиги, мақолаларда киноявийлик, сатирик бўёқдорликнинг

---

<sup>74</sup> Said Ziyο. O`zbek vaqtli matbuoti tarixiga materiallar. O`zbekiston davlat nashriyoti, 1927. – B.48.

<sup>75</sup> Do`stqorayev B. O`zbekiston jurnalistikasi tarixi. – T.: G`G ulom nashriyoti, 2009. – B. 132.

<sup>76</sup> E`tidor // Tujjor. 1908. №20.

<sup>77</sup> Said Ziyο. O`zbek vaqtli matbuoti tarixiga materiallar. O`zbekiston davlat nashriyoti, 1927. – B.48.

<sup>78</sup> З.Абдирашидов. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. –Т.: Akademnashr, 2011. – B.312.

кучли эмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Бирок бошқа фельетонлардан фарқли ўлароқ Рух тилидан ҳикоя қилинувчи “Рух ва авомча”<sup>79</sup> фельетони хаёлий-фантастик ҳикояга яқин туради. Ҳикоя аввалида Рух ўзининг бир вақтлар “шайтонга ҳам дарс берувчи” бир имом баданида макон тутганини баён қилади. Ҳозирда эса бу бадандан озод бўлиб, имом билан бирга бўлган вақтда бажарган амалларини, гувоҳи бўлганларини сўзлаб бермоқчи бўлади. Ҳикояда Рух гўёки имом номидан ўзининг барча айбларини тан олади ва “зарардан бўлак ҳеч йўл кўрсат”маганлигини билдиради. Бу ҳикоя газетанинг танқидига шайланиб турган ўринда “содиқ” рақибларига чап бериб ўтадиган услубда ёзилган. Гўёки ўқувчи тасаввурида имом эмас, рух салбий образ сифатида гавдалантирмоқчи бўлинган. Албатта, ушбу фельетонни нисбий равишда хаёлий ҳикоя деб қарашимиз тўғри бўлади. Айтиб ўтганимиздек, миллий нашрларимизнинг биринчи даврида шеърӣй парчалар ҳам у қадар кўп учрамайди, борлари ҳам газетага табрик сифатида ёзилган бир хил йўналишдаги шеърлардир. Фақатгина “Шухрат”да бироз бошқачаликни кўриш мумкин. Яъни, бошқа нашрлардан фарқли ўлароқ, “Шухрат” 9-сонидан бошлаб 6 саҳифали бўлиб чиқа бошлайди ва фельетон рукнидан ташқари “Қисми адабий” рукни ташкил этилади<sup>80</sup>. Гарчи бу рукн газетанинг фақатгина бир сонидан жой олган бўлса-да, ўша вақтдаги миллий газеталаримиз орасида илк ҳодиса бўлган. Ундан Турсунхўжа Ҳомидхўжа ўғлининг “Шухрат”га бағишлаб ёзилган мухаммаси, Абдулла Авлонийнинг “Тафаккур ила кўз очсак ажиб замонадамиз” деб бошланувчи мусаддаси, Мулло Қўшоқ ўғли Мискиннинг “Шухрат”ни мадҳ этувчи “Рижойи ожизона” мухаммаси ўрин олган. Юқорида айтганимиздек, бошқа газеталарда ҳам худди шундай мадҳ, бағишлов шеърлар кўп учрайди. Айнан шу йилларда фельетон рукнида саёҳатлар ҳам бериб борилган. Бехбудийнинг “Хотироти Фарғона”<sup>81</sup> ҳамда “Фарғона хотиралари”<sup>82</sup> саёҳатномалари 1907 йил 3-12

---

<sup>79</sup> Рух. Рух ва авомча // Тараққий. 1906. №5.

<sup>80</sup> Бу ҳақда: Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Фафур Ғулом нашриёти, 2009. – Б. 129.

<sup>81</sup> Самарқандий муфти дорулқазо Маҳмудхўжа Бехбудхўжа ўғли. Хотироти Фарғона // Шухрат. 1908. №5.

декабр кунлари Фарғона вилоятининг бир қанча шаҳарларига қилган сафар таассуротларидан иборат. Бу шунчаки саёҳат бўлиб қолмай, Фарғона вилоятига қарашли Хўқанд, Андижон, Марғилон, Янги Марғилон, Скобелев ҳамда Самарқанд вилоятидаги Хўжанд шаҳарларида очилган усули жаид мактабларининг ўқитиш тизими, муаллимлар малакаси, ўқувчилар билими, мактаб биноси, шароитлар, дарсликлар ва ўқитилаётган фанлар сифатини ўрганиш, текшириш, йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида уюштирилган жиддий сафар эди. Беҳбудий сафар давомидаги кузатишлари, таҳлилларини, танқидий фикрларини бир неча нашрда қисмларга бўлиб эълон қилган. Унинг бир қисми “Туркистон вилоятининг газети”да эълон қилинган<sup>83</sup>. Унда Андижондаги усули жаид мактаблари хусусида кузатувлари келтирилган. Мактаб муаллимларининг ҳатто газетани танимасликлари, таълим тилининг ўқувчиларга туғдираётган мураккабликлари ҳақида тўхталиб ўтган<sup>84</sup>. Беҳбудий самарқандлик ҳамроҳи Абдулҳамид мутавалли билан биргаликда эски Марғилон, Янги Марғилон (Скобелев), Хўжанд шаҳарларидаги усули жаид мактаблари билан танишади<sup>85</sup>. Хусусан, эски Марғилондаги жаид мактабидан кўнгли тўлмаганлигини, унинг фақат номигина жаид мактаби бўлиб, аслида “бузулғон қадим” даражасида эканлигини ёзади. Таҳсил олувчилар қироат, ҳисоб, жуғрофия илмидан беҳабар, ҳатто муаллим ҳам саволларга жавоб беролмаганлиги Беҳбудийни “жаиддан асар йўқ” деган хулосага олиб келади. Беҳбудий суҳбат асносида муаллимга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб, икки китоб ҳадя қилади. Бу ердан Скобелевга ўтиб, мусулмонлар учун қурилган 5-6 масжид ва мактаблар ҳақида хабар беради. Мурувватпеша бойлардан Ҳақимбой ҳожи томонидан қурилган мактаб ишлари билан яқиндан танишади. Мулла Муҳаммад исмли муаллим таълим

---

<sup>82</sup> Самарқандий муфти Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли. Фарғона хотиралари // Тужжор. 1908. №18.

<sup>83</sup> Самарқандий муфти Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа ўғли. Фарғона хотиралари // Туркистон вилоятининг газети. 1907 №97.

<sup>84</sup> Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Фарғонада тубжой халқнинг газетага қизиқиши 1911-1912 йилларга тўғри келади. Бу борада “Вақт” газетасининг таъсири кучли бўлган. Манба: Газетчи. Фарғонада тубжой халқ матбуоти / “Фарғона” газетаси. 1924 5 май. / Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Т., Ф.Ғулом нашриёти, 2009. – Б. 25.

<sup>85</sup> Саёҳатноманинг ушбу қисми “Тужжор” газетасида эълон қилинган.

бераётган жадид мактаби Беҳбудийда яхши таассурот қолдиради. Ушбу мактабнинг Андижон ва Марғилонда кўрган мактабларидан “маънан беҳроқ”лигини ёзади. Бироқ 50 нафардан ортиқ талабага бир муаллим кифоя қилмаслигини, бир халифа тайин этиш лозимлигини уқтириб, “жуғрофия ўқутмоқиға ва харита олдурмоқлариға” маслаҳат бериб, саёҳатида давом этади. Шундан сўнг Хўжанд шаҳрида Уста Турсун қурдирган мактабда бўлади. Ушбу жадид мактабида алифбо, тажвид, ҳисобдан бошқа китоблари усули қадимга оидлигини кўради. Муаллим хожи Мирҳусайнни Ҳижоз, Истанбул, Ҳиндистонга борган яхшигина хат-саводли эканлигини, жуғрофиядан яхши хабардор бўлсада, болаларга нега жуғрофия ўқитмаётганлиги билан қизиқади. Ва ушбу муаллимга ҳам бир қанча маслаҳатлар бериб ўтади. Беҳбудий ушбу саёҳати давомида яна Хўжанд ҳокими Ликошин тўра билан кўришганини ва Ликошин ўзи “таржима қилган асарларидан бир-икки нусха” эсдалик бериб, ўз ўрнида Беҳбудий ҳам унга китоблар ҳада қилганлигини айтади. Беҳбудийнинг Хўжандда шоир ва адиб Тошхўжа эшон<sup>86</sup> билан бўлган учрашуви ҳам айни шу саёҳатномада келтириб ўтилган. Хўжанднинг эътиборли кишиларидан қори Абдулғаффор, мулла Дўстмуҳаммад ва мирзо Абдурахмон билан ҳам суҳбатда бўлади. Беҳбудий мазкур саёҳати тўғрисидаги айрим тафсилотларни “Таржимон” газетасида ҳам эълон қилган<sup>87</sup>. Умуман, Беҳбудийнинг ушбу қисқа муддатлик сафар тафсилотларини бир неча нашрда эълон қилишдан кўзлаган мақсади, бизнингча, кўпроқ ўқувчига етиб бориши, “баёни ҳақиқат ва сабаби ибрат ва ислоҳдан иборат”<sup>88</sup> бу сафар давомида кузатилган камчилик ва муаммоларга биргаликда ечим топишга чақириқ эди, деб айтиш мумкин. Маҳмудхўжа Беҳбудий умри давомидаги барча саёҳатлари тафсилотларида ватандошларига уларнинг аянчли аҳволини, хатоларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Унинг машҳур “Саёҳат хотиралари” ҳам миллатдошлари учун очиқ-

---

<sup>86</sup> Тошхўжа Асирий (1864-1915) – хўжандлик шоир, адиб. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган.

<sup>87</sup> Туркистонда мактаб лисони // Таржимон. 1909. №14,21.

<sup>88</sup> Самарқандий муфти Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа ўғли. Фарғона хотиралар // Туркистон вилоятининг газети. 1907 №97.

ойдин кўрсатма бўлган. “Фарғона хотиралари”дан фарқли ўлароқ унда юксак бадийлик, “қизиқарли ва енгил тилда ёзилган” ифодани кўрамиз. Умуман олганда, жадидларнинг ҳар бир саёхатномалари, йўл хотиралари таълимий-тарбиявий характерга эга бўлган, муҳим дастуруламал вазифасини ўтаган. Халқнинг онгини очувчи калит вазифасини бажарган матбуот жадидлар учун ўз ғояларини тарғиб этувчи минбар бўлди. 1906 – 1908 йилларда чоп қилинган газеталарнинг ҳар бири миллатни уйғотиш, халқни жипслаштириш, унинг миллий эътиқодини юксалтириш мақсадида иш олиб борди. Ушбу газеталарни нашр этилишида жонкуярлик қилган М.Абдурашидхонов, М.Бехбудий, Фансурулло Худоёрхонов, А.Авлоний, У.Хўжаев, М.Пошшахўжаев, Н.Хусаинов, Н.Хўжаев, ака-ука Комил ва Карим Норбековлар, С.Турсунхўжаев каби тараққийпарварларнинг хизмати катта бўлган. Уларнинг баъзилари газетанинг ташкилий масалаларида қўллаб-қувватлаб турган бўлсалар, аксарияти уни ўтли мақолалар, муҳим янгиликлар, сиёсий-ижтимоий фикрлари билан жонлантириб турдилар. Бу барча ҳаракатлар фақат бир мақсадга – туркистонлик ватандошларини илм-маърифатли қилишга, хурриятга олиб чиқишга қаратилган эди. Халқнинг сиёсий онгини ўстиришга қаратилган мақолалар<sup>89</sup>, жамият орасида илмнинг аҳамиятини тарғиб қилишга чорловчи фельетонлар<sup>90</sup> жамиятнинг барча қатламларигача таъсир ўтказди. Бу таъсирнинг натижасини матбуотнинг иккинчи давридаги нашрларда кўришимиз мумкин. Ўзбек миллий матбуотининг илк давридаги газеталар тақдири аянч кечган бўлса-да, ушбу нашрлар Туркистон халқининг фикрий уйғонишида муҳим рол ўйнади. Ундаги ҳар бир мақола зулмга қарши курашиш йўлида бир маёқ вазифасин ўтади. Ушбу нашрларнинг ҳеч бир ёзгани беиз кетмади. Унинг овози ўзидан кейин чиққан матбуот саҳифаларида акс-садо бериб турди. Миллий матбуот

---

<sup>89</sup> Бойлар ва бюрократия ва газета // Тараққий. 1906.№12; Чаён. Айтсанг айбларин очу... // Тараққий. 1906.№14.; Тарки одат маҳол // Хуршид. 1906. №2; Ал-хожи Махмудхўжа валади қори Бехбудхўжа. Хайрул умури авсатуҳо // Хуршид.1906.№6; Дума ва Туркистон // Тужжор. 1907.№8; Газета надур? // Тужжор. 1907.№11.

<sup>90</sup> Қори Мунаввар ибн Абдурашидхон. Бизни жаҳолат жаҳли мураккаб // Тараққий. 1906. №1; Сабаби тартиб // Тужжор. 1907. 8 окт.; Самарқандий муфти Махмудхўжа Бехбудхўжаўгли. Ислоҳи таҳсил // Тужжор. 1907.№10,11; Фельетон // Тужжор. 1907.№3.

хар доим ҳукумат назоратида фаолият юритди. Амалда сўз эркинлиги, матбуот эркинлигига йўл берилмади. Аксинча турли йўллар билан матбуот ишларига халал бериб келинди. Моддий танқислик ва маънавий зарбалар, сиёсий тазйиқлар натижасида 1909 йилларга келиб матбуот ишларида жимлик ҳукм сура бошлади. 1912 йилдан матбуот ўзининг иккинчи даврини бошлади. “Бухоройи шариф”, “Самарқанд”, “Ойина”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Хуррият”, “Ал-ислоҳ”, “Ал-изоҳ”<sup>91</sup> каби газета ва журналлар миллий матбуотнинг янги даврини бошлаб берди. Албатта, ушбу муваққат нашрларнинг адабий жараёнда тутган ўрни биринчи давр нашрларига қараганда жиддий фарқ қилади. Бу фарқни, аввало, адабиётга доир рукнлар сафи кенгайганлигида кўриш мумкин. Агар илк нашрлар фельетон рукни билан чекланган бўлса, энди бу даврга келиб, “Фельетон”, “Кичик фельетон”, “Адабиёт”, “Ашъор” каби рукнлар пайдо бўла бошлади. Шу ўринда бир жиҳатни эътиборга олиш керакки, ушбу санаб ўтилган рукнлар доимий бўлмай, улар газетанинг айрим сонларида, баъзи бир газета ёки журналда эса умуман учрамаслигини кузатиш мумкин<sup>92</sup>.

Газета нашр қилишда тажриба оширган жадидлар энди журналлар фаолиятини йўлга қўя бошлади. Бу йўлда илк қадамни муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий бошлаб берди. У ташкил этган “Ойина” миллий матбуотимиздаги илк журнал бўлгани боис журнал фаолиятига қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Беҳбудий 1913 йил 20 августда ташкил қилган “Ойина” журналига муҳаррирнинг энг қизғин ижод палласи акс этиб турган кўзгу

---

<sup>91</sup> Ушбу нашрлар ҳақида батафсил маълумот учун қarang: Андреев Гр. Самаркандский журнал “Ойина” и его редактор-издатель Махмуд Ходжи-Бегбуди // Туркестанские ведомости. 1915. 17-18 сент.; Чўлпон. Туркистонда матбуот // Фуқаро фуюзоти (Бокуда чиқадиган журнал) 1920. №1.; Ҳожи Муин. Самарқанд матбуотининг тарихи // Зарафшон. 1923. 5 май; Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи // Туркистон. 1924 24 июнь; С.Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқларининг марказий нашриёти. 1926. – Б.32-103.; Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. – Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1927. – Б.180.; Эрназаров Т.Э. Ўзбекистонда вақтли матбуот (1870-1924). – Т., 1959.; А.Жалолов, Х.Ўзганбоев. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг роли. – Т.: Фан, 1993.; Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. И жилд. – Т.: “Шарк”, 2008.; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2009.; З.Абдирашидов. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. –Т.: Akademnashr, 2011.

<sup>92</sup> Фикримизнинг далили сифатида “Хуррият” газетасини келтиришимиз мумкин. Ушбу газета “Фельетон” рукнига эга бўлмаган. Фақатгина 1918 йил 66 сониди истисно тариқасида “Кичик фельетон” рукни учрайди. Унда Шокир Мухторийнинг “Али ила Вали” мунозара-ҳикояси келтирилган.

сифатида қарашимиз мумкин. “Туркий ва форсий ўрта шевада”<sup>93</sup> чиққан илк журнал “Ойина” халқ орасида анча машҳур бўлган<sup>94</sup>. Биргина Туркистонда эмас, “дунё мусулмонлари орасида яхшигина шуҳрат ва эътибор”<sup>95</sup> қозонган “Ойина” миллат учун “ясалган” эди: “...мажалла бизники эмас, миллатникидур”, деб таъкидлаган Бехбудийнинг ўзи<sup>96</sup>. Ҳақиқатан ҳам, “Туркистонга хизмати буюк” деб эътироф этилган “Ойина” бу йўлда оғишмай ижод қилди, “ўлка халқларининг фикрий уйғонишига катта ҳисса қўшди”<sup>97</sup>. “Ойина”нинг мақолалари ўзбек ва тожик тилларида ёзилган. Бунинг кўпроқ улуши ўзбек тилига тўғри келади. Журнал рус тилида реклама ва эълонлар бериб борган. Журналнинг жамият ижтимоий тафаккурига таъсирини баҳолашимизда ундаги “Адабиёт рукни” муҳим аҳамиятга эга. Ушбу рукн ўз ичига адабий-танқидий мақола ва парчалар, тақриз ва шеърий асарлар<sup>98</sup> ни олган. Шу билан бирга, журнал ва муштарийларнинг ўзаро ахборот алмашиш минбари бўлган “Эълонлар рукни”<sup>99</sup> да ўрин олган мактублар ва муҳаррирнинг уларга жавоблари, янги очилган мактаб ва кутубхоналар, нашр этилган китоблар эълони ҳам матбуот ва ижтимоий қатлам муносабатларида алоҳида вазифа бажарган. “Ойина”нинг адабий жараёнда тутган ўзига хослиги шундаки, у том маънода илмий журнал сифатида адабий-бадиий материаллардан кўра адабиётшунослик материалларига кенг ўрин берди. Театр асарларига ёзилган тақризлар, адабий асар ва шеърлар таҳлил қилинган адабий-танқидий мақола ҳамда тақризлар

---

<sup>93</sup> Ойина. 1913. №2.

<sup>94</sup> Қосимов Б. Маслакдошлар. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б.14.

<sup>95</sup> Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б.31.

<sup>96</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.155.

<sup>97</sup> Дўстқорасев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.191.

<sup>98</sup> “Шеър ёзувчилар диққатина”, “Учинчи адад “Ойина”даги шеърга тахмис”, “Мухтарам шуаромизга”, “Фаустдан”, “Хушим келмайдир!”, “Оҳ ва ҳасрат”, “Отингни сот, тўнунгни сот, дўктур бўл”, “Мубоҳаса”, “Туркистонда биринчи миллий тиётр”, “Бир аъмо боланинг ҳасрати”, “Танқид сараламоқдур”, “Самарқанда тиётр”, “Мўътабар “Таржумон” ва Исмоилбек Гаспринский жаноблари ҳақинда”, “Гулдастаи адабиёт”, “Ишқ ва ҳавас”, “Киноялик ифтихор”, “Фазилати мактаб”, “Тажриба меваси”, “Паёми Хайём”, “Тарғиб ба илм ва маориф”, “Ҳикматлик сўзлар”, “Табиб ила сангтарош”, “Қарзхоҳ ила қарздор”, “Бир кизнинг ёши” ва х.к.

<sup>99</sup> “Усули жадид мактаби учун босилган тайёр китоблар”, “Муҳаррирнинг таҳрир ва нашр этган асарлари”, “Идорага келган янги асарлар”, “Матбуоти муҳимма ба идораи Ойина”, “Мушмирзога очиқ мактуб”, “Идорага мактуб”, “Идорадан”, “Туркистон, Бухоро, Хива харитаси”, “Мухтарам мақола ёзувчилардан рижо!”, “Тошкандда “Мактаб” кутубхонаси”.

шулар жумласидан. Шундай тақризлардан бири Нўширавон Ёвушевнинг<sup>100</sup> “Шеър ёзувчилар диққатина”<sup>101</sup> мақоласидир. Унда журналнинг илк сониди эълон қилинган “Илтижо” мусаддасига<sup>102</sup> фикр билдирилади. Ёвушев шеърни сарф ва нахв қоидаларига амал қилмай ёзилган деб топади. Ундан маъно англамоқ мушкуллигини айрим мисралари мисолида исботлашга уринади. Мунаққид (Н. Ёвушев) рус ва араб шоирларининг ижодини ўртак сифатида келтиради. Ёвушевнинг ўзи шеърларини содда тарзда ва асосан бармоқда ёзишга эътибор қаратган. Ўз ўрнида идора Ёвушевнинг фикрларига эътироз билдириб, “Илтижо” шеърини қоидага мувофиқ ёзилган деб ҳимоя қилиб чиқади. Шеърини асарлар танқид қилинган адабий-танқидий мақолалардан бирида<sup>103</sup> олди-қочди шеърларнинг кўпайиб бораётганлиги масаласига тўхтаб ўтилган. Муаллиф май ва жом таърифи келтирилган, ҳажв ва мадҳиядан иборат ахлоқсиз шеърлардан қочиб, “фанний, миллий ва ахлоқий шеърлар” ёзишга чақиради. Ва буни замон тақозоси деб билади. Миллий шеърлар намунаси сифатида татар, озарбайжон шоирлари ижодини келтиради. Ушбу мақолада Ҳожи Муин кенг йўсинда баён қилиш, атрофлича тушунтириш йўлидан боради: “... шеърға ҳам суиистеъмол қилиниб, алаҳхусус, бу замонда шеър таърифи хат ва хол, тавсифи май ва жом ё таъмагирона мадҳиёт ва ғаразгарона ҳажвиётдан иборат бўлиб қолди”. Шоирларни миллий руҳда, замон талабига мос, нафли шеърлар ёзишга чақириқлар барча нашрларда муҳим масала сифатида кўтарилган эди. Бу каби масалаларга идора, муштарийлар томонидан муносабат билдириб борган. Мисол учун, журнал идорасига келувчи мактублар орасида ошиқона шеър ихлосмандлари томонидан ёзилганлари ҳам кўп учрайди. Шу кезларда жадидлар орасида ошиқона ғазаллар ёзиш қаттиқ қораланар эди. Албатта, бу билан ишқий-анъанавий шеърлар бутунлай инкор этилган эди, деб бўлмади.

---

<sup>100</sup> Нўширавон Ёвушев – Туркистон мадрасаларида мударрислик қилган татар сайёҳи, муҳаррир, шоир, публицист. Унинг бир қатор танқидий, публицистик мақолалари ва шеърлари “Туркистон вилоятининг газети”, “Садойи Туркистон”, “Ойина” ва бошқа нашрларда учрайди. “Чингизхон” пьесаси муаллифи.

<sup>101</sup> Нун. Ё. Шеър ёзувчилар диққатина. // Ойина. 1913.№3. – Б.68.

<sup>102</sup> Миллий. Илтижо // Ойина. 1913.№1. – Б.10-11.

<sup>103</sup> Ҳожи Муин Шукрулла. Муҳтарам шуаромизга // Ойина. 1913.№9.

Хусусан, “Ойина” журналида ҳам бадиий жиҳатдан пухта ишқий шеърлар чоп этиб турилган. Фақат бу даврда адабиёт миллий озодлик, мустақиллик ҳолатларини асосий ўринда туришини талаб қиларди. Шу боис маърифий руҳдаги бир хил шеърларга кўп ўрин берилган<sup>104</sup>. Умуман, газета ёки журнал таҳририятига йўлланувчи бундай мактубларнинг бўлиши матбуотнинг ҳамда унда кўтарилган мавзуларнинг аста-секин ижтимоий ҳаётга кириб бораётганлиги, оддий оммага яқинлашаётганлигини кўрсатади. Ва бу ёзишмалар миллий матбуотимиздаги янги босқичнинг яна бир ўзига хослигини кўрсатади, десак янглишмаймиз. Адабиётнинг матбуот воситасида ижтимоийлашуви, жамиятнинг барча қатламларига бирдек этиб боришида жаҳид адиблари ўртасида кечган баҳслар, муносабатлар, тарғиб ишлари ҳам бу вақтга келиб анча фаоллашди. Жаҳидларнинг матбуотда кечган адабий баҳслари тил, услуб масаласини, янги адабиётни, янгича шаклларни тарғиб этишни илгари сурган. Бадиий адабиёт ва миллий тил уйғунлигига урғу берилган. Бу адабий баҳслар миллий тил – миллий адабиёт – миллий матбуот бир бутунлиги атрофида кечган. Бу адабий баҳслар бизга янги адабиёт билан биргаликда туғилган адабий танқид, таҳлил, адабий дидни баҳолаш имконини ҳам беради. Жаҳидлар қайси мавзуларда ва қандай мақсадларда ёзишни истаганликларини англашга йўл очади. Матбуот баҳслар майдонида ўзининг танқид мактабига эга бўла бошлади. Уларда мунтазам равишда Мунавварқори Абдурашидхонов, Беҳбудий, Ҳожи Муин, Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Музаффарзода, Аҳлуллоҳ Ҳайбуллин, Расулий, Нўширавон Ёвушев, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, С.Айний, Васлий сингари даврининг фикри очиқ ижодкорлари иштирок этиб турган ва бошқа нашрлараро мунозараларда ҳам ўзининг муносабатини билдириб борган. Танқид хусусидаги мақолаларда ҳам даврнинг адабий жараёни, адабиёт назарияси, адабиётшунослик масалалари таҳлил қилинган. Танқид майдони сифатида матбуот кўрсатилган. Бир ижодкорнинг хато-камчиликларини

---

<sup>104</sup> “Танбех ва баёни воқеъ” (1913.№1.– Б.9-10), “Эътироф” (1913.№3.–Б.64), “Ҳамият аҳлина!” (1914.№4.– Б.223), “Йиғлар биза” (1914.№15.–Б.255), “Таассуф” (1914.№18.Б.327)

англантишда матбуот восита бўлади деб ҳисобланган. Биз бу баҳсларни кузата туриб, XX асрнинг бошларида замонага мос янги асарлар ёзишга даъват кучайганлигини кўрамиз. Адабиётдаги анъана ва янгилик кураши айна шу – миллий матбуотнинг иккинчи даврига тўғри келди. Шундай баҳсли чиқишларнинг бирида<sup>105</sup> Туркистонда замонавий асар ёзувчи ёки таржима билан шуғулланувчилар йўқ даражадалигини, бунинг сабаби эса бошлаб берувчининг, йўл кўрсатувчининг йўқлиги билан боғланади. Бу қарашда назариянинг ҳали тўла ишлаб чиқилмаганлигига ҳам ишора бор, албатта. Назариянинг асоси ўзгармаслиги, барча адабиёт умумий назарияга бўйсунishi эса “Ёзувчилик ёки таржимонлик дастлаб қандай пайдо бўлган бўлса қиёматгача ушбу расм жорий расм бўлуб турадур” жумласи билан ифода этган. Бу фикрларни тасдиқловчи яна бир мақолада<sup>106</sup> Туркистонда танқиднинг пайдо бўлиши ва ёйилишини матбуотнинг пайдо бўлиши билан боғлайди ва матбуотнинг асосий вазифасини танқид ва ислоҳотда кўради. Танқидга кучли урғу бериб, “танқиди бўлмағон миллатда ҳаёт ва интибоҳ бошланмас”лигини ва танқид камолот манбаи эканлигини ёзади. Бироқ туркистонликларнинг танқидни ҳақорат деб билишлари, унинг моҳиятига тўлиқ тушуниб етмаганликлари боис уларга танқидни тушунтирмоқчи бўлади: “Дунёнинг энг улуғ файласуфлари ва ҳақимлари ҳам танқид қилунадирлар. Бу ҳол дунёда камолотнинг ниҳояси бўлмағонин кўрсатади” каби чиройли далиллар келтиради.

Ўзида ҳам адабиётшунослик, ҳам тилшунослик нуқтаи назарини акс эттирган баҳслар сирасига кирувчи Васлий, Ашурали Зоҳирий, Аҳлуллоҳ Ҳайбуллин ўртасида кечган баҳс матбуотда энг узоқ давом этган баҳслардан ҳисобланади. Самарқанд адабий муҳити вакилларида мударрис Саидахмад Васлий анъанавий назм тарафдори ҳамда араб шеър илми қоидаларига амал қилиб ёзилган шеърларнигина ёқловчи ижодкор бўлган. Унинг “Рижойи

---

<sup>105</sup> Аҳлуллоҳ Ҳайбуллин. Танқид // Садои Туркистон. 1914. №48,49.

<sup>106</sup> Айн Мим. Интиқод ва биз // Садои Туркистон. 1914. №50.

восиқ”<sup>107</sup> мақоласи тўлалигича шу масалага қаратилган. Васлий дейди:“... ваҳм ва хаёл ила ёзуб жаридалар сутунларини қорайтурмак ила бўлмас, балки хар сўзни ҳужжат ва далил ила исбот этмак фарздур”. Шоир бу ерда ҳужжат ва далил деганда илми балоға қоидаларига тушувчи назмни назарда тутмоқда. Унинг ўзи арабча, форсча сўзлардан кенг фойдалангани ҳолда, “оз-моз туркий ёзгучи паришон гуфтор ҳаёсиз масхарабоз кишиларни сўзи ва шеъри лойиқи индиروج ва қобили интибо эмасдур”, деб билади. Васлийнинг мақолалари тили жуда мураккаб, тушунилиши оғир. Васлийга қарши фикрда бўлганлар унинг айнан шу нуқталарига урғу беришади. Ушбу мақолага биринчи бўлиб “Садойи Туркистон” мақоласи акс-садо берди. “Қалам аҳлидан буюк илтимос”да<sup>108</sup> мударрис Васлийга саволлар ёмғири ёғдирилади. Умумий келтирадиган бўлсак, бу саволларда уламо ким эканлиги, кимлар назарда тутилиши, оврупо дорулфунунларида ўқиб келиб, туркий тилда ижод қилаётганлар ҳам уламо дейилиши мумкинми ва Туркистонда уламолар борми, “агар бўлмаса ғазеталарни тўхтатуб уламо етушганин кутиб турмоқ лозимми?” каби истехзо аралаш мурожаат қилинади. Шундан сўнг Васлийдаги тил ва услуб жиҳатларини текширишга ўтиб, юқоридаги 200 сўздан иборат мақоласининг 140 таси арабча, 25 қадари форсча 40 таси туркийча эканлигини бирма-бир санайди. Туркийлар бу мақолани таржимасиз англамай олмасликларини, ундан “турк болалари” учун ёзишини “ўтинади”. Агар юқоридаги саволларга Васлий жавоб бермаса, Ашурали Зоҳирийдан умид қилишини айтади. Васлийдан жавоб бўлавермагач, туркий тилнинг содиқ яловбардори Ашурали Зоҳирийнинг ўзи майдонга чиқади. Зоҳирийнинг мақоласи<sup>109</sup> икки қисмдан иборат. Дастлаб Васлийнинг мақола ёзиш учун арабча илмларни, фасоҳат ва балоғатни билиши керак, деган сўзларига эътироз билдиради. Унинг фикрича, ижодкор ўз ёзганларини қайта-қайта ёзиши, таҳрир қилиши лозимлигини айтади: “...охири тузалуб шундоғ зотлар ичидан бармоқ билан туртуб кўрсатурға

<sup>107</sup> Васлий. Рижойи восиқ // Садойи Фарғона. 1914. №61.

<sup>108</sup> Аҳдуллоҳ Ҳайбуллин. Қалам аҳлидан буюк илтимос // Садойи Туркистон. 1914. №43.

<sup>109</sup> Ашурали Зоҳирий. “Буюк илтимос”га жавоб олдинда // Садойи Туркистон. 1914. №49-50.

арзийдургон адиблар чиқар”. Яъни ҳақиқий ижодкор ўз устида ишлаш билан секин-аста ўз услубига эга бўлиши назарда тутилган жумлалар дейиш мумкин. Васлийнинг “Маданият”<sup>110</sup> мақоласининг бир қисми (71-сон)ни тил жиҳатидан таҳлил қилади. Туркий тилда арабча иборатларни ҳам хато ёзишини исботлашга уринади. Мақоланинг иккинчи қисмида Ҳайбуллин саволларига жавоб бериб ўтади. Орадан бир муддат ўтиб, “Садойи Фарғона”да Васлийнинг “Шеър ва илми балоғат”<sup>111</sup> мақоласи эълон қилинади. Ҳар доимгидек мударрис ўзининг оғир услуби билан, айб иш қилиб қўйган болаларга танбеҳ беришдан чарчамас нуронийдек фикр юритади. Шеър майдонида “маърифатсизлар ва иш асосидан бебаҳралар” кўпайиб, шеър деб ҳаёсизлик қилиб юрганларга Худодан хидоят сўрайди. Илми балоғатдан бирор масала билмасдан туриб, “шуаро муслиминларга жоҳилона тош отмак ваҳшоният ва девоналик эмасму?” деб ранжиган бўлади. “Садойи Фарғона” А.Зоҳирий, А.Ҳайбуллин маслағига мос келувчи мақолаларни ҳам эълон қилган. Масалан, “Шеър ҳақинда”<sup>112</sup> янги шоир ва адиблар авлоди етиштирмақ хусусида бўлиб, Туркистонда ҳанузгач бир “шоири таждид” кўринмаслигини (“баъзилар бундан мустасно”) ёзади. Мақсади таҳқир эмас тарғиб эканлигини билдириб, “мувашшаҳға ҳарф охтариб услуб ва ифодаларин маҳв ва нобуд айла”шни тарк этиб, оламни ҳаяжон ва изтиробга солувчи таъсирли услубда ижод қилишни маъқуллайди. Ғазалларга мухаммас ва назира битгандан кўра, “хубби ватан, қавоиди улум ва фунун”га доир оҳангдор, вазнли, чиройли сўзлардан тузилган, таъсирли назм ё наср ёзишга чақиради.

Матбуотда эълон қилинган тил масаласидаги баҳс ва чиқишлар ҳам бевосита миллий адабиёт ва матбуот мавзуси билан боғланиб кетарди. “Она тили”да<sup>113</sup> адабиёт шундай таъриф қилинади: “Бир миллатнинг ўз тилидаги китоб, рисола, ғазета, журнал ва бошқаларига бир сўз билан адабиёт

---

<sup>110</sup> Васлий. Маданият // Садойи Фарғона. 1914. №69,71,72,73,75,77,79,86.

<sup>111</sup> Васлий. Шеър ва илми балоғат // Садойи Фарғона. 1914. 68.

<sup>112</sup> Эшонзода Хусайнжон. Шеър ҳақинда // Садойи Фарғона. 1914. №86.

<sup>113</sup> Ашуралӣ Зоҳирӣ. Она тили // Садойи Фарғона. 1914. №3.

(литература) дейилур”. Бу жумлалар жадидлар матбуот ва адабиётни чамбарчас тушунганликларига яна бир далил. Муаллифнинг ҳисоблашича, ҳар бир миллатнинг қайси даражада эканлиги адабиётига қараб белгиланади. Ўша кезлардаги адабиёт ҳақида “йўқ деса хато бўлмайдурғон бир даражада... нима қилишини билмайдурғон кишининг қўлига тушган хом аталадек” каби мулоҳазаларни ёзади. Тил ҳақида Абдурауф Музаффарзоданинг ҳам ўзига хос мақолалари нашр қилинган. Музаффарзода ҳам Зоҳирий фикрларига яқин тарзда она тил ва матбуотсиз ҳеч бир миллат тараққий этмайди<sup>114</sup>, деган хулосани беради. Унинг “Тил ва имло масаласи”<sup>115</sup> мақоласидаги гаплар бугунги кунга ҳам жуда мос келади: “бу кунда бутун турк қабилаларининг иш қилуб вужудга чиқарилмаган, фақат ҳар замонда хотирга олинуб онинг хусусида қанча музокара ва мубоҳасалар бўлуб турса ҳам ҳалигача қатъий бир натижа бермаган, умумий бир масала борки, шубҳасиз тил ва имло масаласидур”. Тил ва имлони муайян бир изга қўйиш матбуот ва адабиёт учун энг муҳим бўлган бир масала деб билади: “матбуот, адабиёт ҳам яхши имлога шунча муҳтождур”. Мақолада ҳанузгача тил ва имло масаласининг эътиборга олинмай келинаётганлиги, матбуотда жиддий муҳокамаларнинг бошланмаётганлиги айтилади: “...ёзувчиларимиз ва шоирларимиз бу йўлда ҳеч бир турли ташаббус кўрсатмадилар. Боҳусус шеърларимизнинг имлоларин кўруб нозик ҳисларимиз бузилуб келди. Бу жиҳатдан қараганда ҳам адабиёт бозорида уларнинг қийматларига ҳалал келар эди. Ёзувчиларимиз бўлса кўброқ халқ орасида кўрилуб турган одатларни ва келушмаган ҳолларни танқид қилуб кифояландилар”. Музаффарзода матбуот имлосидан қайғуриш билан баробар мактаб дарслиги ёзувчи муаллифларни ҳам хушёрликка ундаган. Ушбу мақолага жавоб бўлувчи, аниқроғи, таъсирланиб ёзилган “Тил масаласи”<sup>116</sup>идоранинг изоҳ беришича она тили масаласи ҳақида Туркистон боласи тарафидан ёзилган биринчи мақола ҳисобланади. Унда асосан матбуот ва “Тўй” пьесаси тили, имлоси хусусида

---

<sup>114</sup> Айн Музаффар. Бизда зиёлилар ва миллий матбуот // Садои Туркистон. № 44.

<sup>115</sup> Айн. Рауф Музаффар. Тил ва имло масаласи. // Садои Туркистон. № 60.

<sup>116</sup> Мухаррам Намангоний. Тил масаласи // Садои Туркистон. 1915. № 65.

гап кетади. “Садойи Туркистон”ни халққа тушунарли бир қоидада, “Ойина”ни бироз бошқа услубда ишлашини, “Садойи Фарғона”ни “етмиш икки турли лисондан мураккаб калималардан” фойдаланиб ёзишини таҳлилини келтиради. Шундан сўнг Нусратилла Қудратилланинг минг захмат билан ёзиб нашр эттирган “Тўй” фожиасини “Самарқанддан бошқа ердагилар тушуна олмаслик бўлғонлигидан сахнага кўюла олма”ганлиги хабарини келтиради. Матбуотдаги ижодкорлар ўртасидаги баҳслар билан бир қаторда идора муносабати ҳам муҳим жиҳатга эга. “Бўхтончиға”<sup>117</sup> идора жавоби бунга мисол бўла олади. Бир газетада “Саёҳатчи” имзоли муаллифнинг “Садойи Туркистон” муҳаррирларини қоралаб ёзган ҳамда Айн. Музаффар кўп саҳифаларни банд қилаётганлиги, сафсата сотиши, “Хотин-қизлар маишатидан” фельетонини ҳам сафсата деб аташига идора: “Агар Туркистонда муҳаррирлар ва адиблар кўб бўлуб, идорага муҳим ва муфид мақолалар тўлдурсалар эди, татар муҳаррири Туркистон хотун-қизлари маишатидан сюжет олиб фельетонлар ёзушга мажбур бўлмас эди. Бу осон бир иш эмас” деган жавобни беради.

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг мактаб ва мадраса таълимидаги оғриқли нуқталар қаламга олинган танқидий мақоласи учрайди <sup>118</sup> . Мактабларда таълим-тарбия бериш қоидалари (методика)дан беҳабар, ўқиш ва ёзишни ҳам етарлича билмайдиган муаллимлар кўлида қолаётган болаларнинг умри беҳуда ўтаётганидан афсус чекади. Уларга илми ҳисоб, жуғрофия, тарих каби фойдалиқ илмларни ўргатмоқдан кўра, “тўрт-беш йилгача ҳижжа усули бирла дунё ва охиратга фойдаси бўлмағон” назмий китобларни ўқитиш билан ёш гўдакларнинг азиз умрини барбод этаётган муаллимларни аёвсиз савалайди. Ўзининг бесаводлигини хас-пўшлаш мақсадида таълим йўлини Имом Аъзамнинг йўли деб даъво қилишини “жаҳли мураккаб” деб атайди. Бу ҳам етмагандек, маъсум гўдакларни таёқ воситасида кўрқувда ушлаб туришлари, ҳатто золим муаллимларнинг таёғи

---

<sup>117</sup> Идора. Бўхтончиға // Садойи Туркистон. 1915. №63.

<sup>118</sup> Qori Munavvar ibn Abdurashidxon. Bizning jaholat – jahli murakkab // Taraqqiy.1906.№1.

остида бир қанча норасидаларнинг нобуд бўлаётганини нафрат ва изтироб билан ёзади. Барча миллатлар илм ва маърифатга эътибор қаратаётган бир вақтда, Туркистоннинг арслон каби йигитлари “истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивахоналарга сарф этмакдадурлар”, дейди. Мунавварқори Абдурашидхоновнинг ушбу мақоласига “Туркистон вилояти газети” муҳаррири Мулла Муҳаммад Олим томонидан “хужум” уюштирилади<sup>119</sup>. Мулла Олим ушбу мақоладаги фикрларни “нолойиқ иборат”лар, муаллифини эса бешарм ва беҳаёликда айблаб, газетанинг ўзини илмий ва адабий дейилишга муносиб эмас деб баҳолайди. Имоми Аъзам асрида ҳам “усули жаид илан бир бўри бир тулки деган ҳикоятлар ўқутмоқ асло ўлмай хижжа ўқутуб”, ундан кейин Каломуллоҳ таълим берилганлигини келтириб, жаҳли мураккаб иборатини Мунавварқорининг ўзига қарши ишлатмоқчи бўлади. Мазкур мақолани сатрма сатр таҳлил қилиб, ҳар бир жумласига раддия билдиради. Мулла Олимдан сўнг ҳам унинг фикрларига ҳамоҳанг мақолалар ёмғирдан кейин чиққан кўзқориндек кўпайиб кетди. “Туркистон вилояти газети”нинг ўша вақтлардаги ўнга яқин сонидан “Тараққий” ва унинг муҳаррирлари фаолияти қораланган мақолаларни учратиш мумкин. Туркистонлик мусулмонлар ўзларининг биринчи миллий нашрларини ана шу тарзда кутиб олишган эди. Газета муҳаррирларига “она сути оғизларидан келиб турган”<sup>120</sup> ёш муҳаррирлар деб мурожаат қилишар, газетадаги танқидий фикрларни “ҳаддин тажовуз фикр-хаёллар”<sup>121</sup> деб ёш гўдакнинг бетартиб ҳаракатлари билан қиёслашар эди. Бу “қайроқи” фикрлар “Тараққий”нинг танқид тифини янада чархлаб берди. Газета “Остроумуф газетасида ёзилгон чепухаларга”<sup>122</sup> парво қилмай жамиятдаги иллатларни, ноқис муаллим, уламо ва имомларни фош қилувчи мақолаларни кетма-кет эълон қилиб бораверди. “Туркистон вилоятининг газети”га, у орқали

---

<sup>119</sup> Mulla Muhammad Olim. По поводу газеты «Тараккы»// Turkiston viloyatining gazet. 1906. №26.

<sup>120</sup> Zokirov. По поводу газеты «Тараккы»// Turkiston viloyatining gazet. 1906. №29.

<sup>121</sup> Mulla Abdulloh. По поводу газеты «Тараккы»// Turkiston viloyatining gazet. 1906. №30.

<sup>122</sup> Abdulhamidxon. Felyeton // Taraqqiy. 1906. №8.

Остроумов ва унинг тарафдорларига нисбатан душманлик кайфиятини яширмади ва бу билан “Тараққий” ўз тақдирига ўзи ҳукм ўқиди.

“Тужжор”да келтирилган Беҳбудий қаламига тегишли фельетонлар ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Унинг “Газет надур?”<sup>123</sup> сарлавҳали фельетонида газеталарнинг пайдо бўлиши, сабаблари, фойдаларини аниқ фактларга таянган ҳолда ёритиб берилган. Туркистондаги матбуот ишлари қай даражада эканлиги, ислом ўлкаларидаги матбуот олами ҳамда дунё мамлакатларидаги матбуот билан таққослаб чуқур мулоҳазалар баён қилинган. Беҳбудий 1905 йилги Манифест воқеасидан сўнг Россия мусулмонлари ўртасида матбуот ишлари бироз жонланиб, 30 дан зиёд газета ва журналлар нашр бўлганини ва муштарийнинг озлиги учун бугунги кунга келиб 10 турга яқин газета етиб келганлигини афсус ва ачиниш билан ёзади: “...халқимизни нодон ва беҳабарлигидан мусулмоний жаридаларимиз жон узуб турмоқда”лигини ва шунинг баробарида илмдан хабардор “...мусулмон қариндошларимиздан ва ажнабий дўст-душманларимиздан бизларга айб ва афсус” билдирилаётганлигини яширмайди. Шундай вазиятда Россия мусулмонлари ичидан мушкул вазифани зиммасига олиб бир неча газета ва журналлар нашрига бел боғлаган саховатпеша бойларга мисол келтириб “боқулик жаноб ҳожи Зайнулобидин, ўрунбурғлик Муҳаммадзокир ва Муҳаммадшокир ва тошкандлик Саидқаримбой Саидазимбой ўғли”ни тилга олиб ўтади. Беҳбудий мақола сўнгида турли мамлакатлар ҳамда Туркистондаги газеталар миқдорини қиёсан келтириб: “...биз мусулмонларни илм ва хабар тўғрисида қанча кейин эканлигимизни” шу кўрсаткичлар орқали исботлаб беради. Ва хулосани ҳар кимнинг ўзига қолдиради.

Юқоридаги кўрсаткичлардан Туркистонда матбуот ишлари сезиларли даражада ортда қолганлигини пайқаш қийин эмас. Ҳукумат тазйиқи, обуначиларнинг йўқлиги, муҳаррирларнинг озлиги ва ҳоказолар вақтли

---

<sup>123</sup> Mahmudxo‘ja Behbudxo‘ja xatib o‘g‘li. Gazet nadur? // Tujjor.1907. №11.

матбуот ишларини олға боришига тўсиқ бўлиб турган. Ва шу билан бирга, айрим ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида имкониятлар ҳам бериб турилган. Беҳбудийнинг бундай кескин услубда ёзилган танқидий мақолаларини албатта ҳамма ҳам бирдек қабул қилмаган. Газетада келтирилган “Идораға мактуб”<sup>124</sup> Беҳбудийнинг “Дума ва Туркистон”<sup>125</sup> сарлавҳали мақоласига ижобий муносабат бидириб, “соҳиби мақолаға хайри дуо” тилаган бўлса, бошқа бир муштарий унинг ёзганларини “кулфатномалар” деб атайди. Беҳбудийнинг “Тужжор”дан ўрин олган навбатдаги фельетони айнан шу муштарий муносабатига жавоб тарзида ёзилган. Фельетоннинг аввалига эътибор берилса, “Манга муҳаббати бор одамлардан бир киши...”<sup>126</sup>, деб бошланади. Англашилганидек, Беҳбудий ўзини танқид қилган кишига нисбатан “муҳаббати бор...” иборасини ишлатмоқда. Ва бундан Беҳбудийга хос нуктадонликни сезиш мумкин. Муштарий Беҳбудийнинг “Тужжор” ва “Туркистон” (“Туркистон вилояти газети” кўзда тутилмоқда) газеталарида берилган мақолаларини кузатиб, алам ва андуҳи ортаётганлигини, ҳазин устига ҳазин ёғдираёганлигидан нолийди. Газетага кўнгил очадиган хабар ва мақолалардан ёзмоқ кераклигини таъкидлайди. Унинг бир-икки йилдан бери “Туркистон”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Вақт”, “Таржимон”, “Улфат” газеталаридаги Беҳбудий мақолаларини кузатганлигини келтирганига қараганда, матбуотни мунтазам ўқиб борувчи хат-саводли киши эканлиги англашилади. Беҳбудийнинг уламо, муллолар, мактабдорлар, илм ва матбуот хусусида билдирган танқидларини “...ким нималар ила жариди саҳифаларини тўлдур”моқ деб баҳолайди. Беҳбудийга “...муллоларга ёпушарсиз”, “...уламони таҳқир қиларсиз”, деб маломат тошлари ёғдириб бўлгач, “Мундан сўнг яхши ва кўнгул очатурган хабарларни ёзингиз”, деб “фатво” беради. Беҳбудий унинг ҳар бир эътирозини тинглаб, босиқлик билан жавоб қайтаради. Суҳбатдошининг юқорида билдирган барча сўзларига жавобан,

<sup>124</sup> Idorag`a maktub // Tujjor. 1907. №10.

<sup>125</sup> Mahmudxo`ja bin Behbudxo`ja. Duma va Turkiston // Tujjor. 1907. №8.

<sup>126</sup> Mahmudxo`ja bin Behbudxo`ja. Felyeton // Tujjor. 1907. № 13.

“Ўқуган жаридаларингизни ва 8-,10-,11-нўмрли “Тужжор” ва 82-нўмрли “Туркистон” газеталарини қайтадин ўқуб фам этинг. Ўқумоқ бошқа, фаҳхламоқ ва билмоқ бошқадур” тарзида муносиб жавоб қайтаради. Агар шуларга ҳам қониқмаса ўн миллионлик Ўрта Осиё аҳолиси ичидан бирор миссионер билан илм ва фунун, фалсафа илмида баҳс қила оладиган беш нафаргина кишини санаб беришини сўрайди. Ва бунга жавобан ўзи “бир эмас ўн мартаба албаттаки кўрсата олмайсиз. Борми? Сукут!!!” ва бунинг учун жавобгар уламолар эканлигига шак йўқдир, деб қатъий фикр билдиради. Ва буни мадрасалардаги таҳсил сифати билан боғлайди. Афлотун, Арасту, Буқрот, Батлимус каби файласуфлар икки минг йил илгари тушуниб етган ҳикматларини бизнинг уламолар “ярим юмалоқ ҳам билмайдурлар”, деб надомат чекади. Беҳбудий ғамли мақолалардан зорланган мухлис фикрларига жавобан яна худди шундай андуҳ ва афсусга тўла мақола битди. Зеро шундай йўл тутишнинг ўзи ҳам “инжиқ муштарий” учун энг ўринли жавоб (ишора) эди: “Эй азизим, кўп сўйладимки, балки сўзум сизга қаттиғ тегди, ҳар ҳолга афву фикр маржудур, чунки сўзум шахсий эмас, диний ва миллийдур, умумийдур”.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аср бошларида ташкил этилган нашрлар қисқа умр кечирди, бироқ унинг миллат олдида турган вазифаларни амалга ошириш йўлида қўшган ҳиссаси оз эмас эди. Жадид зиёлилари билан бир қаторда кўнгилли равишда ташкил этилган газеталар ҳам тараққийпарвар инсонларнинг мустамлака шароитидаги жасоратларига бир мисол бўла олади. 1906 йилдан бошлаб Туркистонда миллий газета ва кейинроқ журналлар нашр этилиши йўлга қўйилди. Бу ишларнинг бари жадид муҳаррирларининг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари, ўз маблағи билан амалга оширилди. Туркистон жадидлари учун газета тараққиётнинг белгиси ва билимларни тарқатиш манбаи бўлди<sup>127</sup>. Туркистонда матбуот ҳақиқий баҳс майдонига айланди. Айтиш керакки, жадид адабиёти мана шу баҳсларда

---

<sup>127</sup> З.Абдирашидов. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Т., Akademnashr, 2011. – С.309.

туғилди. Янги адабиётга тарғиб кучайди, унинг моҳиятини тушуниб етишга уринишлар бўлди. Тил, имло, услуб масалалари ҳеч бир нашрни четлаб ўтмади. Анъанавий шеърят танқидга учради, янги шеърӣй шакллар, хусусан, мансуралар майдонга кела бошлади.

Диссертациянинг биринчи боби юзасидан қуйидагича хулосаларга келдик:

1. Жадид адабиёти қисқа (1905-1925), шу билан бирга, шиддатли даврда кечди, жуда мураккаб адабий жараённи бошидан кечирди. Бу даврда карашлар, ифода йўллари, мақсад ўзгарди, кескинлашди. Бадий тафаккур ва эстетика янгилана бошлади.<sup>128</sup> Ғарб адабиёти ва публицистикасининг таъсирида ҳикоя, роман, драма жанрлари ва танқидий мақола ва эссе, тақриз, обзор, фельетон каби адабиётшунослик жанрлари ўзлашди. Ўзбек адабиётида ҳақиқий маънодаги адабий танқид ўтган аср бошларида вақтли матбуот билан бирга туғилди.

2. Адабиётдаги янгиланишлар, ғоявий курашлар, баҳс-мунозаралар бу давр адабиётига хос бош хусусият бўлди. Ўзбек адабиёти реалистик характерга эга бўла бошлади. Бу босқичда жадид адабиётининг Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Фитрат каби буюк қалам соҳибларини етиштирган адабиёт жанрлар қоришиқлиги, тажрибалар силсиласини бошидан кечираётган эди. Шу боис бу даврда яратилган асарларга одатий қолиплардан бироз четга чиққан ҳолда баҳо бериш адолатдан бўлади.

3. XX асрга келиб ўзбек адабиётида кўпгина жанрларга синов сифатида қўл урила бошлади. Адабиётнинг эстетик жиҳатларидан кўра ғоявий масалаларига эътибор кўпроқ бўлди. Адабиётнинг журналистика матбуот билан узвийлиги кучайди. Шу боис бу давр адабиётида публицистик ва

---

<sup>128</sup>Қаранг: Г.Т.Махмудова. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири. Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 1996.; Д.Н.Ражабова. Туркистон жадидларининг карашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 2003.; Д.Т.Амридинова. Самарқанд жадидчилигининг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 2006.; Л.А.Мухаммадждонова. Жадид мутафаккирларининг ахлоқий-эстетик карашлари. – Тошкент: Университет, 2007.

бадий жанрлар ўртасида чегара йўқолди, уларнинг хусусиятлари бир-бирига ўтиб турди.

4. Ўзбек матбуоти жуда кўп жихатларни турк, татар публицистикасидан ўрганган бўлиши билан бир қаторда рус матбуотидан, рус адабий танқидчилигидан ҳам қатор тажрибаларни ўзлаштирди. Шулардан энг йириги танқидий фельетон эди. Бизда ҳам фельетон рус матбуотидаги фельетон жанри босиб ўтган йўлдан борди.

## II БОБ. XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ЖАРАЁНИДАГИ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҲОДИСА ВА ТАМОЙИЛЛАР

### 2.1. Адабий алоқалар ва ижодкор тадрижи

Туркистон жадиidlари ҳамиша турк, татар, озарбайжонлик маърифатпарварлар билан доимий алоқада бўлгани боис ўзаро адабий алоқалар ҳам шунга мос ривожланиб борди. Туркистонлик адиблар улардаги маориф, матбуот, адабиёт соҳасидаги ўзгаришларни кузатишган, ўрганишган ва Туркистонда ҳам татбиқ этиш ниятида бўлишган. Дастлаб бу борада, туркистонлик жадиidlарнинг ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ҳам фикрий ўсишида муҳим рол ўйнаган Исмоил Гаспринский таъсирини айтиб ўтиш зарур. Гаспринскийнинг 1893 йил май ойида Туркистон ўлкасига қилган илк сафари<sup>129</sup> икки қардош халқ ўртасидаги алоқаларга кенг йўл очиб берди. Гаспринский ўзининг узоқ кутилган ушбу сафари давомида “Таржимон” газетасини аҳоли орасида кенг тарғиб этди, обуначилар сафини кенгайтди, туркистонлик зиёлилар билан учрашди ва умрининг сўнгигача улар билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб борди. Ушбу тарихий учрашув Туркистонда илк усули жадиd мактабларини ташкил этиш йўлида ҳам илк одим бўлди.

1905 йил воқеалари, хусусан, Туркистонда матбуот ишларининг йўлга қўйилиши билан турк, татар, озарбайжон, бошқирд мутафаккирлари билан бўлган алоқалар янада мустаҳкамланди. Аҳамиятли тарафи шундаки, кўпчилик қардош тараққийпарварлар туркистонликлар билан алоқа ўрнатибгина қолмай, бевосита Туркистонга келиб матбуот, маориф, театр, ҳуқуқ ва кўплаб соҳаларда туркистонликлар билан елкама-елка туриб фаолият олиб борди, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Бир қанча сабаблар билан Туркистонга келиб, шу ерда яшаб қолган қардош татар-бошқирд халқларининг Туркистонда фаолият олиб борган татар муҳаррирлари сифатида Исмоил Обидий, Абдурауф Музаффарзода, Аҳмад Заки Валидий, Нўширавон Ёвушев, Шокир Мухторов, Иброҳим Тоҳирий, Аҳмаджон

---

<sup>129</sup> З.Абдирашидов. Устози муаззам // Жаҳон адабиёти. 2012. №6. – Б.162.

Бектемиров, Хусайн Макаев, Кабир Бакир, Фотиҳ Бакирларни мисол қилиш мумкин. Худди шундай, Озарбайжондан келиб иш олиб борган Муҳаммад Амин Афандизода, Жалол Юсуфзода, Пирий Мурсалзода<sup>130</sup> каби фидойилар ўзбек публицистикаси ривожига улкан ҳисса қўшишган. Юқорида номлари келтирилган зотлар биргина матбуот соҳасида эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қизгин фаолият олиб боришган, Туркистондаги жадиличлик ҳаракатининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшишган. Бирок ҳалигача бу каби турк, татар, бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги фаолияти етарлича ўрганилган эмас. Уларнинг кўпчилиги сарсон-саргардонликда, қувғинда ҳаёт кечиришган. Мисол учун, Абдурауф Шаҳидий, Хусайн Макаевлар ҳам усули жадида мактаблари очгани учун Қозондан қувғин қилинган, Наманган ва Қўқонда яшаб қолган педагог ҳамда ноширлардир<sup>131</sup>. “Садойи Туркистон”нинг энг фаол муҳаррири Абдурауф Музаффарзода эса турли тазйиқлар сабаб Тошкент, Бухоро, Туркманистон ва шунга ўхшаш кўп жойларда кўчиб юришга мажбур бўлган. Татар фарзанди Кабир Бакир (1880-1938) 1917 йил Февраль ўзгаришларидан сўнг Тошкентга келган ва “Улуғ Туркистон” газетасини чиқарган. Аҳмаджон Бектемиров, Нуриддин Сайфулмулков, Маҳмуд Будаили каби публицистлар “Вақт” газетасининг муҳбири сифатида Туркистонга келиб иш олиб бордилар<sup>132</sup>. Туркистонда бўлаётган йирик воқеаларни, ижтимоий сиёсий ўзгаришларни ақс эттирувчи туркум мақолалар яратишди. Вақтли матбуотимизда учровчи “Сайёҳ”, “Бир мусофир”, “Самарқандий”, “Бухороли”, “А.Ф”, “Қардош”, “Муҳбир”<sup>133</sup> каби имзолар айнан Туркистонда фаолият олиб борган татар, турк муҳбирларга тегишли эди. Шу билан бир қаторда туркистонлик жадиждлар М.Бехбудий, М.Шермуҳаммедов, Чўлпон, Мўминжон Муҳаммаджонов, Баҳромбек Давлатшоевлар “Таржимон”, “Шўро”, “Вақт”, “Улфат” каби ташқи даврий нашрларда фаол иштирок этишди. Туркистонда

---

<sup>130</sup> Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2009. – Б.318.

<sup>131</sup> Бу ҳақда қаранг: Долимов У. Туркистонда жадида мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – Б.20.

<sup>132</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б.52.

<sup>133</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш.... Б.52.

хам “Таржимон”, “Мулла Насриддин”, “Иқбол”, “Турк юрду”, “Шўро” муштарийлари кўпайди. Жумладан, Оренбургда нашр этилган “Шўро”(1908-1918) журналининг саҳифалари ҳам туркистонлик ва татар зиёлиларининг фикр алмашиш ва алоқа майдони бўлган эди. Беҳбудий, Чўлпон, Сўфизода, Ҳожи Муин, М. Шермухамедов, Садриддин Айний, Лутфулло Олимий, Ажзий, М.Муҳаммадҷонов, Рожий Холмуҳаммад Охундий каби таракқийпарварларнинг ушбу журналдаги мунтазам иштироки<sup>134</sup> ҳам бунга далил бўла олади. Умуман олганда, ушбу газета-журналлар Туркистон матбуоти билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришди, йўл-йўриқ кўрсатишди. Б.Қосимов сўзлари билан айтганда, Туркистон матбуот воситасида қардош, тилдош, диндош турк оламига чиқди<sup>135</sup>. Матбуот билан бир қаторда адабий алоқа ва таъсирлар ҳам шаклланиб борди. Вадуд Маҳмуднинг таъбрича, “бизда янги адабиёт Туркия адабиёти тақлиди билан бошланғондир. ...руҳда ва шаклда Туркистон, Қафқозё, Қрим доимо Туркияга эргашадир”<sup>136</sup>.

Мўминжон Муҳаммадҷонов ўз хотираларида келтириб ўтганлари куйидаги фикрлар ҳам юқоридаги сўзларга ҳамоҳангдир: “...Тотаристон, Озарбайжон ва Туркия адиб ва шоирлари томонидан ёзилғон ҳар турли рўмон, ҳикоя китобларини мутолаа қилиб, маним хаёлим ҳам ўз турмушимиздан ҳикоялар ёзиш томонга оғиб, 1911 нчи йилларда ушбу таржимайи ҳолимни ёзғон ҳам бунга “Турмуш уринишлари” деб ном берган эдим”<sup>137</sup>. Бундан келиб чиқадики, ижодкорни руҳлантирган адабиёт асосан қардош халқлар ижодига тегишли бўлган. Яна ушбу хотирада “Таржимон” газетасининг Туркистон зиёлилари орасига энди кириб келган вақтлари тасвирига ҳам дуч келамиз:“...Миробод маҳалласининг имоми Мунаввар қорининг олдиға бориб, суҳбатлашиб келиб тураман. Ул “Таржимон” деган ман тушунмайдирган бир газет ўқиб юрганини кўб кўраман. Бироқ манинг

---

<sup>134</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш.... – Б.56.

<sup>135</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш.... – Б.64.

<sup>136</sup> Маҳмуд, Вадуд. Танларган асарлар. – Т.: Маънавият, 2007. – Б.82.

<sup>137</sup> Мўминжон Муҳаммадҷонов. Турмуш уринишлари. – Тошкент, 1926. – Б. 4.

олдимда янгиликдан сира оғиз очқони йўқ”<sup>138</sup>. “Вақт”, “Юлдуз”, “Баён ул хақ” газеталари; “Шўро”, “Сиротул мустақим”, “Чўкич”, “Мулла Насриддин”<sup>139</sup> журналлари номи ҳам хотирада зикр этиб ўтилган. Театр хусусида сўз юритилган ўринлардан эса муаллиф бу ҳодисани айнан татар театрларини кўриш орқали англаб етганлиги ва қардош биродарлари ва туркистонликлар турмушидаги ўхшашликларни кузатганлигини шундай хотирлайди: “Бу тиётрлариға (татар театр томошалари – Н.Э.) қараганда татарларнинг кечирмақда бўлгон тирикчиликларининг кўби бизнинг тирикчиликларга ўхшашроқ кўринур эди”<sup>140</sup>. Уфадаги “Олия” мадрасасида таҳсил олиш давомида танишган дўстлари Олимжон Иброҳимов ҳамда Бекбўлат Солиевларни алоҳида эслаб ўтади. Хуллас, татар, озарбайжон, турк зиёлиларининг туркистонлик жадидлар билан қанчалик яқин алоқада бўлганликларини биргина юқоридаги бир нечта қайдлар орқали М.Муҳаммаджонов фаолияти мисолида кўриб ўтдик.

Жадидларнинг мана шундай адабий-маданий алоқалари, асосан, икки хил йўлда ривож топган. Биринчиси, юқорида айтиб ўтганимиздек, кўплаб маданият, санъат, таълим ходимларининг, ижодкорларнинг бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлганликлари, саёҳатлар давомидаги танишувлар, Туркистон ўлкасида муқим ёки узоқ вақт яшаб, ҳамкорликда ижод қилиш йўли бўлган. Иккинчиси, матбуот саҳифалари орқали танишув, танитув, таъсирланув йўлидир. Ва нисбатан бу иккинчи йўл кўпроқ таъсирга эга бўлган. Биздаги муваққат нашрларда нафақат туркистонликлар, балки турк, татар, афғон, эрон шоирларининг ҳам ўз ижодий намуналари билан фаол қатнашганликларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, Риждозода Маҳмуд Ақром, Доғистоний, Кафкозий, Жавдат, Шайх Олим Эроний, Маҳмуд Тарзий, Зухуриддин Фатҳиддинзода каби шоирлар ижодини мисол қилиб келтириш мумкин. Абдурауф Музаффарзода, Аҳмад Заки Валидий, Нўширавон

---

<sup>138</sup> Мўминжон Муҳаммаджонов. Ўша манба.... – Б.104.

<sup>139</sup> Мўминжон Муҳаммаджонов.... – Б.204.

<sup>140</sup> Мўминжон Муҳаммаджонов... – Б.205.

Ёвушев, Шокир Мухторов, Иброҳим Тоҳирӣ, Аҳмаджон Бектемиров каби бир қатор зиёлиларнинг танқидий мақолалари, таҳлиллари туркистонлик жадиждларнинг, ижтимоий қатламнинг фикрий уйғонишида муҳим ўрин тутган. Улар фақатгина ижтимоий-сиёсий мавзудаги танқидий чиқишлар билан бир қаторда, адабиётдаги янги шакл, янги тажрибаларга қўл уриб кўрди. Ҳикоя, мунозара, драма жанрларидаги дастлабки асарларни ёздилар. Мисол учун, А.Шаҳидийнинг “Маҳрамлар” драмаси, Абдурауф Музаффарзоданинг “Онг умидлари” ҳикояси, Шокир Мухторийнинг мунозаралари биздаги жадид адибларига яхши таъсир ўтказган, ижодкор тадрижида муҳим ўрин тутган.

Асли татар миллатига мансуб Шокир Мухторий ҳам матбуотда фаол иштирок этган ижодкорлардан ҳисобланади. Унинг услуби ўзига хос. “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Хуррият”нинг қатор сонларида унинг мубоҳаса (баҳс, мунозара) кўринишидаги ҳикоялари ўрин олган. “Али ҳам Вали”<sup>141</sup> туркум ҳикоялари икки дўстнинг бир қанча масалалар юзасидан танқидий баҳсидан иборат. Шокир Мухторий ушбу ҳикояларида асосий қаҳрамон Вали ҳамда унинг дўсти Али. Баъзи ҳикояларида Руҳ (Алининг руҳи) образини ҳам киритган. Ушбу мунозараларда ҳамиша бирор мавзу танланади ва бу икки қаҳрамон бевосита шу муаммога дуч келган киши сифатида фикр алмашинади, мунозарага киришади. Бу ҳикоялардаги барча муаммоли вазиятлар албатта илмсизлик орқасидан келиб чиққан вазиятлар эди. “Хуррият”да ҳам худди шу образлар ўртасидаги суҳбат келтирилган<sup>142</sup>. Матбуот хусусида фикр юритилган “Эшмат ва Тошмат”, қадим ва жадид низолари ҳақидаги “Яна тўй масаласи”<sup>143</sup> фельетонлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ш.Мухторий услубидан улги олган ҳолда Ҳожи Муин ҳам ўзининг Мушмирзо ва Пишаксўфи образларини яратди ва улар иштирокидаги бир қанча туркум ҳикояларни ёзди

---

<sup>141</sup> Ш.М. Али ҳам Вали // Садойи Фарғона. 1914. №1.

<sup>142</sup> Шокир Мухторий. Али ила Вали // Хуррият. 1918. №66.

<sup>143</sup> Ш.М. Эшмат ва Тошмат // Садойи Фарғона. 1914. №25.; Яна тўй масаласи // Садойи Фарғона. 1914. №27.

“Садойи Туркистон” муҳаррирларидан бири ва энг фаоли бўлган Абдурауф Музаффарзода бошмақолалар, танқидий-тахлилий кузатишларини бериб бориш билан бир қаторда адиб сифатида ҳам ўз услубига эга бўлган. Газетада Унинг “Онг умидлари”(хотин қизлар маишатидан) <sup>144</sup> ҳикояси келтирилган. Асарнинг асосий воқеалари Гулчеҳра исмли 18 яшар қизнинг турмушини ёритишдан иборат. Асарда Муҳаммадjon нўғай образи замоннинг уйғоқ фикрли кишиси сифатида киритилган. Унинг қизлари янги усул мактабида таҳсил олишади, газета-журнал ўқишади. Музаффарзода бу ўринда ёнма-ён уйда яшовчи икки кўшни, икки хил муҳит, икки хил қарашга эга оталар образини таққослаб ўтишни ният қилган. Бу қиёси яна давом эттириш мақсадида Гулчеҳрага совчи қўйган икки йигит: бири Тожиддин аканинг рус мактабида таҳсил олган ўғли замонадан хабардор Муса афанди ҳамда иккинчиси майпараст Содиқбой бача образини келтиради. Бу орқали биринчидан, қиз боланинг ота билан муносабати ижобий ҳал қилиб берилган бўлса, иккинчидан, янги оталар – руҳий маънавий оламга эга бўлган зиёли эркаклар авлодининг ўсиб келаётганига урғу берган. Асарда татарлар маданияти, турмуш тарзининг туркистонлик биродарларига қараганда илгарилаб кетганлигига ҳам ишоралар бор. Мусо афанди Туркистондан ўзига муносиб қиз топа олмагач, оталар ўз қизларини кўрсатишга йўл қўймаганликлари сабаб татар қизига уйланиш учун Оренбургга кетади. Ҳикоя тўлиқ нашр қилинмаган, бу орада газета фаолияти ҳам тугатилган эди. Лекин бу нарса асар якуни эълон қилинишига тўсиқ бўлувчи сабаб ҳисобланмайди албатта. Ваҳоланки, Абдурауф Музаффарзода асарнинг қолган қисмини “Кенгаш”, “Улуғ Туркистон”, “Турон”, “Нажот” газеталаридан бирида ҳам эълон қилиши мумкин эди. Лекин нимагадир муаллиф асарнинг сўнгги қисмларини эълон қилишни истамаган. Булардан қатъи назар Музаффарзоданинг ушбу ҳикояси мутлақо ўзгача йўсинда ёзилган. Шу мавзудаги кўпчилик ҳикояларга эътибор берадиган бўлсак, у

---

<sup>144</sup> Айн. Рауф Музаффар. Онг умидлари // Садойи Туркистон. 1914. №57, 61,65.

ерда дин арбобларини қоралаш, дин арбоблари – эшонга ҳадя қилинган қиз орқали аёлларнинг фожиасини кўрсатиш қўйилган бўлса, мазкур “Онг умидлари” ҳикоясида социал муаммо қўйилган. Музаффарзоданинг асари ютуғи ҳам шунда.

Матбуот саҳифаларида қардош ижодкорлар асарлари билан бир қаторда, жаҳон мумтоз адабиёти мисолида Гётенинг “Фауст” асаридан, Умар Хайём, Бедил шеърятидан, Тагор, Толстой ижодидан намуналар келтирилган. Жумладан, Айн.Ҳе.(Аҳлуллоҳ Ҳайруллин)нинг “Фауст”дан

*Нафрат бу бани одама, нафрат ҳашарота*

*Ғолиб ўламамми ажабо бен бу завота.*

*Беҳаддир отдиқларим оғуш мамоти,*

*Ҳайфоки, ўлумда геламиз қарши ҳаёта!*

*Доим бу жаҳонда янги бир қон даваронда*

*Кесмам яна умидими, оташ бенга ёвур,*

*Оташ-ла паришон эдарам олами яксар!<sup>145</sup>*

Парча асарнинг 1-қисм “Фаустнинг ишхонаси”дан олинган. Ушбу парчадан XX аср бошлари усмонли турк адабиётида ҳам “Фауст”нинг таржима вариантлари бўлганини англаш мумкин. Бироқ бу таржима асардан парча, холос. Айн.Ҳе (Аҳлуллоҳ Ҳайруллин)нинг “Фауст”ни тўлиқ таржима қилганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кўпчилик таржимашунослар Гёте асарлари, хусусан, “Фауст” таржимони бўлишни қаҳрамонлик деб ҳисоблашади. Бу қарашни рус гётешуноси А.Михайловнинг куйидаги фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди: “Ўлчов нозикликлари билан шуғулланишни Гёте ёқтирмасди, бироқ “Фауст” бунинг тескариси, негаки, “Фауст” шеърӣ шакллар ва ўлчовларнинг бутун бир қомусидир. Уларнинг орасида юнон фожиаларидаги триметр ва тетраметрлар ҳам, XVIII аср фожиаларидаги гекзаметрлар ҳам, немис халқ кўшиқлари, Дан-

---

<sup>145</sup> Фаустдан.Айн.Ҳе. // Ойина.1913.№2. – Б1.

те “Илохий комедия”сини ёзишда кўллаган терсина ва бошқа жуда кўплаб шакллар учрайди”<sup>146</sup>. Шундай экан, бу мўъжизавий асар таржимаси кишидан узоқ ва машаққатли меҳнатни талаб қилиши шубҳасиз. “Фауст”нинг шоир-таржимон Борис Пастернак, Холодковский, қозоқ таржимони Медеубай Қурманов, озарбайжонлик Аҳмад Жамил, таржимашунос Пошали Усмон ўғли амалга оширган таржима нусхалари мавжуд. Пастернак билан Эркин Воҳидовда таржиманинг бадий пухта чиқишига эътибор қаратилган бўлса, Холодковский ва Пошали Усмон нусхасида аслиятга сўзма сўз яқинлик кўринади. Юқоридагилардан фарқли ўлароқ биз ўрганаётган парчада таржимага анча эркин ёндашилганлигини кўришимиз мумкин. Сабаби, Айн.Ҳе асарнинг мазмунига ҳам, шаклига ҳам ўзгачалик киритган. Аввало, Мефистофель тилидан баён қилинган 19 мисралик парча таржимада 22 мисрага айланган, 11 бўғинли вазн “бойитилиб”, ҳар бир мисра ўзича туроқланган: 14,13,12 тарзида. Мазмун мундарижасида ҳам сезиларли ўрин алмашилишлар бор. Мазмундаги бу ўзгаришни Эркин Воҳидов таржимаси билан қиёслаганда, яна ҳам ойдинлашади. Айн. Ҳе Мефистофелнинг Фаустга ўзини ва қандай ниятда эканлигини ошкор қилиш лавҳасини таржима учун танлаб олган. Эътибор берилса, айнан мана шу парчада Мефистофель исмининг моҳияти очилгандек бўлади. **Айн.Ҳеда:**

*Нобуд ўламазми бу қабо олами ночиз!*

*Токи эдажакдир бени ворлиқ ила таъжиз?*

*Бик жаҳд ила бен олами имҳоя чолишдим,*

*Тоглардан олов пускуруб ўрмонлари ёқдим.*

*Уммондаги амвожи бутун жўша гетурдим,*

*Бен зилзилалар-ла ери зеру забар этдим.*

---

<sup>146</sup>Таржимонлик санъаткорликдир // Ёшлик. 2013. №12.

**Эркин Воҳидовда:**

*Поён билмас Йўқлик олами аро*

*Кичкина заррадир бу борлиқ дунё.*

*Уни йўқотмоққа уринмай неча.*

*Ҳануз устивордир кор қилмас тича.*

*Унга юбордим: мен чақмоғу бўрон,*

*Даҳшатли зилзила, ёнғину тўфон.*

Пошали Усмоннинг келтиришича, Мефистофелга немис олими Готтхард Эрлер қуйидагича изоҳ берган: “Мефистофель – христиан динига мансуб кишиларнинг Фауст ҳақидаги китобида шайтон шу ном билан машҳурдир, бу ном Мефистофилос, Мефостофилес ва Мефистофиль каби эски шаклларига ҳам эгадир. “Мефистофель” сўзи қадимги яҳудийча “мефис” (бузғунчи, вайрон қилувчи) ва “тофель” (ёлғончи) сўзларидан олинган бўлса керак. Лекин бу сўзнинг юнонча “мефото-филес” (ёруғликни севмайдиган) ва “ме-фауостофилес” (Фаустни севмайдиган) деган маънони англатади деган фикр шубҳалидир, албатта”<sup>147</sup>. Изоҳда келтирилган “бузғунчи, вайрон қилувчи” маъноси биз юқорида келтирилган мисраларда яққол акс этган. Шу ўринда, Г.Эрлер Мефистофелнинг юнонча “ёруғликни севмайдиган” деган маъносини шубҳали деб қарайди. Бироқ бу маънонинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини қуйидаги мисралар исботлаб турибди:

*Бу – тун. Бир замонлар борлиқни бутун*

*Чулгаб олган зулмат! У яратди нур...*

*Вақт келиб оламдан йўқолса жисм*

*Борлиқда қолмагай нур деган исм.*

Биз мана шу мўъжаз парчадан Йўқлик ва Борлиқ, зулмат ва нур, ўлим ва ҳаёт зиддияти акс этганини кўрамиз. Умуман олганда, 1913 йил Айн.Ҳе

---

<sup>147</sup>Таржима санъати: мақолалар тўплами / масъул муҳаррир Ғ.Саломов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б.238.

амалга оширган ушбу таржимага ўша давр кесимида қарайдиган бўлсак, бу таржимани дунё адабиётини ўрганишдаги сезиларли қадам бўлган, дейиш мумкин. Мухаррир Бехбудий эса ўз ўрнида “дунё адабиётида кўп машхур бўлган ва кам ўрганилган”(Генри Пошманн) асар таржимаси йўлидаги бу уринишни янгилик сифатида ўз журнаliga олиб кирди. Бехбудийнинг ўзи жаҳон адабиётидан таржима билан махсус шуғулланмаган бўлса-да, уни бу жараёндан четда турган, деб бўлмайди. “Туркистон вилояти газети”нинг 1909 йил 10-сонида “Оқ елпоғичли чинли хотун” ҳикояси нашр қилинган. У “Тасодиф” деб номланган дебоча билан бошланган. Муаллифи берилмаган. Асар имзосида: “1909 йил, далви девона, Самарқанд, Маҳмудхўжа ибн Бехбудхўжа”<sup>148</sup> кўрсатилган. Ҳикоя хитой адабиётига тааллуқли. Профессор Бегали Қосимов изоҳича, Бехбудий асарни “ўз қалби ва қалами билан ўзбек ўқувчисига тақдим этмоқчи бўлган”<sup>149</sup>. Ҳақиқатда, унда Бехбудий тили ва ёзма услубини кўриш мумкин. Хусусан, “муқтасиъ қадрга тобеъ бўлди”, “дунё одати узра ҳар шай кечар”, “ғамум”, “барои ҳужум”, “думуъ”, “хумои”, “жадид” сўзларида Бехбудийга хос бўлган араб-форс ҳамда эски туркий сўзларига “ўчлик” сезилади. Бехбудий мазкур ҳикояни тўғридан-тўғри ўгирмай, балки ўзи “олдин ҳам кўрган”<sup>150</sup> таржимага миллий руҳ бериб, ўзбек ўқувчисига мослаштирган. Буни эркин таржима ҳам дейиш мумкин. “Ойина” журналининг 1914 йил 27-сонида яна бир таржима асар учрайди. У кичик монолог тарзида ёзилган “Бир аъмо боланинг ҳасрати” парчаси бўлиб, сўнгида учта муаллиф номи келтирилади:

“Мухаррири: француз қизи Соррун

Мутаржими: Риждоизода марҳум Маҳмуд Ақром

Усмонличадан табдил этгони: Маҳмудхўжа”. [14,505]

Бехбудийнинг ўзи “усмонличадан табдил этгони” тарзида берса-да, биз бунга таржима сифатида қарашимиз керак. Сабаби,

<sup>148</sup>Тасодиф // Туркистон вилоятининг газети. 1909. №10.

<sup>149</sup>Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.53.

<sup>150</sup>Бир аъмо боланинг ҳасрати // Ойина. 1914. №27. – Б.505.

Рижозода турк адиби. У ҳикояни французчадан усмонли тилига таржима қилган. Беҳбудий эса уни ўзбек тилига ўгирган ва ўзи бунга табдил деб ном беради. Аслида, табдил ҳам (ҳозирги кунда таржима кучини беролмаса-да. – Н.Э) луғавий маъноси жиҳатидан ўша давр муҳити учун таржимага ўринбосар сўз бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Шу маънода, “Бир аъмо боланинг ҳасрати” ва “Оқ елпоғичли чинли хотун” ҳикояси Беҳбудий томонидан амалга оширилган таржима ишларидир. Жаҳон адабиётининг яна бир машҳур дурдонаси, инглиз адиби Даниэл Дефо (1660-1731) қаламига мансуб “Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари” романининг ўзбек адабиётидаги илк таржимаси XX аср аввалида юз берган эди. 1911 йил Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли томонидан амалга оширилган ушбу эркин таржимада асар сюжети биров қисқартирилиб ўзбекчалаштирилган. 2013 йилда мазкур таржима асар матнини проф. Б.Каримов ҳозирги ўзбек тилига мослаб нашрга тайёрлаган<sup>151</sup>. Таржима учун қайси нусха асос қилиб олинганлиги хусусида яқдиллик йўқ. Ноширнинг фикрларига таянадиган бўлсак, таржима Л.Толстой нашрга тайёрлаган рус тилидаги нусха асосида амалга оширилган.

Туркистон нашрларида кўплаб қардош тараққийпарварлар ижоди, фаолияти хусусида қайдлар ҳам бериб борилган. Мисол учун, “Тараққий”да келтирилган “Мамлакат хабарлари”да турк адиблари Аҳмад Мидҳат, Маҳмуд Асад афанди, Исмоил Ҳаққий хусусида тўхталиб ўтилган. Газетанинг ушбу зиёли тараққийпарварларга берган таърифдаридан ҳам туркистонликларнинг уларга бўлган ижоюий муносабати, ихлоси сезилиб туради: “Бу уч зоти киром Туркиянинг энг олий даражадаги уламосидан бўлуб, номи муборақлари олами исломиятда машҳур кишилардур. Буларни ҳар қайсилари илми калом ва фалсафайи адабонда хўб моҳир ўлғонлар”<sup>152</sup>. Бундан ташқари, уларнинг кўплаб тилларни билиши, кўп муҳим масалаларда ўзларининг муҳим кўрсатмалари билан мусулмонлар ҳаёти, илм-фанининг

---

<sup>151</sup> Дефо Д. Робинзон ҳикояси. – Тошкент: Мухаррир нашриёти, 2013.

<sup>152</sup> Мамлакат хабарлари // Тараққий. 1906. №2.

ривожига улкан ҳисса қўшаётганликлари ислом оламининг катта ютуғи сифатида таъкидлаб ўтилган. Шу қаторда, кўплаб қардош биродарларининг вафоти, хотирасига бағишлаб ёзилган мақола ва шеърлар, тазминларни кўплаб учратиш мумкин.

Туркистон матбуоти нашрларида учровчи иқтибослар ўзбек, турк, татар, озарбайжон, эрон, араб уйғониш ҳаракати вакилларининг бир-бирлари билан матбуот орқали ҳар доим муносабатда бўлганлигига яна бир далили бўла олади. Аслида, рус ва хориж матбуотидан иқтибослар бериб бориш маҳаллий матбуот учун цензура ўрнатган талаблардан бири бўлган. Кўпчилик муҳаррирларнинг матбуот очишга рухсат олиш учун тайёрлаган дастурларида мана шу банд ҳам қайд этиб ўтилган<sup>153</sup>. Сабаби уларнинг ўзи ҳам мунтазам равишда ташқи даврий нашрлар билан танишиб борганидек, ўз газета ва журналлари учун улардаги энг аҳамиятли хабарлардан иқтибослар олган.<sup>154</sup> “Таржимон”, “Вақт”, “Юлдуз”, “Сабоҳ”, “Қуёш”, “Чехранамо”, “Ал-Ҳилол”, “Шўро”, “Мулла Насриддин”, “Ислом мажмуаси”, “Сирожу-л-ахбор” каби вақтли матбуот нашрларидан келтирилган иқтибосларни деярли барча нашрларда кузатиш мумкин. Ушбу кўчириб босилган материалларнинг қуйидаги йўналишларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

*1. Таълим ва маориф мавзусидаги иқтибослар.* Бу мавзудаги кўчирма материалларда чет ўлкаларда жорий қилинган таълим тизими ҳақида маълумотлар, олиб борилган ёки ўтказилаётган ислоҳотлар, мактаб ва маориф ишларига кўпроқ урғу берилади.<sup>155</sup>

*2. Мусулмонлар ҳаётидан олинган иқтибослар.* Турли ўлкалардаги мусулмонларнинг ҳаёт тарзи, уларга бўлган муносабат, дин аҳкомлари,

---

<sup>153</sup> Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.190.

<sup>154</sup> “Беҳбудия кутубхонаси”да ҳам “Сирожу-л-ахбор” (Афғонистон), “Қадинлар дунёси” (Қозон), “Чехранамо” (Миср), “Ҳаблу-л-матин” (Калкутта), “Таржимон” (Боғчасарой), “Мулла Насриддин” (Боку), “Юлдуз” (Қозон), “Шўро” (Оренбург) сингари ташқи нашр нусхалари бўлган. Бу ҳақда қаранг: “Ойина”.1914. №27-62.

<sup>155</sup> “Тошканд семинарияси – дорул муаллимин” (“Вақт”. 1914.№25.–Б.396-397), “Илм аҳллариға ҳадия” (“Шўро”. 1914.№41.–Б.977-978), “Японияда талаба маишати” (“Вақт”. 1914.№43. – Б.1024-1029), “Туркистонда биринчи намуна мактаби” (“Вақт”. 1914. №43. – Б.1029-1030), “Русия қанча мактабга муҳтож” (“Шўро”. 1914. №48. – Б.1153-1154), “Ислоҳи мадорис” (“Сабоҳ”. 1914. №52. – Б.1239-1240)

шариат пешволари, муқаддас кадамжолар, дунё мусулмонлари ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган мақолалар шулар жумласидандир.<sup>156</sup>

3. *Ҳарбий-сиёсий мавзудаги иқтибослар.* Бу турдаги иқтибосларни ҳарбий-сиёсий янгиликлар, муҳолифатлар, муҳорабалар, ислохотлар ёритилган мақолалар ташкил этади. Бу мавзудаги иқтибослар журналда камчиликни ташкил этади.<sup>157</sup>

Иқтибослар, албатта, муҳим маънога эга мавзулардан танланган. Мавзу кўлами жиҳатидан айтиш керакки, иқтибос сифатида, аксаран, таълим ва мусулмонлар ҳаёти акс эттирилган мақолаларга мурожаат қилинган. Биздаги матбуотда иқтибослар, кўпинча, муаллифсиз берилган. Сабаби, бу анонимлик муаллифни ва муҳаррирни “ташвишдан фориг қилади”, деб ҳисобланган. Бундан ташқари, бирор иқтибоснинг газета ёки журналда қайси муносабат билан қайта чоп қилинаётгани борасида идоранинг изоҳлари учрамайди. Муқояса учун “Таржимон” ва “Ойна”нинг иқтибос бериш тартибини олиб қарайдиган бўлсак, Гаспринский ўз газетасида қайта босаётган иқтибоснинг манбаси, нашр йили ва сонигача кўрсатиб, кириш ёки сўнгсўз сифатида изоҳ ҳам ёзиб ўтади. “Ойна” журналида бу каби иқтибоснинг дастлаб эълон қилинган йили ва сонини, изоҳини бериш эса анъана тусига кирмаганлигини кўрамиз. Шу боис иқтибосларнинг биринчи варианты билан қиёслаб текшириш имкони бўлмади. Лекин “Ойна” билан ташқи даврий нашрларни услуб ва тил жиҳатдан текшириш мақсадида, уларни умумий аспектда қиёслаб ўтилди. Хусусан, журналда босилган иқтибосларнинг катта улушини татар матбуотидан олинган кўчирмалар ташкил қилади. Тил жиҳатидан улар “Ойна” танлаган “ўрта шева”га нисбатан мос келган, деб айтиш мумкин. Беҳбудийнинг ўзи ташқи нашрларни тушунилиш жиҳатидан икки гуруҳга ажратиб, “Таржимон”,

---

<sup>156</sup>“Маҳрами эрониён ва исломиён” (“Чехранамо”. 1913. №9. – Б.216), “Эроний хожиларнинг Мадина ёқлигинда талангани” (“Чехранамо”.1913. №9. – Б.209-210), “Хитойда қанча мусулмон бор?” (“Чехранамо”.1914. №14.– Б.232-233), “Мусулмонларни кофир этмоқ осон эмас” (“Шўро”.1914. №35. – Б.828-830). “Бухоро шиалари” (“Таржимон”.1914. №44. – Б.1059), “Мусулмон ятимхонаси”(“Вақт”.1914. №46. – Б.1104-1105), “Қаъбаи муаззама ва ҳажжи шариф” (“Ал-Ҳилол”. 1914.№45-48).

<sup>157</sup>“Қазоқларнинг вазирга мурожаати” (“Ойқоп”.1914. №32.– Б.634), “Турк давлати нимага мағлуб бўлди?” (“Таржумон”.1914. №23-27), “Эдирненинг мустаҳкам қилинаги” (“Таржумон”. 1914. №26. – Б.484)

“Улфат”, “Иршод”, “Ҳаёт” тили “Озод”, “Юлдуз”, “Нур” газеталарига нисбатан енгилроқ, деб кўрсатади. Ва бу фарқни мувофиқлаштириш учун Россия мусулмонларини “бир шевайи васатийя иттихоз этмак”<sup>158</sup>га чақиради. Гаспринский ҳам таъкидлаганидек, кўпчилик газеталарнинг “ҳар бири бирор турли шевада”<sup>159</sup> нашр бўлаётгани “умумий лисон”дан узоклашишга олиб келаётганди. Лекин Гаспринский ҳам, Бехбудий ҳам тил бирлиги масаласида яқдил бўлса-да, улар танлаган “ўрта шева” бошқа-бошқа эди. Бу фарқни улар нашр этган “Таржимон” ва “Ойина”нинг тили яққол кўрсатиб беради:

“Илм, ҳилм, маориф, иззат-нафс ва ҳайсиат риёкорлига табдил ўлмиш эди. Бу сўзлар, балки оғу сўзлардир, лекин дўғри сўзлардир. Тарих ёзан муаррих мадҳия ёзан мирзо дагилдир” (Тарихи жадидаи Туркистон. // Таржимон. 1905. №110.)

“Туркистон Осиёи вусто ва ёинки Туронзаминдан иборат ва турк қавмининг мухталиф уруғлари ила маскун бўлуб, ҳоли ҳозирда Туркистони русий ва Туркистони чиний қисмлариға бўлинур”. (Ойина. 1913. №1.)

Ҳар икки мақоланинг услубидан ҳам муҳаррирларнинг миллий тил хусусиятлари таъсири кучлилиги англашилиб турибди. “Таржимон”да турк тили элементлари устун бўлса, “Ойина”да форсий-арабий сўзлар кўп қўлланган. Гаспринский “Таржимон” тилини содда ва очик, деб билади. Бехбудий ҳам, аслида, “Таржимон” мухлиси эканини таъкидлайди, бироқ “ўрта шева” борасида бошқа йўлдан боради. У танлаган “мўътадил шева”<sup>160</sup> туркий ва форсий тилнинг оралиғидаги қоришиқлик эди.<sup>161</sup> Бизнингча, бунинг шахсий ва умумий сабаблари бор. Биринчидан, Туркистонда халқ азалдан шу икки тилда сўзлашиб келган. Демак, Бехбудий туркистонликлар учун мослаб, шу йўлни танлаган. Иккинчи томондан, Бехбудийда форсчага

---

<sup>158</sup>Ҳақиқат ҳар тарафдан зуҳур эдар // Таржимон. 1906. №48. / Тарихнинг номаълум саҳифалари. 4-китоб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2013. – Б. 273.

<sup>159</sup>Тил ва лисон йили //Таржимон. 1906. №142. / Исмоилбек Гаспринский. Ҳаёт ва мамот масаласи. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.116.

<sup>160</sup>Туркистонда мактаб лисони // Таржимон. 1909.№14. / Тарихнинг номаълум саҳифалари. 4-китоб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2013. – Б.275.

<sup>161</sup>Унинг ўзи ёзишича, бу йўлда тажриба сифатида “Мактуботул атфол” номли рисола ёзган.

мойиллик кўпроқ бўлган ва у ҳеч қачон форс тилидан узоқлашиб кетолмасди. Буни унинг ўзи ҳам баъзи ўринларда очик айтиб ўтади.<sup>162</sup>

Бу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тил ва шеванинг турличалигига қараб, иқтибослар ҳам баъзан тўғридан тўғри берилган ёки қисман мослаштирилган. Баъзида эса таржимаси берилган. Хусусан, форс тилидаги мақолалар ўзидек эълон қилинаверган. Арабистон, Миср нашрларидан танланган иқтибосларнинг эса таржимаси берилган

Миқдор жиҳатидан иқтибос олинган манбалар кўпроқ “Таржимон” ва “Вақт” газеталарига тўғри келади. “Таржимон” туркистонлик зиёлиларни матбуотга ҳаваслантирган илк нашрдир. Зиё Саид сўзлари билан айтганда, “Таржимон” газетасининг ўқувчилари кўпайиши билан, жадидларнинг матбуотга ҳаваси кучайди.<sup>163</sup> Ундаги аксарият мақолалар Туркистон жадидларини доим илҳомлантирган. Ўз ўрнида, “Таржимон” ҳам “Ойина”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” каби Туркистон матбуотидан иқтибослар бериб борган. “Таржимон” саҳифаларида “Ойина”дан олиб босилган иқтибосларга “Эътироф” (1913, №255), “Туркистонда сайловлар” (1913, №266), “Бухорода тўйлар” (1913, №278), “Миллий маишат” (1913, №279), “Бухоро хабарлари” (1914, №8), “Бир суннат тўйи” (1914, №28), “Энг керак ва энг қиммат шай надир?” (1914, №28), “Фавқулодда такфир” (1914, №31) кабиларни мисол қилиш мумкин.

Иқтибослар ўзга кишининг фикрлари билан таъсир ўтказиш мақсадида қўл келган. Яъни Туркистон мусулмонларига қардош халқларнинг ибратли ишларидан намуна сифатида кўрсатиш, биродарлари ҳаётидаги муҳим воқеалардан хабардор этиб туриш, уларнинг фикри билан таништириш каби мақсадлар иқтибос қўллашнинг асосий сабабларидан бири бўла олади. Миллий матбуотимиз аҳамиятга эга мавзуларда иқтибослар эълон қилган. Шу билан бир қаторда, бу иқтибосларнинг тадқиқи миллий матбуотимизнинг ташқи нашрларга муносабати ва алоқаларини ўрганиш учун йўл очади.

---

<sup>162</sup>Балдауф Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б.45.

<sup>163</sup>Саид Зиё. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. – Тошкент-Самарқанд: Туркистон давлат нашриёти, 1927. – Б.35.

Матбуот туркистонлик зиёлиларни ташқи дунёга чиқишларида муҳим восита бўлди. Турк, татар, озарбайжон тараққийпарварларининг театр, матбуот, маориф соҳасидаги тажрибалари қўлланила бошлади. Ушбу ишларни ёйишда Исмоил Обидий, Абдурауф Музаффарзода, Аҳмад Заки Валидий, Нўширавон Ёвушев, Шокир Мухторов, Иброҳим Тоҳирӣ, Аҳмаджон Бектемиров, Ҳусайн Макаев, Кабир Бакир, Фотиҳ Бакир каби қардош зиёлилар Туркистонда туриб фаолият олиб бордилар. Ташқи даврий нашрларда Туркистон мавзуси алоҳида ўрин эгаллай борди. Ғарб адабиётидан таржималар амалга оширила бошлади.

## 2.2. Вақтли матбуот ва адабий-эстетик тафаккур ривож

XX аср бошлари, хусусан, 1906 – 1917 йилларда Туркистон ўлкасида нашр қилинган матбуот бадиий адабиёт, бадиий ижод ёрдамида даврнинг кескин ғояларини, миллий мафкуравий қарашларини кўтариб чиқди. Бу эса адабиётда турли хил ғоялар, қарашлар хилма-хиллигини юзага чиқарди ҳамда адабиётнинг мураккаблашувига сабаб бўлди. Худди шу даврга келиб, адабиётда традиционализм ёхуд норматив поэтика босқичи ниҳоясига ета бошлади. Ва ўз ўрнини индивидуал-ижодий бадиий тафаккур босқичи<sup>164</sup>га бўшатиб берди. Маълумки, Шарқ адабиётларида традиционалистик тафаккурнинг емирилиши адабиётдаги маърифатчилик, романтизм ва реализмга хос тенденцияларнинг чатишуви<sup>165</sup> асосида кечган. Ушбу фикрни бевосита жадид адабиётига ҳам татбиқ қилиш мумкин. Вақтли матбуот саҳифаларини ўрганиш давр адабиётининг ғоявий-эстетик йўналишини белгилаш, ижодкорларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик қарашларини таҳлил қилиш билан биргаликда кечади. Вақтли матбуотдаги адабиётга доир рукнларда ҳам биз ижтимоий фикр уйғунлигини кўрамиз. Б.Қосимов таъбири билан айтганда, шахсий ҳар қандай чеклашдан ижтимоий адолатгача бўлган масалалар адабиётнинг кун тартибига қўйилди<sup>166</sup>. Ушбу масалаларни вақтли матбуотда эълон қилинган адабий, ижтимоий-маиший, сиёсий руҳдаги мақоладан тортиб кичик шеърый парчагача сингиб кетганлигини кўриш мумкин.

Матбуотда ҳам шоир, ҳам носир сифатида энг кўп учровчи ижодкорлардан бири Абдулла Авлонийдир. Айниқса, унинг “Садойи Туркистон” таҳририятида “эътибори анча баланд бўлган”<sup>167</sup>. Айнан ўша йилларда ўз шеърларини “Абдулла Авлоний”, “Авлоний” имзоси билан,

---

<sup>164</sup> Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: “Navoiy universiteti”, 2018. – Б. 426-427.

<sup>165</sup> Аверинцев С.С., Андреев М.Л., Гаспаров М.Л., Гринцер П.А., Михайлов А.В. Категории поэтики в смене литературных эпох // Историческая поэтика. Литературные эпохи и типы художественного сознания. Сб. статей. – М.: Наследие, 1994. – С.37-38.

<sup>166</sup> Қосимов Б. Излай-излай топганим. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б.45.

<sup>167</sup> Qosimov B. Milliy uyg'onish. – Toshkent: Ma'naviyat, 2002. – B.246.

фельетонларини эса “Индамас”<sup>168</sup> имзоси билан эълон қилган. Газетанинг илк сонисида эълон қилинган “Фельетон”<sup>169</sup> суҳбат тарзида ифодаланган бўлиб, унда миллат, дин тушунчалари ҳақида сўз бошланиб татар мавзусига боғлаб кетилган. Авлоний мазкур фельетондаги образларига Мулло ва Чапани деб ном берган. Шу ўринда жаҳид адабиётига оид икки хусусият акс этади:

1. Бадиий асарларнинг суҳбат, мунозара, мубоҳаса кўринишида, содда ва тушунарли тарзда ифодаланиши.

2. Қаҳрамонларни ижтимоий келиб чиқишига кўра номлаш: бой, қори, домла, мулло, гадо, лўли, чапани, беданабоз, кўпкоритоз.

Ушбу фельетон “Теётр хусусида мунозара” номи билан давом эттирилган. Кинояга бой “Кайфим учди” фельетонида бир нечта ижтимоий воқеликлар муаллифнинг истехзоли назари билан енгил тасвирларда ифодаланган. Ушбу турдаги киноявий фельетонлар ижодкорга ўз танқидий муносабатини “енг ичида” ифодалаш имконини берган. “Индамас” ҳам фельетон давомида “Садойи Фарғона” идорасига ҳам “тош отиш”ни унутмайди: “...мулло Айн. Айн қорига (Авлонийнинг ўзи назарда тутилган) идора жавоб ёзмақчи бўлган, лекин қалами ўргимчак оғига илинуб қолубдир. Хўқанд уламолари ажратуб олишдан ожиз бўлуб Ўрунбурғдан Ризо қозини (бизнингча, Ризоуддин Фахриддин назарда тутилган) чақирубдурлар. Агар борсаю қози афанди илтифот қилмасалар қаламни ким айируб олур экан, деб мунда бир кайфим учди”. Шу парчадан жуда бир нозик ишорани сезиш мумкин. Авлоний бу ерда “Садойи Фарғона” газетасининг фаолиятига танқидий баҳо бериб ўтган, яъни газета ишини юритишда идоранинг тажрибасизлик қилаётанлигини нишонга олган<sup>170</sup>. “Индамас”нинг бу танқидига “Садойи Фарғона” ҳам “жим турмайди”<sup>171</sup>. Рафикий томонидан ёзилган жавоб мақола услуб жиҳатидан айнан Индамасни такрорлаган. Ушбу

---

<sup>168</sup> Индамас. Маданият тўлқунлари // Садойи Туркистон. 1914.№5,9.; Кайфим учди // Садойи Туркистон. 1914. №26.;Фельетон // Садойи Туркистон.1914. №54

<sup>169</sup> Индамас. Фельетон // Садойи Туркистон. 191. №1.

<sup>170</sup> “Садойи Фарғона”га нисбатан бундай қараш бошқа ўринларда ҳам учрайди: Газетчи. Фарғонада тубжой халқ матбуоти / “Фарғона” газетаси. 1924 5 май.; Идора. Бўхтончиға // Садойи Туркистон. 1915. №63.

<sup>171</sup> Рафикий. “Кайфим учди. “Садойи Туркистон”да Индамас жанобларина!” // Садойи Фарғона..1914.

фельетонда “Миръоти ибрат таржимаси” устида билдирилган танқидий муносабат ҳам киритиб ўтилган. Унда таржиманинг тили оғир ва арабий, форсий, истанбулча бўлгани ёзилади: “Туркистонда ўз тилимиздан ажраб уч хил тилни ўртасида қамалуб қолмайлик деб онда бир “кайфим учти”. Кўриниб турибдики, бу ўринда асар тили ҳақида гап кетади. Фельетон сўнгида Рафикий ўз мақоласини Индамаснинг ҳажвига ўхшатма тарзида ёзганлигини ҳам таъкидлаб ўтади: “Мани ҳажвимдан нусха ўғурлабсан деб яна ҳажв қилмасаларгина жаноб Индамасдан розимиз”. Бу эса ушбу эгизак нашрларнинг бир-бирларини доимий кузатиб боришлари, ҳамкорлик ва очиқ муносабатларининг айрим жиҳатларини очиб беради.

Айтиш керакки, матбуотда эълон қилинган фельетон, танқидий мақола, хикоя, хабарларнинг энг катта улуши таълим мавзусида ёзилганларидир<sup>172</sup>. Бу каби фельетонларда мадрасалардаги таълим 15-20 йиллаб давом этса-да, самарасиз эканлиги сабабларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Муаллиф биргина Хўқанд мадрасаси мисолида Туркистондаги мадраса таълимининг издан чиққанлиги, миллат болалари учун улардан бирор наф йўқ эканлигини кўрсатиб берган. Танқидий руҳдаги яна бир фельетон “Ҳолимиздан бир лавҳа”<sup>173</sup> (сарлавҳа остида ёрдамчи сарлавҳа ҳам бор: “Тарбия, табиий зиёдан бошқа бир зиё, мактаб ва маърифат, зарбулмасал, латифа бойларимизни оқча топушларидан мақсад”)да бутун махлуқотлар, хусусан, ҳайвонлар ҳам тарбияга муҳтожликлари ёзилади. Америка, Япония, Ҳиндистонда турли ҳайвонларни гапиришга, ишлашга ўргатувчи тарбия курслари, уларни ҳимоя қилиш учун ҳимоя жамиятлари ҳам таъсис этилган ҳолда, туркистонликлар ўз болалари учун мактаб, етимлар учун ҳимоя жамияти таъсис этолмаётганлиги кўндаланг қўйилади. Мавжуд усули савтия мактабларининг озчиликни ташкил этиши, борлари ҳам асосан ибтидоия синфлар учунлиги айтиб ўтилади ва “Энди бизлар учун бу кунда ёлғуз мактаб керак эмас, балки мактаблар керак, мактаблар ..... лар лар керак”, деб ниҳояланади.

---

<sup>172</sup> Индамас. Фельетон // Садоий Туркистон. 1914. №54. М.Раҳимий. Омонбой-Эсонбой // Садоий Фарғона. 1914. №39.

<sup>173</sup> Мухаммадҷон. Ҳолимиздан бир лавҳа // Садоий Туркистон. 1915. №59.

Маҳмуд Бедилӣнинг “Мусулмонлар ҳаётидан бир лавҳа”<sup>174</sup> фельетонида миллийликни сақламоқ, миллий маданиятни чуқур билиб, ундан сўнг Оврупо маданиятини ўрганиш лозимлиги таъкидланади. Асарнинг бадиийлиги юқори. Мажозларга бой: маишат денгизи жазираси, тўлқун ва пўртаналар, муаллифнинг чуқур диний тарбия кўрганлигини услубидан сезиш мумкин.

Баъзи фельетонларда икки суҳбатдош ўрнини муаллиф ва унинг ҳаёли, баъзан жонсиз предметлар эгаллайди<sup>175</sup>. Бу каби ҳикоя ҳамда фельетонлар жонлантириш, образ кўчириш асосига қурилган бўлади. Уларда бошқа миллатлар билан туркистонликлар солиштирилади, танқид қилинади, энг қоқоқ миллат сифатида баҳоланади. Танқидий руҳдаги бу чиқишларда адабий жараёндаги ўзгаришлар ҳам четлаб ўтилмаган. Мисол учун, Беруний, Ибн Синолар даврида азиз бўлган “қалам”нинг ҳозирда ҳеч бир қиймати йўқ мухаммас ва мувашшаҳлар ёзаётганлигини шундай ифодалайди: “Самарқандли бир мударриснинг “Мажмуайи адабиёт”инда сенинг устинга меним сиёҳларим билан бир эркак болаға муҳаббат изҳор қилуб ёзилғон мувашшаҳларни ёзғон вақтларида ҳеч қораларимни тугасим (тўққим) келмас эди. Сен ҳам ул вақтда ҳаракатлануб қўйғон эдинг”. Демак, мақола муаллифи “Дуочи” (бу имзо Ҳожи Муинга тегишли бўлиши мумкин) ҳам анъанавий шеърларга қарши ижодкорлар гуруҳига мансуб, деб айтиш мумкин.

“Садойи Туркистон”нинг 32-сонидан бошлаб адабий материаллар бериш кескин камайган, ҳарбий мавзулар ўрин олган. “Садойи Фарғона”да бу ундан ҳам кўпроқ улушни ташкил этади. М.Муҳаммадҷоноунинг “Эски мактаблар турмушиндан”<sup>176</sup>хотира асари, Ан. Рауф Музаффарнинг “Марҳум Исмоилбек ҳазратлари”, Фозил Жонбоеунинг “Исмоилбек Ғаспринский ким эди?” (“Садойи Туркистон”. 1914. №42), “Маданият ва Хитой”, “Ҳаёл ва

---

<sup>174</sup> Маҳмуд Бедилӣ. Мусулмонлар ҳаётидан бир лавҳа // Садойи Туркистон. 1914. №8.

<sup>175</sup> Фозил Жонбоев. Кичик фелятун // Садойи Туркистон. №21.; Дуочи. Қалам йиғлайдир // Садойи Туркистон. 1915. №60

<sup>176</sup> Муҳаммадҷоноун М. Эски мактаблар турмушиндан // Садойи Туркистон .1914. №37,39,41.

орзу”<sup>177</sup> мақолалари ҳам келтирилганки, бу матбуот саҳифаларини ранг-баранг жанрдаги турли асарлар билан бойитишга хизмат қилган.

Туркистондаги бир қанча матбуот нашрларининг оёққа туриб кетишида жонбозлик кўрсатган Мунавварқори Абдурашидхонов маориф, матбуот ишлари билан ҳамоҳанг тарзда бадиий ижод билан ҳам шуғулланган. Эҳтимол бугунги кун нуқтаи назари билан айтганда уни болалар ижодкори деб айтиш ҳам тўғри бўлар. Сабаби, муаллифнинг ижод намуналари асосан ўзи яратган дарсликлар учун ёзилган эди. Бироқ унинг қайси йиллардан бадиий ижод қила бошлагани номаълум. Адибнинг илк ҳикояси “Бизда ҳамият”<sup>178</sup> деб аталади, “Мухаррам”имзоси билан берилган. Ҳикоядаги асосий қаҳрамонлар муаллиф, зиёли ҳамроҳлари ва кўзи ожиз бола. Қаҳрамонлар исми тўлиқ аталмай, балки бош ҳарфларини келтириш билан чекланилган. Қишнинг совуқ кунларида “ҳар қандай ҳамиятсиз бўлса ҳам раҳми”ни келтирадиган етим ва кўзи ожиз юпун бир бола зиёлилардан садақа сўрайди. А. афанди эса болага терс муомала қилади. Ўқиб ишлаб пул топиши, овруполиларда бўлганидек махсус мактабларга бориш кераклиги ҳақида куруқ маслаҳат бергандек бўлади. А ва бошқа ҳамроҳлари қаҳқаҳ отиб куладилар. Шу пайт муаллиф – бош қаҳрамон зиёли ҳамроҳи А.нинг нодонлигини ўзига фош қилади: “Сиз бу сўзларни қайси ерда сўзлаюрсиз? Берлиндами ва ё Лондондами ўзингизни зан этарсиз... ақлингиз қаерда?” ва шу ўринда адибнинг “Миллат”, “Ватан” тушунчаларини зиёли тушунчаси билан боғлиқликда ифодалаган гўзал фикрларига дуч келамиз. Хулоса ўрнида С.Аҳмедов сўзлари билан айтганда, бу ҳикоя шу кунда ҳам кўпгина жиҳатлари билан замонавий асар деса муболаға бўлмайди<sup>179</sup>.

“Садойи Туркистон” ҳамда “Садойи Фарғона” нашрда бўлган йилларда ёш қаламкаш Чўлпоннинг илк ҳикоялари матбуотни яшиндек ёритиб

---

<sup>177</sup> Мулло Абдуллажон. Хаёл ва орзу // Садойи Фарғона. №35-36.

<sup>178</sup> Мухаррам. Бизда ҳамият // Садойи Туркистон. 1915. №58.

<sup>179</sup> Мунавварқори Абдурашидхонов. Мен сендамен.../ наш.тай. Сирожиддин Аҳмад. – Тошкент: Info Capital Group, 2019.

юборди. “Адабиёт надур?”<sup>180</sup> мақоласи эълон қилиниши биланоқ адабиётни айрича хис қилувчи истеъдод етишиб чиқаётганлигини замондошлари пайқаган бўлса ажаб эмас. Ушбу мақолада адабиётнинг ижтимоий ҳодиса эканлигига ишора бор: “...маишат (тирикчилик)нинг кетишига қараб ҳар хил тусда ва рангда етишган.... Ушбу яшадигимиз муҳит доирасинда анинг тўлқуни одамнинг ҳар хил маишатига қараб ўзгарадир”. Адабиётнинг айна замондаги аҳволи, кадри қай даражада эканлигига ҳам ишоралар бериб ўтилган. Чўлпоннинг “Баҳор авваллари”<sup>181</sup> ҳикояси ҳам ўзининг публицистик тасвир кучи, рамзий ишоравийлигига кўра ажралиб туради. Ҳикоя сўнгида келтирилган:

Ичунг чой ўтуринг беҳуда ғийбат сотинг эй халқ,

Келур киш бир вақт қолмас сизга давру давронлар, –  
мисрасида киш қоронғулик, зулмат, жаҳолат, таназзул, рутубатли кунларга ишора сифатида келтирилган, деб айтиш мумкин. Яъни муаллиф халқнинг ҳозирги аҳволида кетиши уни охир-оқибат қоронғуликка олиб боришига ишорадир.

“Қурбони жаҳолат”<sup>182</sup> Чўлпоннинг илк ҳикояси бўлиб, сюжет курилиши шу вақтларда кенг тарқалган эпилог – диалогик нутқ – хотимадан иборат. ҳикоя диалог шаклида. Асосий қаҳрамонлар Эшмурод ва Мўминжон. Эшмурод замонавий илмларга интилувчи, отаси буни тушунмайди, соатнинг ўғриланишида айбланиб, қамамоқчи бўлишганда, ўзини отиб ўлдиради. Чўлпоннинг қаҳрамони ўз ниятларига етолмайди, ўса олмайди, образ кучли бўлолмади. Шу ўринда мулоҳаза: жадид насрида ҳам драма унсурлари қоришиб кетган ўринлар кўп сезилади. Диалог кўринишидаги асар қизиқ ва китобхондан катта куч талаб қилмайди. Шу боис бу даврда наср билан драма бир-бирига яқинлашди. Эпик асарларда диалоглар асосий ўрин тута бошлади. Умуман олганда, адабий турлар хусусиятларининг бир-бирига ўтиб туриши адабиётшуносликда ҳам ўз назарий исботини топган ҳодиса

<sup>180</sup> Чўлпон. Адабиёт надур? // Садоий Туркистон. 1914. №15.

<sup>181</sup> Чўлпон. Баҳор авваллари // Садоий Туркистон. 1914. №64.

<sup>182</sup> Абдулҳамид Сулаймоний. Қурбони жаҳолат // Садоий Туркистон. 1914. №6.

хисобланади: “бадий адабиёт ривожидавомида адабий турлар бир-бирини бойитади, улар орасида синтезлашув жараёнлари кечади”<sup>183</sup>. Чўлпон ўзининг кейинги ҳикояси ҳажман йирик “Дўхтур Муҳаммадиёр”<sup>184</sup>ни хаёлий ҳикоя деб атайд.

Мунозара йўлида ёзилган яна бир ҳикояда “...Москов темирйўлида Туркистонга келдурган бир яҳудий ила бир арманининг Туркистон хусусида шундоғ мунозара қилушганлари” акс эттирилган. Ушбу “Золотой край. Олтин тараф”<sup>185</sup> мунозарасида бошқа миллат вакиллари, хусусан, яҳудийлар томонидан даромад манбаига айлантириб олинганлиги, шу сабаб яҳудийлар Туркистонни “Олтун тараф” деб аташлари изоҳланади. Ўлкада турли фабрикалар очиб, савдо-сотик билан шуғулланиб, катта даромад олиб, иморатлар қуриб роҳатда яшаётган яҳудийлар тўғрисидаги сўзларини эшитиб армани ҳам шундай умидларга тушиб қолади. Унинг “...биз энди Туркистонга жаннат деб исм берамиз” деган фикрига яҳудий энди туркистонликларнинг ҳам кўзи очилиб бошлагани, ҳақини бериб кўймасликлари маъносида фикр билдиради. Армани эса бунга жавобан дейди: “Ҳали туркистонликларнинг кўзлари очилмоғига йироқ замонлар бор. Чунки алар бизлардек болаларини ортуқ ўқутмаслар ва ҳам бизларнинг мактабларимиздек мактаблари йўқ”. Яҳудий ҳам ихтиёр ўзингизда қабилида сўз айтиб, суҳбатга яқун ясайди. Ҳикоя сўнгида муаллифнинг бутун туркистонликларга алам ва нафрат билан айтган нидоси янграйди: “Мана афандилар: Туркистонни ким танийдур?” Шу ўринда Бехбудийнинг “Саёҳат хотиралари”даги айрим мулоҳазалар ҳамда қатор мақолаларида ҳам юқоридаги ҳолат акс этган ўринларни эслаб ўтиш лозим. Бехбудий ўз саёҳат хотираларида Фаластинда яшовчи мусулмон араблар тақдири билан Туркистон мусулмонлари тақдирини қиёслашга катта эътибор қаратади. Ҳар икки халқнинг мустамлака зулми остида яшаши ва икки халқнинг ҳам мустамлака ташиб кетганларидан қолган бойликлари бошқалар томонидан

<sup>183</sup> Куронов Д. Адабиёт назарияси асолари. – Тошкент: “Navoiy universiteti”, 2018. – Б.363.

<sup>184</sup> Абдулҳамид Сулаймоний. Дўхтур Муҳаммадиёр // Садоий Туркистон. 1914. №21,30,34,46,47.

<sup>185</sup> Муҳаммаджон домла Абдуҳолиқ ўғли. Золотой край. Олтун тараф // Садоий Фарғона. №15

талон-тарож қилиниши ҳолларига урғу беради. Бир қатор мақолаларида яҳудий ва арманиларнинг “ҳар ваҳҳ ва ҳар жихатдан бизлардин муқаддам”<sup>186</sup>ликларини очиқ-ойдин ёзади: “6 милйўн туркистонийларға 3 милйўнир борлиги маълум йўқ... Шаҳар ва қарьялардаги катта иморат ва казармаҳоналар ҳама яҳудий ва оврупойиларникидур”<sup>187</sup> Албатта, бу ҳолга тушишларида мусулмонларнинг ўзлари асосий сабабчи эканликларини ачиниш билан тилга олади.

Рамзий образларга асосланган “Замон билан Қари фолчи”<sup>188</sup> драмаси сюжет томонидан Гётенинг “Фауст”ини эсга солади. Ушбу асар жанрини драма деб белгилашимизнинг сабаби унда драмага хос хусусиятларнинг устунлик қилишидир. Асар бошдан-оёқ диалог кўринишида, ҳар бир диалог аввалида ремарка бериб ўтилади. Бутун оламда инсонларга ёрдам кўлини чўзувчи Замон ва инсонларни йўлдан оздирувчи Қари фолчи баҳсга киришади ва охир-оқибат Замоннинг изтироблари Қари фолчини ҳам унга хайрихоҳ қилиб кўяди. Замон образи оппоқ соқолли, юзида қон йўқ, мажолсиз, кийимлари жулдур чол тарзида тасвирланади. Ва унинг бу ҳолати неча йиллар давомида жаҳолат билан олишуви оқибатларига уланади. Фолчи туркистонлик, Замон унинг уйида меҳмон бўлади ва улар узоқ тун суҳбат куришади. Замон “...ичкари Русия мусулмонлари бундан 20-30 йил илгари бузуқ бир эътиқодда ва даҳшатлик бир турмуш” йилларни эслайди ва ўша кезларда чаққон ёш йигит бўлганини хотирлайди. Бир маҳаллар Амрикода яшаб кўрган-кечирганларини сўзлаб беради. Америкада турмуш ўнгғарилганини, ҳадемай бутун дунёга ҳоким бўлиши мумкинлиги, мактаб маорифи ривожланганлигини айтади. Туркистоннинг олий мадрасасида 30-40 йил ўқуб чиққан инсон Америка ибтидоий мактабини тугатган 10 яшар болага ҳам шогирд тушишга ярай олмаслигини айтади. Шундан сўнг татарлар орасида ўтган вақтларини, жадинд-қадим мунозараси гувоҳи бўлганлигию охириги 5-6 йил ичида Туркистонда кўрганлари билан

---

<sup>186</sup> Маҳмудхўжа валад қори Бехбудхўжа хатиб. Таъмини истикбол // Тарақкий. 1906.№7.

<sup>187</sup> Алҳожӣ Маҳмудхўжа валад қори Бехбудхўжа. Хайрул умури авсатухо // Хуршид. 1906.№6.

<sup>188</sup> Бахтиёр Андижоний. Замон билан Қари фолчи // Садоӣ Фарғона. 1914, 16,18, 30,31,32.

солиштиради. Унинг туркистонликлар ҳақида айтганлари ҳақ эканлигига фолбин кампир ҳам кўзида ёш билан иқроор бўлади. Замоннинг қуйидаги сўзлари асарнинг бутун юкини ўзида жамлаб турибди: “...ишончсиз турмишнинг қанотсиз кемасида тўхтовсиз, соатнинг дақиқаларини ҳам кечурмасдан уйқуға ва ҳалокатнинг юрак ёрғич оғзиға қаршу оқмоқдалар.... Туркистон оламида зулмат ичида инқирозға қараб довушсиз тансизгина оқмоқдадурлар, бир-бирларининг қонли кўзёшлариға тамомила ботқонлари ҳолда ўзларидан кучсиз фақирларнинг заиф кўкракларига ўлтуруб охир томчи (қатра) қонлариғача ваҳший тирноқлари билан юрак қонини ичуб оқмоқдадурлар. .... минг лаънатлар бўлсун!”. Замон охир ҳолдан тойиб уйқуға кетгач пьеса ҳам қуйидаги тасвир билан якунланган: “дунё бўшлиғи яна аллақандоғ ҳасратлик довушлар билан тўладур. Яна қаттиғроқ уйқуға кетуб ўз ўзини унутғонида бирдан қулоғиға қабр ичидан келган каби бир довуш эшитиладур. ....шамол билан аралашиб онглашилмағон равишда ( С-с-са-до-о-йи-йи-... Фа-р-рр-ғо-на-ннааа....) деган довуш Замоннинг қулоғиға очик равшан эшитиладур”.

Матбуотда Васлий, Миллий (Нусратилла Қудратилла), Фахриддин Рожий, Авлоний, Тавалло, Иброҳим Даврон, Мискин, Ҳожи Муин Шукрулла, Садриддин Айний, Нигорхоним, Маҳмуд Акрам, Тавалло, Ваҳобий, Кавкабий, Ўший каби шоирлар мунтазам иштирок этиб боришган. Муаллифлар доирасига эътибор берилса, Туркистоннинг турли худудларидаги, шу билан бирга, турк, афғон, эрон, татар шоирларининг ҳам фаол қатнашганликларига гувоҳ бўламиз. Умумий маънода матбуотда эълон қилинган шеърларни ишқий, маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳамда диний<sup>189</sup> руҳдаги шеърлар ташкил этарди. Шеърларнинг аксарияти маърифий мавзуда бўлиб, маснавий шаклида битилган. Маърифий мавзудаги шеърлар ўз ичига жадидларнинг барча бош ғояларини сингдириб кетган. Бу каби шеърларда Оврупо билан Шарқни солиштириш, мусулмонларнинг илм ва маданиятдаги

---

<sup>189</sup> Диний мавзудаги шеърларга мисол сифатида Рамазон оёи, Қадр кечаси, мавлуди шариф тўғрисидаги ҳамда бирор кишининг вафоти муносабати билан ёзилган намуналарни келтириш мумкин.

аввалги мавқеларини эслаб ўтиш ўринлари кўп учрайди. Мана шу “дастак” маърифий шеърларга танқидий руҳ берган. Дунёвий илм-фанга даъват, бепарво, беилм ватандошларини ғафлатдан уйғотишга ҳаракат мотиви бу йўналишдаги шеърларда бир-бирига кўчиб юрган. Маърифий мавзудаги шеърларнинг дебочаси миллатдошларга хитоб билан бошланиб, шеър сўнгида шоирнинг замонадан, замондошларидан қониқмаётганлигига ишора бериб ўтиш билан яқун топади. Маърифий шеърлардан фарқли ўлароқ ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърлар нисбатан эҳтиёткорлик билан ва “пардалаб” ёзилган. Сайлов муносабати ва Оқ пошшога дуо тарзида учровчи шеърларни бир қарашда мавзусини белгилаш осон. Лекин матбуотда шундай шеърлар борки, уларда сарлавҳа бошқа, ички мазмун бошқа. Бу масалага Ражабзода Ниёзийнинг “Шодлик шеър”<sup>190</sup>ини мисол келтириш етарли. Бу шеърда сарлавҳадан кейин “Миллатимга” деб номланган ички номланиш берилган. Шеърнинг мавзусини хас-пўшлаш мақсадида (Рамазони шариф муносабати-ла) деб изоҳ кўрсатилган. Шеър кўтаринки руҳда, ғалабага ишонч кайфиятида, хуррият учун қулай имкон келганига ишора тарзида ёзилган:

Бу кун каби шодлик кунлар бўлур сийрак,  
Бу куннинг қадрини билмак керак.  
Қўлимиздан кишан, занжир олинганда,  
Қўзғолайлук, афандилар, биз тезрак.

Бу каби шеърларнинг ғоявий жиҳатларига, яъни парда ортидаги ҳақиқатга назар ташлаш адабиётга кириб келган давр нафасини янада ўткирроқ тасвирлаб беради.

Жадид адабиёти ҳар қанча ўзига хосликларга эга бўлмасин, у аввало, мумтоз адабиётда мавжуд анъаналардан озуқа олиб ривожланди. Хусусан,

---

<sup>190</sup> Шодлик шеър. Ражабзода Ниёзий // Ойна.1914.№38.

Шарқ мумтоз адабиётида танқидни шеърий йўлда ифодалаш анъанаси ХХ аср бошлари адабиётида ҳам кўп учрайди.<sup>191</sup> Буни матбуотда учрайдиган маърифий шеърларнинг барчасига нисбатан айтиш мумкин. Сабаби, бундай шеърларда таъсир ўтказиш, кўзғатиш катта аҳамиятга эга. Жадид шеъриятида Ватан ва миллат дардини англаш, илм-маърифатга тарғиб этиш асосан 1905 йилдан кейин сезила бошлади. Адабиётни миллат ва халқнинг эҳтиёжларига бўйсундириш ва давр талаблари нуқтаи назаридан кўриб чиқишга уриниш 1905 йилдан кўзга ташланган эди<sup>192</sup>.

Анъанавий шеъриятдаги поэтик образлар (гул, булбул, ёр, ағёр) янги мазмун касб эта бошлади. “Мактаб”, “илм-фан”, “маърифат”, “тараққиёт” тушунчалари асосий ўринга кўтарилди. Бу даврга келиб маҳбубага эмас, аксинча илмга, маърифатга муҳаббат эълон қилинди. Жадид шоирлари ўзларининг муҳаббат ҳақида ёзилган шеърларидан воз кечди. Мисол учун, самарқандлик шоир “Сиддиқий-Ажзий ўзининг худди шундай “хуштабъ”лик ила ёзилган ишқий шеъриятдан воз кечди, уларни куйдириб ташлади”<sup>193</sup>. Проф Б.Қосимов Авлонийнинг 90-йиллардаги ишқий шеърларининг бизгача етиб келмаганлигига ҳам шу ҳолатни сабаб қилиб келтиради. Жадидлар миллатни озодликка олиб чиқувчи ягона йўл, ягона чорани илм-маърифатда кўришди. Аҳамиятлиси, жадид шеъриятида миллат оналарини ғафлатдан уйғотиш, хотин-қизларни илм-маърифатли қилиш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутган.:

Илму дониш яхши зийнатдур хотин-қиз аҳлина,

Кўй қадам илм уйна, тумори маржонни унут<sup>194</sup>

мазмундаги шеърлар яратилди. Ўз миллатдошлари ҳолига ачиниб, иллатларни кўрсатибгина қолмай, уни бошқа халқлар билан таққослаш, миллатдошларини кескин танқид қилиш кучайди. Худди шундай маърифий-танқидий шеърларга мисол қилиб, Миллийнинг “Илтижо”, Васлийнинг

---

<sup>191</sup> Бу ҳақда қаранг: Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. 1979. – Б.19.

<sup>192</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.125.

<sup>193</sup> Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.50.

<sup>194</sup> Юқоридаги асар. – Б.52.

“Танбеҳ ва баён воқеъ”, Ҳожи Муиннинг “Эътироф”, Фахриддин Рожийнинг “Табиб ҳикояти”, Таваллонинг “Оҳ ва ҳасрат”, Иброҳим Давроннинг “Синдилар”, Ажзийнинг “Ватан манзумаси”, Рожийнинг “Носозлигимиз учун” шеърларини айтиш мумкин. Бу шеърларда, асосан, илмсизлик, лоқайдлик, ялқовлик иллатлари танқид қилинган. Шу боис уларда миллатга хитобан ёзилган мисралар кўп учрайди:

Эй мусулмонлар! Уйғонинг эмди,  
Дард учун тармашинг даволарға.  
(Ҳожи Муин)

Келинг исломлар югуринг, ўлунг эмди Худо ҳаққи,  
Нифоқ ила таассубдан қочинг буғзу адоватдан.  
(Убайдуллаҳўжа Сулаймоний)

Шарқдин Мағрибгача биздек жаҳонда хор йўқ,  
Бизга не бўлди билолмам, ё расули Мустафо.  
(Тавалло)

Миллий нашрлар ўз даврида муҳим бўлган фикрларни шеърят орқали ҳам ўртага ташлай олди. Жанр ва мавзу жиҳатидан кўламдор материалларни нашр қилди. Ушбу материаллари мисолида жаҳид шеърятига назар солинадиган бўлса, янги мазмунни ифодалаш учун янги поэтик шаклларни излаш бошлангани, ижтимоий-сиёсий фикр айтиш биринчи поғонага кўтарилгани равшанлашади. Бу даврдаги шеърлар “ўтиш даври” шеърятидир. Уларга кўп назарий талаблар юклашмас, ижтимоий ғоявий жиҳатларни кузатиш керак.

Ўзбекистонда театр санъатининг илк қадамлари XX асрнинг дастлабки ўн беш йилига тўғри келди<sup>195</sup>. Театрнинг кириб келиши, сахна асарлари ва уларга ёзилган тақризлар ҳақиқий маънодаги танқид адабиётини юзага келтирди. Танқиднинг муҳим жанри бўлган тақриз энг кўп қўл урилган йўналиш бўлди. Жаидлар театрни маданиятнинг бир кўриниши деб қабул қилдилар: “Тараққий қилмоқнинг энг биринчи сабаб ва боисларидан бири тиётрлардур деюрлар”<sup>196</sup>. Аста-секин драма жаид адабиётининг етакчи соҳасига айланди. Сахна асарларига ёзилган тақризлар эса адабиётнинг, адабиётшуносликнинг янги имкониятларини очди.

“Садойи Туркистон”нинг илк сониди 1914 йил 27 февраль куни Колизейда ўйналган театрлар даромади ва буромади ҳақида ҳисобот келтирилган. Унга кўра буромад 1034, соф фойда 1401 сўм. Ҳисоботда ҳар бир сарф-харажатлар батафсил келтирилган. “Театр ҳам концерт”<sup>197</sup> (муаллифини ўқиб бўлмади) мақоласида драманинг содда таърифларига дуч келамиз: “тиётр шундоғ бир фандурки бир мамлакатнинг саргузашти бир миллатнинг ва бир оиланинг саргузашти ёинки бир бойнинг ва бир фақирнинг саргузашти ёзилмиш бир ҳикоят, амалиёт ила майдонда кўрсатилур”. Демак, ҳикоя ва амалиёт деганда наср ва драма уйғунлигини тушуниш мумкин. Ушбу мақола давомида мусиқа санъати ҳақида ҳам гап кетган. Унда Туркистонда ҳам катта мусиқани ташкил қилишнинг, йиғинларда, маросимларда, театрларда сахнага чиқиб концерт кўйишни йўлга кўйишнинг кераклиги айтилади ва бунинг учун намуна кўрсатувчи лозимлигини таъкидлайди. Миллий мусиқа ва шеърларни йўлга солиш лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилади. Миллий куй деганда мақомни назарда тутилган, мақомни қайтадан тиклашга чақиради. Шу билан бирга,

---

<sup>195</sup> С.Аҳмедов. Ғози Юнус фелъетонларида давр ҳавоси // Қатағон қурбонлари ва уларнинг адабий-бадиий ҳамда публицистик мероси. (респ. илмий амалий анжумани материаллари). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2015. – Б.28.

<sup>196</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Тиётр надур // Ойина.1914.№29. – Б.550. Замонавий нашри: Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б.175-177.

<sup>197</sup> Театр ҳам концерт // Садойи Туркистон. 1914. №28

машҳур татар артисти Комил Мутъий Тухфатуллин ҳақида ҳам маълумот келтирилган.

Матбуотда учровчи хабар ҳамда шарҳ-тақризларнинг кўпчилиги “Падаркуш” драмаси учун ёзилган эди.<sup>198</sup> “Самарқандда тиётр”<sup>199</sup> номли кичик хабар-тақризи “Падаркуш” драмасининг, шу билан бирга, ўзбек драмасининг илк сахна юзини кўриши хабари ҳамдир. Унда ўзбек ва татар тараққийпарварлари билан биргаликда “Падаркуш” ҳамда “Олдадук ҳам олдандук” асарининг Самарқандда кўйилиши ва Қўқон, Тошкентда сахналаштириш учун тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида хабар келтирилган: “Хўқанд ва Тошкандда ҳам “Падаркуш” фожиасини сахнада кўймоқ учун машқ қилмоқда эмишлар”.<sup>200</sup> Шу йилнинг 12-сонида хабарнинг давоми эълон қилинган. Хабарда драманинг ўйналиши учун Самарқанд губернаторидан рухсат олинганлиги, билетларни кимдан сотиб олиш мумкинлиги тўғрисида қисқача маълумот олиш мумкин. Журналнинг 25 январь 14-сонида “Туркистонда биринчи миллий тиётр” деб номланган шарҳ-тақриз берилган бўлиб, “Падаркуш”нинг қай даражада ўйналганлиги, халқ томонидан қандай кутиб олинганлиги, драманинг ижрочилари, ютуқ ва камчиликлари атрофлича шарҳлаб ўтилган.

Ушбу шарҳ-мақоланинг муаллифи турли манбаларда турлича кўрсатилади. Хусусан, адабиётшунослар Бегали Қосимов, Узоқ Жўрақуловлар “муаллифи номаълум” эканлигини айтиш билан чекланган бўлсалар, беҳбудийшунос Солиҳ Қосимов уни Беҳбудий мақолалари қаторига киритади. “Жадид драмаси” монографиясида мақола муаллифи Ҳожи Муин деган тахминий фикр ўртага ташланади. Шу нарса аниққи, “Падаркуш” га ёзилган ҳар тўрт тақриз битта муаллифга тегишли. Сабаби, “Туркистонда биринчи миллий тиётр” мақоласининг давоми “Самарқандда

---

<sup>198</sup> Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1913.№10. – Б.234.; Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина.1914.№12. – Б.285.; Муаллифи кўрсатилмаган. Туркистонда биринчи миллий тиётр // Ойина.1914.№14. – Б.227-231.; Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1914.№15. – Б.262-263.

<sup>199</sup> Самарқандда тиётр // Ойина. 1913. №10

<sup>200</sup> Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1913.№10. – Б.234.

тиётр” деб номланган ҳолда, 1914 йил 10-12-сонда берилган тақризлар ҳам худди шундай сарлавҳаланган. Тақризларда келтирилган драманинг тили ҳақидаги фикрлар, “Баланд даражалик Самарқанд волийсидан муҳарриримиз рухсат ҳам олди”<sup>201</sup> жумлалари драма муаллифига тегишли бўлолмади (Бехбудий ўзга шахс номидан ёзган бўлиши ҳам эҳтимол). Ва бу нарса тақризчи Бехбудий эмас, деган тўхтамга олиб келади. Мақолалар муаллифини Ҳожи Муин деб белгилаш ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Ушбу “Туркистонда биринчи миллий тиётр” мақоласи ўзида ҳам шарҳ, ҳам талқинни бирлаштирган бўлиб, ўзбек саҳнасининг илк асарига ёзилган биринчи тақриз эканлиги билан аҳамиятлидир.

“Тўй” пьесасига ёзилган “Танқид эмас, танбех”<sup>202</sup> тақризи ҳам нисбатан мукамал тақризларга мисол бўлади. Дастлаб “Тўй” муаллифи Нусратилла Қудратилла қаламига ташаккур айтилиб, мунаққид пьесани ўқиб қувонганлигини, “мазмунини нофеъ”, жамият учун фойдали асар бўлганини таъкидлайди. Шундан сўнг ушбу пьеса ва у орқали бошқа асарларнинг ҳам “ҳар навъ нуқсондан тоза чиқмоғ”и учун бир-икки сўз айтишни лозим топади. Бу эса “Матбуот муҳиби”нинг танқид маданиятидан хабардорлигини билдиради. Муаллиф саҳна маданияти ва танқид таъсиридан сўзлаб, пьесадаги айрим “адабдан хориж” сўз ва ҳаракатларнинг саҳна учун тўғри келмаслиги ва томошабинларнинг “юз қизармоқлариға” сабаб бўлишини ёзиб туриб, пьесадаги шундай сўзларни саҳифаси билан санаб ўтади. Мисол учун, “эшак” (13-саҳифа), “олуфталик” (18-саҳифа), “гадой” (31-саҳифа), “ушаволди” (34-саҳифа), “падар...” (35-саҳифа), “журми бошдан” (44-саҳифа) сўзлари учрайди. Лекин бу сўзлар танқидчи айб юклайдиган даражада “қабих ва уят” деб бўлмади. Шу билан бирга, “Тўй” қаҳрамонларининг касб-кори (кўбкоритоз, кўкноритоз, беданабоз, читфуруш ва ҳ.к.) ва шахсиятига қаралса, улар нутқида бундай сўзларни бериш ҳақиқатга анча яқин ва табиийдир. Тақризчи Миллийни ўз асарини қайта таҳрир қилишга чақиради.

---

<sup>201</sup> Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина.1914.№12. – Б.285.

<sup>202</sup> Матбуот муҳиби. Танқид эмас, танбех. 1915. №3.

Ва йўл-йўлакай “Падаркуш”да ҳам юқоридаги каби эътибор бериш керак бўлган ўринларни кўрсатиб, ҳар икки муаллифдан “афви маржу” тилайди. Ушбу тақриз жавобсиз қолмаган. Лекин Миллий эмас, Ҳожи Муин жавоб ёзган. Бунинг сабабини унинг ўзи шундай изоҳлайди: “Мазкур “Тўй” рисоласининг ярмидан зиёдаси маним шикаста қаламим ила ёзилуб, қолгани ҳам ўзимнинг ислоҳ ва тасҳиҳим ила тартиб қилинганлиги учун бу тўғрудаги адабий масъулият маним устимга тушса керак”.<sup>203</sup> Муиннинг жавобига кўра, асардаги нуқсонларнинг сабаби иккита: биринчиси, турк, татар театр рисолаларидаги шундай сўзларнинг борлигини “тафтиш этмаган”и бўлса, иккинчиси, бу сўзларни у ўз ихтиёри билан “қабихлигини кўрсатмоқ қасдила” ёзганини айтади. Яна Ҳожи Муин пьеса ёзилган вақтдаги ўзининг ноқислиги аста-секин тузалишини умид қилади. Эътибор берилса, мақоланинг бирор жойида Миллий (Нусратилла Қудратилла) номи тилга олинмайди. Нуқсонларнинг эгаси ҳам Ҳожи Муин, кимдир айбдор бўлиш керак бўлса ҳам у, пьесани қайта таҳрир қилувчи ҳам унинг ўзи. Агар Ҳожи Муиннинг сўзларига қарайдиган бўлсак, “Тўй”ни ёзишда Миллийнинг роли умуман бўлмаганлиги тушунилади. Аслида ҳам шундай бўлганми? Ўша давр мунаққидлари асарларида ва матбуотда “Тўй” ҳақида ҳам фикрлар ва эълонлар учрайди. Хусусан, “Туркистон вилоятининг газети” 1914 йил сонларида “Тўй” пьесасининг таҳририятга келиб тушгани ва муаллифи Нусратилла Қудратилла (Миллий) экани айтилади. М.Б.Солиҳов тадқиқотида ҳам ушбу пьеса ҳақида гап кетганда, фақат Миллий номи тилга олинган.<sup>204</sup> Айнан “Ойина”нинг ўзида ҳам “Тўй” деб сарлавҳаланган эълон берилган. Эълонда “Муҳаррир ва ношири Нусратиллоҳ Миллий ибн Қудратиллоҳ, Туркистон маишатидан олиб ёзилган иккинчи рисола” деб таърифланади.<sup>205</sup> Ҳожи Муиннинг жавоб мақоласи Миллий вафотидан сўнг ёзилган ва эҳтимол у “Ойина” муҳаррири сифатида идорага келган пьесани кўздан кечиргандир. Лекин бу нарса унга муаллифлик даъво қилиш ҳуқуқини бермайди.

---

<sup>203</sup> Ҳожи Муин ибн Шукрулло. Танбеҳга ташаккур // Ойина.1915.№7. – Б152.

<sup>204</sup> Miyon Buzruk. O`zbek teatr tarixi uchun materiallar. – Toshkent: O`z SSR Davlat nashriyoti, 1935. – Б.111.

<sup>205</sup> Тўй. (эълон) // Ойина.1914.№54. – Б.30.

Дастлабки пьесаларда бой образи бу консерватив фикрловчи ҳамда жоҳил киши образида берилган бўлса (мисол учун “Падаркуш”), кейинчалик бой ёки умуман бой савдогар образи жадиждларнинг асосий ёрдам берувчи образи даражасига кўтарилди. Яъни образлар табиатидаги фарқ ўзгара бошлади. Мисол учун, Ҳожи Муиннинг “Эски мактаб – янги мактаб” драмасидаги зиёли бой образи “Падаркуш”даги бойдан кескин фарқ қилади. Энди жадиждлар жамият ривожиди тараққийпарвар бойларнинг ўрни катта эканлигига, уларнинг илм-маърифат ҳомийси бўлишларига урғу бера бошлади. Бу образлар жадиждларнинг ғояларини акс эттиришда, таъкидлаб кўрсатишда таянч вазифани бажарди. Ҳалим Сайид ҳам ўз тадқиқотида айнан маҳаллий бойларнинг идеал образи илк бор айнан мана шу “Эски мактаб – янги мактаб” драмасида яратилганлигини ва бу муаллифнинг катта ижодий ютуғи эканлигини таъкидлаб ўтган<sup>206</sup>. Образлар ўсиб, янгиланиб бориши Айний ва Ҳамза ижодида ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу икки ижодкор ўзларининг ижобий қаҳрамонларини оддий халқ орасидан танлаб олди. Айнийда зиёли оталар, Ҳамзада илғор маърифатли оналар образи етакчилик қилди, шу образларни илгари суришди<sup>207</sup>. Бу эса жаид ижодкорларида образлар хусусийлиги ҳоллари ҳам учраши, ҳар бир ижодкорнинг ёки айрим ижодкорларнинг ўзига хос ташриф қоғози бўлган образлар яратганликларига далил бўлади.

Матбуотда эълон қилинган ҳар бир мақола, шеър, бадиий парча, хабар ёки иқтибосда адабий-эстетик тафаккур тадрижи учун омил бўлган белгиларни кўрамиз. Аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий манзараси, янги ғоялар, янгиланишлар аввало матбуотда бўй кўрсатар эди. Матбуот Туркистонни ташқи олам билан боғлашда ҳам кўприк вазифасини ўтаб берди. Жаид адабиётининг барча вакиллари айнан матбуот воситасида ўз қаламларни чархлаб бордилар. Миллий озодлик, хурриятга интилиш йўлида матбуот энг асосий вазифани бажарди.

---

<sup>206</sup> Ҳалим Сайид. Бехбудийнинг сафдоши // Ўзбекситон адабиёти ва санъати. 2003 22-23-сон.

<sup>207</sup> Қаранг: Брагинский И.С. Из истории персидской и таджикской литературы. – Москва: Наука, 1972. – С.452.

Диссертациянинг иккинчи боби юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Туркистон матбуот воситасида қардош, тилдош, диндош турк оламига чиқди. Матбуот билан бир қаторда адабий алоқа ва таъсирлар ҳам шаклланиб борди.

2. Жаҳидларнинг мана шундай адабий-маданий алоқалари, асосан, икки хил йўлда ривож топган. Биринчиси, юқорида айтиб ўтганимиздек, кўплаб маданият, санъат, таълим ходимларининг, ижодкорларнинг бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлганликлари, саёҳатлар давомидаги танишувлар, Туркистон ўлкасида муқим ёки узоқ вақт яшаб, ҳамкорликда ижод қилиш йўли бўлган. Иккинчиси, матбуот саҳифалари орқали танишув, танитув, таъсирланув йўлидир. Ва нисбатан бу иккинчи йўл кўпроқ таъсирга эга бўлган.

3. Туркистон матбуоти нашрларида учровчи иқтибослар ўзбек, турк, татар, озарбайжон, эрон, араб уйғониш ҳаракати вакилларининг бир-бирлари билан матбуот орқали ҳар доим муносабатда бўлганлигига яна бир далили бўла олади.

4. Матбуот туркистонлик зиёлиларни ташқи дунёга чиқишларида муҳим восита бўлди. Турк, татар, озарбайжон тараққийпарварларининг театр, матбуот, маориф соҳасидаги тажрибалари қўлланила бошлади. Ушбу ишларни ёйишда Исмоил Обидий, Абдурауф Музаффарзода, Аҳмад Заки Валидий, Нўширавон Явушев, Шокир Мухторов, Иброҳим Тоҳирий, Аҳмаджон Бектемиров, Ҳусайн Макаев, Кабир Бакир, Фотиҳ Бакир каби қардош зиёлилар Туркистонда туриб фаолият олиб бордилар. Ташқи даврий нашрларда Туркистон мавзуси алоҳида ўрин эгаллай бошлади. Ғарб адабиётидан таржималар амалга оширила бошлади.

5. Вақтли матбуот саҳифаларини ўрганиш давр адабиётининг ғоявий-эстетик йўналишини белгилаш, ижодкорларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик қарашларини таҳлил қилиш билан биргаликда кечади.

## III БОБ. ВАҚТЛИ МАТБУОТ ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН

### 3.1. Вақтли матбуот адабий материалларининг жанр хусусиятлари

Жадид адабиётига доир асарлар жанрини белгилаш мураккаб иш. Сабаби, бу даврда “ҳар бир бадиий асар – ўз ҳолича алоҳида жанр” (Шлегел) тамойили амал қила бошлади, адабиёт жанрий улубий жиҳатдан тубдан янгиланди<sup>208</sup>. Бугунги адабиётшунослигимиздаги жуда кўп жанрларнинг эмбрион шакли айнан жадид адабиётида шаклланди. Отажон Ҳошимнинг сўзлари билан айтганда, 1905 – 1917 йиллар “жадид адабиётининг ёшлиғи, кучсизлиги даври”<sup>209</sup> эди. Шакл ва мазмун номутаносиблиги юз бераётганди. шунинг учун ҳам бу даврда кучли адабиёт юзага келмади. Балки, кучли ижодкорларнинг бори ҳам “янги шакл, янги тил ахтариш билангина машғул эдилар”<sup>210</sup>. Проф. Ҳ.Болтабоев вақтли матбуотдаги назарий мақолаларга нисбатан “илк назарий сабоқ берувчи “танитув” мақолалар”<sup>211</sup> сифатида баҳолайди. Бизнингча, ушбу мақолалар асосан хусусий характерга эга бўлиб, “танитув”дан кўра кўпроқ манзилли танқид кўринишида бўлган. Уларни шарҳли танқид дейиш ҳам мумкин. Уларда аниқ бир шахс ёки асарга қаратилган танқидий фикрлар акс эттирилганлиги бизнинг юқоридаги тўхтамга келишимиз учун асос бўлди.

Жадид адабиётининг илк босқичига доир адабий жанрларни қуйидаги кўринишда тасниф этиш мумкин:

**1. Адабий танқид жанрлари. Такриз.** Асарнинг ҳақиқий баҳосини берувчи ва “танқидий баҳонинг ҳаракатдаги жонли ўлчови” ҳисобланувчи такризни “танқиднинг тиконли гули” деб ҳам эътироф этишади. XX аср драматургиясида такризлар ана шундай, танқиднинг асосини ташкил қилувчи фаол жанрга айланди. Бу даврда, асосан, такризнинг шарҳ-такриз ва хабар-

---

<sup>208</sup> Қуроноф Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: “Navoiy universiteti”, 2018. – Б. 426-427.

<sup>209</sup> Ҳошим, Отажон. Жадид адабиёти тўғрисида. // “Қизил қалам”, 1929 / XX аср ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан, 2012. – Б.17.

<sup>210</sup> Ҳошимов, Отажон. Юқоридаги манба.... – Б.17.

<sup>211</sup> Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. фил. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1996. – Б.30.

тақриз турларини учратиш мумкин. Ўзбек адабий танқидчилигида дастлабки тақризни Фуркатга нисбат берилади.<sup>212</sup> 1890 йилда ёзилган бу шарҳ-тақризда рус шоирларидан бирининг (муаллифи айтилмаган) ўзбек тилига ўгирилган эркин таржимадаги шеърига муносабат билдириб ўтилади. Матбуотда эълон қилинган илк ўзбекча тақриزلарга “Туркистон вилоятининг газети”да нашр қилинган “Янги алифбо дарслиги ҳақида”<sup>213</sup> мақоласини мисол қилиш мумкин.<sup>214</sup> Матбуотда, учровчи хабар ҳамда шарҳ-тақриزلар, асосан, “Падаркуш” драмаси учун ёзилган эди.<sup>215</sup> “Ойина” журналининг 1913 йил 10-сонида “Самарқандда тиётр” номли кичик хабар-тақриз берилган. У “Падаркуш” драмасининг, шу билан бирга, ўзбек драмасининг илк сахна юзини кўриши хабари ҳамдир.

**Адабий-танқидий мақола**<sup>216</sup>. Бадиий адабиётдаги барча жанрларда бўлганидек адабий танқид жанрларида, жумладан, адабий-танқидий мақолада ҳам образлилик, композиция муҳим рол ўйнайди<sup>217</sup>. Матбуотнинг биринчи босқичида бу каби мақолалар учрамайди. 1912-17 йиллардаги нашрларда эса баҳс-мунозара кўринишида йўлланган танқидий мақолаларни адабий-танқидий мақолаларнинг дастлабки мисоли сифатида кўрсатиш мумкин.

**Мактуб ва реклама-танқид**<sup>218</sup>. XX аср боши матбуот саҳифаларида “Идорага”, “... дан мактуб”, “Очиқ хат”, “Идорага мактуб” деб номланган рукнлар кўп учрайди. Бундай мактублар кенг мавзуларни қамраб олиши ҳамда идора-муштариий муносабатларини четдан баҳолашга қўл келиши

---

<sup>212</sup> Бу ҳақда қаранг: А.Абдуғафуров. Фуркатнинг насрий мероси // Ўзбек адабиёти масалалари.1976. – Б.64.; Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.14-15.; Б. Валихўжаев, Ш.Холматов. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Самарқанд, 1983. – Б.44.; Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.67.

<sup>213</sup> Янги алифбо дарслиги ҳақида // Туркистон вилоятининг газети. 1903. 13 сентябрь

<sup>214</sup> Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент,1993. – Б.85.

<sup>215</sup> Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1913.№10. – Б.234.; Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина.1914.№12. – Б.285.; Муаллифи кўрсатилмаган. Туркистонда биринчи миллий тиётр // Ойина.1914.№14. –Б.227-231.; Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1914.№15. – Б.262-263.

<sup>216</sup> Ҳожи Муин. Муҳтарам шуаромизга // Ойина. 1913.№9;

<sup>217</sup> Назаров Б. ва б. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи. – Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 2012. – Б.391.

<sup>218</sup> Қаранг: Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1993. – Б. 81-85.

билан аҳамиятлидир. Ушбу мактубларда бирор асар юзасидан фикр билдириб, пьеса таассуротларини баён қилиб ёхуд муаллифларга мурожаат тарзида ёзилган мактублар <sup>219</sup> ҳам учрайдики, уларни адабий-танқидий мактуб жанри <sup>220</sup> га оид деб олишимиз мумкин. Адабий мавзудаги мактублардан бири “Мушмирзога очик мактуб”дир. Унда муаллиф дастлаб Мушмирзо қаламига ташаккур айтади, сўнг “Мушмирзо” ва “Пишаксўфи” тахаллусларига тўхталиб, улардаги “мирзо” ва “сўфи” иборатлари “бир неча кишиларга гирон тегиб” кетгани сабабли, уларга “тағйир бериб, лутфан яна латифагўйликда давом этсангизлар” деб майл билдирилади. Мақолада яна бир эътибор қаратиш лозим бўлган ўрин бор. Мактуб эгасининг хабар беришича, Мушмирзо номига Хўқанд ва бухоролик маслақдошлари, мухлисларидан идорага мактублар йўлланган. Бундан келиб чиқадики, Мушмирзо Хўқанд ёки Бухородан эмас, Самарқанд адабий доирасидан, деб тахмин қилиш мумкин. Идора бу мактубларни эълон қилиши учун Мушмирзога ўз лақабини ўзгартириши шарт қилиб қўйилади. Ва “Ойина”ни кузатадиган бўлсак, Мушмирзо тахаллуси шу мақоладан сўнг қайтиб давом этмайди. 1914 йил 35-сонидан “Гумном” бўлиб қатнаша бошлайди. Ушбу мактуб муаллифсиз бўлиб, “Ойина” номидан берилган.<sup>221</sup>

Матбуот муҳаррирлари янги асар ёзилганда ёки бирор пьеса сахнада қўйилишидан олдин улар ҳақида кичик эълонлар бериб боришган. Бундай эълонлардан ўқувчи асар ҳақида дастлабки маълумотларга эга бўлган ва муҳаррирнинг қисқа муносабати билан ҳам танишиш мумкин бўлган. Бу реклама-танқидлардир. Улар орқали “янги адбиётлар билан танишибгина қолмай, балки уларга берилган илк баҳодан, илк танқидий назардан”<sup>222</sup> хабардор бўлинган. Асосан “Янги китоблар” рукнида “Туркистон

---

<sup>219</sup>Тўлаган Хўжамёруф. Туркистонли қардошлария очик хат. 1913.№6. – Б.137-138.; Мушмирзо. Хўқанддан мактуб. 1913.№7. – Б.165.; Идораи Ойина. Муҳтарам ўқувчи ва ёзувчиларимизга очик мактуб. 1913. №8. – Б.187-188.; Идорага мактуб. 1914. №14. – Б.231.; Қуён. Андижондан мактуб. 1914. №17. – Б.306.; Хат юборгучиларга.1914.№24. – Б.380.; Идорадан.1915.№16. – Б.442.

<sup>220</sup> Бу жанр ҳақида қаранг: Аҳмедова Ш.Н. Ўзбек адабий танқидининг жанрлар таркиби. Филол. фан. докт. дисс... – Тошкент, 2010.

<sup>221</sup> Идора. Мушмирзога очик мактуб. 1914.№12. – Б.280.

<sup>222</sup>Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фан. номз. дисс... –Тошкент, 1993. – Б. 83.

вилоятининг газети”, “Улуғ Туркистон, “Садойи Туркистон”да реклама-танқидларни учратиш мумкин.

“Ойина”да нашр қилинган “Тўй” реклама-танқиди<sup>223</sup> идора томонидан ёзилган бўлиб, “Тўй” рисоласи муаллифи, рисола қиймати, манзили, қисқача мазмуни ёритилган. Шунингдек, идорага келган янги асарлар, усули жаҳид мактаблари учун ёзилган дарсликлар, сахна асарлари ҳақида худди шундай эълонлар бериб борилган.

**2. Адабий жанрлар. Саёҳат.** Саёҳат жанри генезиси хусусида шу кунгача олиб борилган кўплаб тадқиқотларда у ўз ичига кўплаб жанрларни камраб олувчи жанр сифатида қаралади<sup>224</sup>. “Саёҳат шундай жанрки, унинг асосида саёҳатчининг қандайдир, энг аввало, ўқувчи учун номаълум ёхуд кам маълум юртлар, жойлар, халқлар ҳақидаги *қайдлар, ёзишмалар, кундаликлар, очерклар, мемуарлар* кўринишидаги ишонарли маълумоти ётади. Маълумот беришдан ташқари саёҳат *эстетик, сиёсий, публицистик, фалсафий, маърифий* ва бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин”<sup>225</sup> Турли мамлакатларга қилинган саёҳатлар жаҳидларнинг фикрий уйғонишида, таққослаш ва мавжуд вазиятни холис баҳолашда муҳим ўрин тутганлиги сир эмас. Бу айниқса тараққий этган миллатларнинг ривожланиш сирларини ўрганиш, таҳлил этиш ва ўз юртларида татбиқ этиш учун қўл келган. Баъзан эса улар хаёлан саёҳат қилиш мақсадида “утопик ва дистопик манзилларга функционал адабий саёҳат”<sup>226</sup>ни танлаганлар.

Жаҳид матбуотида учровчи саёҳат парчалари, йўл эсдаликлари, сафар, йўл кундалиги каби тушунчалар умумий тарзда саёҳатнома сифатида қаралган. Н.Явушевнинг “Саёҳат парчалари”<sup>227</sup> Туркистон ҳамда Шарқий Туркистон бўйлаб қилинган сафар таассуротларидан иборат. Наманган-

---

<sup>223</sup>Тўй. (эълон) // Ойина.1914.№54. – Б.30.

<sup>224</sup> Бекчанова Д. Саёҳат адабиётига доир. // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари II. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2013. – Б.99.

<sup>225</sup> Литературный энциклопедический словарь. – Москва, 1987. – С.314.

<sup>226</sup> Балдауф И. Замон ва маконга саёҳатлар: жаҳидчилик утопияси ҳақида ўйлар / “Сўнги жаҳид” кассаси. – Тошкент: “Турон-иқбол”, 2012. – Б. 113.

<sup>227</sup> Нўширавон Явушев. Саёҳат парчалари // Садойи Туркистон. №4,7,10,14,15,16,17,20,21,22,23, 26,27,31,35,36,38,51,56.

Тошкент – Хўжанд – Чимкент – Авлиё ота – Тўқмоқ – Иссиқкўл – Ғулжа ушбу саёҳатнинг манзиллари эди. Ушбу саёҳат билан бир пайтда “Йўлчи” (Мунавварқори Абдурашидхонов)нинг “Йўл хотиралари”<sup>228</sup> ҳам эълон қилинган. Муаллиф “Муҳим бир иш хусусинда қисқагина муддатга Фарғона тарафига сафар қилмоғи лозим”лигини баён қилади. Бу муҳим иш эса Ўш ва Андижон тараққийпарварлари билан учрашиб, мактаб ва маориф масаласида машварат қилиш, янги очилган мактабларни кўздан кечириш, янги усулдаги мактабларни кўпайтириш учун шарт-шароит билан танишиб келиш бўлган. Ушбу йўл хотиралари ҳам бадиияти, ҳам қимматли маълумотларга бойлиги билан аҳамиятга эга.

**Ҳажв.** Ҳажвиялар 20-йиллар матбуотида “Ҳангома”, “Кичик фельетон”, “Фельетон”, “Кулгу” рукнлари остида чоп этилган<sup>229</sup>. Аксарият газета ва журналлар дастури (маромнома)га эътибор бериладиган бўлса, рукнлар рўйхатида ҳажвни ҳам учратишимиз мумкин. Матбуотда учровчи ҳажвлар ҳам одатда фельетон рукнида берилган ва улар газета(журнал)нинг ўзига хос танқид “нафаси” ни берган. Ҳажв ёзувчи муаллифларнинг имзоси ҳам кесатик, киноя, сатирага йўғрилиб турган. Мисол учун, “Намақоб” (Назир Тўрақулов), “Чаён” (Муҳаммадшариф Сўфизода), “Шапоқ махзум”(Ғози Юнус), “Индамас”(А.Авлоний) “Мушмирзо”<sup>230</sup>, “Пишак сўфи”, “Гумном”<sup>231</sup>, “Сомеъ”<sup>232</sup>, “Хушёқмас”<sup>233</sup>, “Мулло Хокиро”<sup>234</sup>, “Гўрбе”<sup>235</sup> каби

---

<sup>228</sup> Йўлчи. Йўл хотиралари // Садоий Туркистон. 1914. №3,5,7. Замонавий нашри: Мунавварқори Абдурашидхонов. Мен сендамен... (Нашр. тай. Сирождин Аҳмедов). – Тошкент: “Info capital group”, 2019. –Б.97-107.

<sup>229</sup> С.Аҳмедов. Ғози Юнус фельетонларида давр ҳавоси // Қатағон қурбонлари ва уларнинг адабий-бадиий ҳамда публицистик мероси. (респ. илмий амалий анжумани материаллари). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2015. – Б.25.

<sup>230</sup> Мушмирзо. Сухбат //Самарқанд.1913.№33.; “Отингни сот, тўнунгни сот, дўктур бўл!”. 1913. №5.; Мубоҳаса.1913. №7.

<sup>231</sup> Гумном. Орзу ёки хаёл. 1914. №34.; Қизиқ ўзгаришлар.1914.№37.; Жавонбозликни ким манъ этар? 1914.№38.;

Хушёқмас. Хушим келмайдур. 1913. №11. Мулло Хокиро. Ши ва суний.1913.№10.; Ислоҳи расм лозим аст.1914. №18.; Ибрат.1914. №23.; Сухбат.1915.№15.; Гўрбе. Жавоб ба Муш. 1914.№11.

<sup>232</sup> Сомеъ. Мунозараи қадимий ба жадиий.1914.№34.; Мусоҳиба ёки мубоҳаса.1914.№35.;

<sup>233</sup> Хушёқмас. Хушим келмайдур. 1913. №11.

<sup>234</sup> Мулло Хокиро. Ши ва суний.1913.№10.; Ислоҳи расм лозим аст.1914. №18.; Ибрат. 1914. №23.; Сухбат. 1915. №15.;

<sup>235</sup> Гўрбе. Жаво б ба Муш. 1914. №11.

янги номларга дуч келамиз. Тахаллуслар бир қарашдаёқ ўзининг ҳажвий “либос”ини кўрсатиб турибди.

“Мушмирзо” (Сичқонмирзо) “Ойна” журналида нашр қилинган ҳажвий асарларда энг кўп қўлланган адабий тахаллуслардан бири. Унинг “Гумном”, “Сомеъ”<sup>236</sup> тахаллуслари билан узвийлиги “Мусоҳиба ёки мубоҳаса” суҳбатида кўринади.<sup>237</sup> Мубоҳасанинг муаллифи Сомеъ. Гумном ва Хокиро суҳбатга киришувчи шахслар. Унда “Гумном” тилидан айтилган шундай гап бор: “Нима қилай, жўра! Ўзумга Мушмирзо ном қўйдим, мирзолар эътироз қилдиларки, бизларни масхара қиласан деб. Агар Мулло Муш от қўяй десам, ўйлайманки, муллолар “Уламони истихфиф этдинг” деб, албатта, мани такфир этарлар. ...ҳатто жонимдан азиз иймонимга тўқунарлар”.<sup>238</sup> Ҳақиқатда, “Мушмирзо” исмининг танқид қилинганлиги “Мушмирзога очик мактуб”<sup>239</sup> мақоласида ҳам учрайди.

“Хушёқмас” имзоли муаллифнинг “Хушим келмайдур” мақоласи<sup>240</sup> шариятга ва инсонийликка мос келмайдиган ишларни танқид қилиб ёзилган. Муаллиф услуби ўзига хос. У ёзмоқчи бўлаётганларини гўёки ёзишни хоҳламаётгандай (“Истайманки, ёзайин..... лекин хушим келмайдур”) қилиб кўрсатади. Бироқ уларни шу “эҳтиёткорлиги” билан “енг ичида” англашиб кетади: “Истайманки, ёзайин: бойларимиздан бири талабамиз учун 5 сўм иона тилаганда бермай, ҳар байрамда рус хонимларини зиёфат қилуб, 100 сўм-100 сўм харж қиладур-да, ўзини энг муқаддас ва мутадаийин одам ҳисоб қиладур, оҳ, хушим келмайдур”<sup>241</sup>. 1914 йилнинг 34-сонида “Гумном” тахаллуси билан ёзилган “Орзу ёки хаёл” мақоласида “Хушим келмайдур” услубини сезиш мумкин. Дастлабки мақолада “истайманки, ёзайин...” тарзида ўз мулоҳазаларини беради: “Истайманки, ёзайин: бу яқин вақтларда

---

<sup>236</sup> Қаранг: Гумном. Орзу ёки хаёл. 1914. №34.; Гумном. Қизиқ ўзгаришлар. 1914. №37.; Гумном. Жавонбозликни ким манъ этар? 1914. №38.; Сомеъ. Мунозараи қадимий ба жадидий. 1914. №34.; Сомеъ. Мусоҳиба ёки мубоҳаса. 1914. №35.

<sup>237</sup> Сомеъ. Мусоҳиба ёки мубоҳаса. // Ойна. 1914. №35. – Б.845-846.

<sup>238</sup> Англашилганидек, Мушмирзо ва Гумном бир шахсга тегишли. Муаллиф “Сомеъ” ҳам услубидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Мушмирзо ва Гумном билан бир қаторда туради.

<sup>239</sup> Мушмирзога очик мактуб. // Ойна. 1914. №12. – Б.280.

<sup>240</sup> Хушёқмас. Хушим келмайдур. // Ойна. 1913. №11.

<sup>241</sup> Хушёқмас. Хушим келмайдур. // Ойна. 1913. №11. – Б.262-263.

катта кишиларимиздан бири катта тўй қилиб, неча шаҳарлардан давлатмандларни тўйиға даъват айлаб, аларға неча минг сўмлар сарф қилганда, фақир одамларни ва бенаво талабаларни ёдиға ҳам солмади. Лекин хушим келмайдур...”.

“Орзу ёки хаёл”да ўқиймиз: “Агар маним нуфуз ва иқтидорим бўлса эди, барча мактаб ва мадрасаларни мувофиқ замони ислоҳ этиб, таълими ибтидоийни мажбурий қилиб, ўғлини ўқутмагон кишиларға жазо берур эдим ва мунинг ила 25 йил ичида бутун Туркистонни маориф ва маданият нури ила зиёландурар эдим. Лекин оҳ! Чи кораки.....”.<sup>242</sup> Мақола худди шу услубда давом эттирилади. Бундан Хушёқмас ва Гумном услубидаги ўхшашликни сезиш мумкин.

**Ҳикоянинг** XX аср бошларидаги мавжуд таърифларига қарасак, “бир воқеа, бир-икки киши, ҳаётнинг биргина ҳодисаси бутун ингичкалиги билан очиладир. Бир кимсанинг ҳолларини, бир воқеани тасвир этиб, “ривоя” йўсунали ёзилган асарларга ҳикоя дейиладир”<sup>243</sup> каби ёндашувни кўрамиз. Вақтли матбуотда эълон қилинган дастлабки ҳикоялар диалог шаклида бўлиб, драматизм устунлик қилган. Умуман олганда, драма ҳамда наср хусусиятларининг уйғунлашуви бу давр учун хос белги бўлган албатта.

**Мубоҳаса.** “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Хуррият”да бир-бирига ўхшаш мубоҳасалар кўп берилган<sup>244</sup>. Мазкур асарлар нисбатан ҳикоя жанрига яқин турса-да, фикрий нуқтаи назардан олинганда булар мубоҳасалар ҳисобланади. Чунки уларда баҳс кетади, икки ғоя ўртасида тортишув бор. Фитратнинг “Мунозара” асари ушбу йўналишдаги асарларнинг бошланиши ҳисобланади. Бундан ташқари, татар, турк, озарбайжон, рус адабиётида шу каби мавзуда ёзилган асарлар бор. Унда ҳам ижтимоий масалалар ҳақида баҳс кетади. Давлат қурилиш системасидаги ёки таълим масаласидаги нуқсонлар тўғрисида мавжуд ҳукмрон авлод вакиллари

---

<sup>242</sup> Гумном. Орзу ёки хаёл // Ойина. 1914. №34.

<sup>243</sup> Фитрат. Адабиёт қондалари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.97.

<sup>244</sup> “Али ила Вали”, “Эшмат билан Тошмат”, “Замон билан қари фолчи” “Омонбой ва Эсонбой”...

билан янги кириб келаётган таракқийпарвар кучларнинг ўртасидаги баҳс, тортишув бор.

Мушмирзонинг “Отингни сот, тўнунгни сот, дўктур бўл!” мубоҳасаси хажман кичик. Унда илмни ёйиш, маърифатга суяниш ғояси бош мақсад қилиб олинади. Асосий қаҳрамонлар Мушмирзо ҳамда хизматкор образи. Эпизодик образ сифатида бемор (бухоролик жаноб) ни кўрсатиш мумкин. Сухбатда етилиб турган вазиятдан муаммо сифатида фойдаланилади; асосий муаммо илмсизликка қарши курашиш, ёрдамчи муаммо беморнинг аҳволи эди. Асардаги барча деталлар унсурлари тўлиғича асосий муаммони очишга йўналтирилган. Бунда жадид адабиёти намуналарига хос бўлган усул қўлланган, яъни муаммо ҳал қилинмаган, балки уни ечиш йўли кўрсатилган.

“Мубоҳаса” да Мушмирзо ва Пишак сўфи мулоқотга киришади. Пишак сўфи бадий тўқима бўлиб, у сичқон образига қарама-қарши тарзда танланган. Аввалги мубоҳасадан фарқли ўлароқ, унда кундалик ҳаётда учрайдиган мураккаб вазият ҳақида сухбат бўлиб ўтади. “Мубоҳаса”га “Самарқанд” газетасида эълон қилинган “Сухбат”<sup>245</sup> мантиқий боғланиб кетган. Шева соф самарқандча ифода билан берилган. Унда мулло Хокиро эпизоди ҳам учрайди. Бироқ унинг Мушмирзо шахси билан боғлиқ нуқталари таҳлил қилинмаган. Шу ўринда мулло Хокиронинг “Ойина” журналида нашр қилинган бир мубоҳасаси ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Бу “Сухбат”нинг<sup>246</sup> асосий қатнашчилари Хокиро ва намакфуруш иштирок этишган. Сухбат асносида Хокиро ўзи гувоҳи бўлган бир ҳолатни сухбатдошига сўзлаб беради. Унга кўра бир неча мусулмон йигит-қизлар русларга тақлидан кийинишиб, ўзларига Иван Петрович, Феодр Кирпич каби русча ном қўйиб олганликлари, лекин ўзлари на мусулмоний хатни, на русийни ўқий олмас даражада бесавод эканликларини кўриб, бу ҳолни “илмсиз ёшларнинг маймун бўлгани” деб киноя қилади. Ва уларни “жонлик сурат ёинки нақшин маймун” дея атайди. Бу каби мубоҳасаларда оддий

---

<sup>245</sup> Мушмирзо. Сухбат // Самарқанд. 1913. №33.

<sup>246</sup> Мулло Хокиро. Сухбат // Ойина. 1915. №15. – Б. 425-427.

кўринган маиший мавзулар воситасида маҳаллий халқ дунёқараши, уларнинг онг ва турмуш даражаси бир қадар пичинг ва истиора йўли билан очиб берилган, деб айтиш мумкин.

**Латифалар.** Матбуотда учровчи турли мавзудаги, кичик ҳажмли латифалар ҳажв, киноя, истехзога йўғрилган. Уларда ҳозиржавоблик<sup>247</sup>, сўзамоллик<sup>248</sup>, нодонликни қоралаш<sup>249</sup> ҳолатлари устуворлик қилади: “Қарзхоҳ қарздор эшигини тақ-тақ қилар. Қарздор панжара (дераза)дан бошини чиқариб, ани кўриб писинур. Хидматкори чиқиб дерки: хўжайин уйда йўқ! Ташқари кетди. Қарзхоҳ дер: кўб яхши. Келса дегинки: яна ташқари чиқса, бошини панжара олдиға унутиб кетмасунки, кўрганлар уйда гумон қилурлар”.<sup>250</sup>

Латифалар орасида “Ота ила ўғул” латифаси ўзининг сатирик руҳи, кинояга бойлиги, кўтарилган мавзунинг долзарблиги билан аҳамиятга эга. Унда авом орасида авж олиб кетган саводсизлик қораланади. Ўзининг бесаводлиги туфайли ўғлига жабр бериш давомида ўзи ҳам изза бўлган отанинг типик қиёфасида бутун миллат оталарини кулги остига олиб, аёвсиз “савалайди”. Албатта, бундан бошқа латифаларнинг ҳам ҳаммасини ўз юки, англабмоқчи бўлган ғояси мавжуд. Журналдаги мазкур латифа ва ҳажвий асарлар муштарийларда енгил кайфият уйғотиши баробарида, уларни атрофдаги ўзлари билиши ва эътибор бериши керак бўлган иллатлардан қочишга чақирган, деб айтиш мумкин.

*Лирик турга мансуб асарларнинг жанрига кўра таснифи қуйидагича:*

**1. Ғазал.** Матбуотда миқдор жиҳатидан ғазал жанри энг кўп учрайди. Лекин уларнинг барчасини ҳам ғазал талабларига жавоб беради, деб бўлмайдди. Бунинг бош сабаби вазн билан боғлиқдир. Миллий адабиётнинг биринчи босқичида (1905-1917) шеъриятда аруз вазни етакчилик қилган бўлса-да, бу даврда аруз вазнида бузилишлар рўй бераётган эди. Бу

---

<sup>247</sup> Шоир ила вазир. 1915. №11. – Б.295.

<sup>248</sup> Зийрак бола. 1915. №10. – Б.264.

<sup>249</sup> Ота ила ўғил. 1915. №13. – Б.354-355.

<sup>250</sup> Қарзхоҳ ила қарздор. 1915. №9. – Б.232.

Ўзгаришлар мисрадаги ҳижола сифати (чўзиқ-қисқалиги) ва миқдорининг бузилишида кўринади. Бу эса бир ғазални битта баҳр билан номлаш имконини бермайди. Мисол учун, матбуотда эълон қилинган ғазаллардан айримларини кўриб ўтиш мумкин:

Ўлуб ақвол/и уммат мун/салиб сидқу /садоқатдан,  
Жаҳолат зул/мати босди/ бизи ушбу /разолатдан.<sup>251</sup>

Ушбу ғазал бошланишидан ҳазажи мусаммани солим баҳрига мос тушган. Тўртинчи байтга келиб, аруз вазнидан чиқиш ҳолати юз берган:

Бу *Шарқ аҳ*/лини кирдо/ри эрур ғафлат/ла сархушлик,  
Хужум айлаб эзаверди бу сархушлик сафолатдан.

Биринчи мисрадаги “*шарқ*” сўзи ўта чўзиқ ҳижо бўлиб, бундай ҳижо, одатда, мисра сўнгида қўлланилади. Мисрадаги биринчи рукннинг биргина чўзиқ ҳижога камлиги вазни “издан чиқарган”.

Ҳижола сифати ва миқдорининг бузилишига сабаб бўлувчи яна бир ҳодиса ижтимоий, маърифий шеърларга байналмилал сўзларнинг кириб кела бошлаганидир. *Ғазта, гимнозиё, айрофлут, контрул, тилғиром* каби сўзлар ҳар доим бир хил шаклда ёзилмаган. Талаффузга мослаб бир неча хил вариантларда ёзиб кетилган. Бундан вазнга шикаст етган:

Берса *устул* ўтур, қимирлама деб,  
Ётамиз чалқа, ўлтуролмаймиз.  
*Контуроллар* келиб белат сўраса,  
Биз йўқотган белат тополмаймиз.<sup>252</sup>

---

<sup>251</sup> Таассуф. Мулла Убайдуллаҳўжа Сулаймоний // Ойина. 1914. №18.

<sup>252</sup> Тошканда “Хива” синоматуғрафинда. Тавалло // Ойина. 1914. №16

Ношири *газта*, Бек Исмоил афандиким эрур,  
Чўқ расо фикру фасих ҳам забондон “Таржумон”.<sup>253</sup>

Кўрилганидек, шеър ёзишда вазн талабларига ҳар доим ҳам тўлиқ амал қилинавермаган. Хусусан, матбуотдаги ғазаллар мисолида айтиш керакки, жаҳид шеъриятида дастлаб арузнинг қўлланиш доираси торайиб борди, вазн “ҳавоси ўзгарди” ва ундан аста-секин чекиниди.

**2. Рубоий.** Газета ва журналларда Бедил, Умар Хайём ва Алишер Навоий қаламига мансуб фалсафий, ахлоқий, маърифий мазмундаги форсий рубоийлар нашр этилган.<sup>254</sup>

**3. Мусаддас.** Нусратилла Қудратилла қаламига мансуб “Илтижо”<sup>255</sup> мусаддасида қофияланиш тартибида мусаддас талабларига амал қилинган: биринчи банд ўзаро, кейинги бандларнинг охирги икки мисраси биринчи банднинг охирги икки мисрасига ҳамоҳангдир: аааааа, ббббаа, вввваа:

Фарёдким, мадор эди оламға зотимиз,  
Шаръи набийға чўқ эди бизнинг саботимиз,  
Таълим олурди халқи жаҳон илмиётимиз,  
Асру замон ўқурди бизнинг чўқ сифотимиз,  
Ё Раб, ҳаёта вер, ҳора гетди ҳаётимиз,  
Лутф айлабон ўзунг веражаксан нажотимиз.

Миллий (Нусратилла Қудратилла)нинг айна шу мусаддаси тўғрисида матбуотда танқидий мақола<sup>256</sup> эълон қилинган. Матбуот саҳифаларида “Мусаддас”<sup>257</sup>, “Марсия”<sup>258</sup>, “Туркистон аҳлиға хитоб”<sup>259</sup>, “Ўқинглар оналар”<sup>260</sup> каби мусаддаслар берилган.

---

<sup>253</sup> Мўътабар “Таржумон” ва Исмоилбек Ғаспринский жаноблари ҳақида. Камий // Ойина. 1914. №17.

<sup>254</sup> Умар Хайём. То чанд кунам арза-и нодони хиш // Ойина. 1913.№6. – Б.150.; Умар Хайём. Некий ва бадий ки дар ниҳоди башар аст. Ойина. 1913.№7. – Б.166.;

<sup>255</sup> Нусратилла Қудратилла. Илтижо // Ойина. 1913.№1.

<sup>256</sup> Нун Ё. Шеър ёзувчилар диққатина // Ойина. 1913.№3.

<sup>257</sup> Мулла Иброҳим ибн Сайид Камол “Журъат” Мусаддас// Ойина.1914.№12. – Б. 293-294.

**4. Мухаммас.** Вақтли нашрларда мумтоз шоирлар ва аксар замондош ижодкорлар ғазалларига боғланган тахмис ва тазминларга мисол қилиб Таваллонинг А.Тўқаюф шеърига боғлаган тазмин<sup>261</sup> ҳамда Юсуф Сарёмий ғазалига боғланган тахмиси<sup>262</sup> (14 банд), самарқандлик Қори Нажмиддин ғазалига ургутлик Мир Сарвар тахмиси<sup>263</sup> (тожик тилида), “Мухаммас шеър”<sup>264</sup>(18 банд), Фузулийнинг “Керакмасми санга”<sup>265</sup> (7 банд) мухаммаси, Фузулийнинг шеърига боғланган Аббосий қаламига мансуб<sup>266</sup> мухаммасларни келтириш мумкин. Қуйида “Эътироф” (Ҳожи Муин) шеърига Камий боғлаган мухаммасдан парча келтирилган. Ушбу мухаммас 6 банддан иборат. “Эътироф” шеъри 12 байтдан иборат бўлиб, Камий унинг 1-,5-,6-,10-,11-,12-байтларинигина олган:

Дер “Камий”, жонлар, уйғонинг эмди,

Йиғлабон, қонлар, уйғонинг эмди,

Чекуб афғонлар, уйғонинг эмди,

*Эй мусулмонла, уйғонинг эмди,*

*Дард учун тармашинг даволарга.*

**7. Марсия.** Мирзо Сирож ва Исмоил Гаспринский вафоти муносабати билан ёзилган марсиялар матбуотда кўп учрайди. Уларда марсия ёзиш анъанасига кўра мархумнинг миллат олдидаги хизматлари, яхши фазилатлари эсланган, муаллиф ўзи ва миллатдошларининг қайғу-надоматларини баён этган. Улар ғазал, мураббаъ жанрида, баъзилари маснавий шаклида ёзилган.

---

<sup>258</sup> Ҳ.Ҳ.Ниёзий. Марсия // Садоий Фарғона. 1914. №67.

<sup>259</sup> Мирмуҳсин Мирҳидоятф. Туркистон аҳлига хитоб // Садоий Фарғона. 1914.№28.

<sup>260</sup> М.Сўфизода. Ўқинглар оналар // Садоий Туркистон. 1914.№10.

<sup>261</sup> Тўлаган Хўжамёруф. Мархум Абдулла афанди Тўқаюфнинг шеърина тазмин // Садоий Туркистон.1914.№4.

<sup>262</sup> Тавалло. Мухаммаси Тавалло бар ғазали Мавлавий Юсуф Сарёмий // Садоий Туркистон. 1914 №9.

<sup>263</sup> Мир Сарвар. Иштиёқи илм // Садоий Фарғона. 1914. №13

<sup>264</sup> Собитжон. Мухаммас шеър // Садоий Фарғона. 1914. №73

<sup>265</sup> Фузулий. Керакмасми санга // Садоий Туркистон. 1914.№19.

<sup>266</sup> Аббосий. Фузулий шеърина мухаммас// Ойина.1914.№22. – Б.329.

**Маърифий** мавзудаги шеърлар ўз ичига жадидларнинг барча бош ғояларини сингдириб кетган. Бу каби шеърларда Оврупо билан Шарқни солиштириш, мусулмонларнинг илм ва маданиятдаги аввалги мавқеларини эслаб ўтиш ўринлари кўп учрайди. Мана шу “дастак” маърифий шеърларга танқидий руҳ берган. Дунёвий илм-фанга даъват, бепарво, беилм ватандошларини ғафлатдан уйғотишга ҳаракат мотиви бу йўналишдаги шеърларда бир-бирига кўчиб юрган. Маърифий мавзудаги шеърларнинг дебочаси миллатдошларга хитоб билан бошланиб, шеър сўнгида шоирнинг замонадан, замондошларидан қониқмаётганлигига ишора бериб ўтиш билан якун топади.

**Ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърлар.** Бундай шеърлар нисбатан эҳтиёткорлик билан ва “пардалаб” ёзилган. Сайлов муносабати ва Оқ пошшога дуо тарзида учровчи шеърларни бир қарашда мавзусини белгилаш осон. Лекин журналда шундай шеърлар борки, уларда сарлавҳа бошқа, ички мазмун бошқа. Бу масалага Ражабзода Ниёзийнинг “Шодлик шеър”<sup>267</sup> ини мисол келтириш етарли. Бу шеърда сарлавҳадан кейин “Миллатимга” деб номланган ички номланиш берилган. Шеърнинг мавзусини хас-пўшлаш мақсадида (Рамазони шариф муносабатила) деб изоҳ кўрсатилган. Шеър кўтаринки руҳда, ғалабага ишонч кайфиятида, ҳуррият учун қулай имкон келганига ишора тарзида ёзилган:

Бу кун каби шодлик кунлар бўлур сийрак,  
Бу куннинг қадрини билмак керак.  
Қўлимиздан кишан, занжир олинганда,  
Қўзғолайлук, афандилар, биз тезрак.

---

<sup>267</sup> Шодлик шеър. Ражабзода Ниёзий // Ойина.1914.№38.

Журналда нашр этилган юқоридаги каби шеърларнинг ғоявий жиҳатларига, яъни парда ортидаги ҳақиқатга назар ташлаш адабиётга кириб келган давр нафасини янада ўткирроқ тасвирлаб беради.

**Диний** мавзудаги шеърларга мисол сифатида Рамазон ойи, Қадр кечаси, мавлуди шариф тўғрисидаги ҳамда бирор кишининг вафоти муносабати билан ёзилган намуналарни келтириш мумкин.

Жадид адабиёти ҳар қанча ўзига хосликларга эга бўлмасин, у аввало, мумтоз адабиётда мавжуд анъаналардан озуқа олиб ривожланди. Хусусан, Шарқ мумтоз адабиётида танқидни шеърый йўлда ифодалаш анъанаси ХХ аср бошлари адабиётида ҳам кўп учрайди.<sup>268</sup> Буни “Ойна” журналида учрайдиган маърифий шеърларнинг барчасига нисбатан айтиш мумкин. Сабаби, бундай шеърларда таъсир ўтказиш, кўзғатиш катта аҳамиятга эга. Шоир миллатдошлари ҳолига ачиниб, иллатларни кўрсатибгина қолмай, уни бошқа халқлар билан таққослайди, миллатдошларини кескин танқид қилади. Журналда келтирилган худди шундай маърифий-танқидий шеърларга мисол қилиб, Миллийнинг “Илтижо” (1913, №1), Васлийнинг “Танбеҳ ва баён воқеъ” (1913, №1), Ҳожи Муиннинг “Эътироф” (1913, №3), Фахриддин Рожийнинг “Табиб ҳикояти” (1913, №3), Таваллонинг “Оҳ ва ҳасрат”, Иброҳим Давроннинг “Синдилар”, Ажзийнинг “Ватан манзумаси”, Рожийнинг “Носозлигимиз учун” шеърларини айтиш мумкин. Бу шеърларда, асосан, илмсизлик, лоқайдлик, ялқовлик иллатлари танқид қилинган. Шу боис уларда миллатга хитобан ёзилган мисралар кўп учрайди:

Эй мусулмонлар! Уйғонинг эмди,  
Дард учун тармашинг даволарға.  
(Ҳожи Муин)

Келинг исломлар югуринг, ўлунг эмди Худо ҳаққи,

---

<sup>268</sup> Бу ҳақда қаранг: Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Т., 1979. – Б.19.

Нифоқ ила таассубдан қочинг буғзу адоватдан.

(Убайдуллахўжа Сулаймоний)

Шарқдин Мағрибгача биздек жаҳонда хор йўқ,

Бизга не бўлди билолмам, ё расули Мустафо.

(Тавалло)

Матбуотда маҳаллий шоирлар ва турк, татар шоирлари ижодидан намуналар бериш билан бир қаторда, жаҳон адабиёти мисолида Гётенинг “Фауст” асаридан, Ҳодий девонидан, Умар Хайёмнинг рубоийларидан, Бедилнинг ижодидан, “Шайбонийнома”дан парчалар нашр қилинган.

XX аср бошларига келиб эски туркона вазн бармоққа қайтиш бошланган бўлса ҳам, биз тадқиқ этаётган 1906 – 1917 йилларда мумтоз назмнинг кўплаб жанрлари ҳали истеъмолда эди. Умуман олганда, бу даврда адабиётнинг барча тур ва жанрларида тажриба, янгича шакл, янгича услуб қидириш жараёни кечаётган эди. Насрий асарларда диалогик нутқдан фойдаланиш, шеърятда фикрни пардалаб акс эттириш хусусиятлари кучайди. Матбуотда танқидий фикрлаш асосий ўринга чиқди. Мактуб, реклама-танқид каби адабий танқид жанрлари идора-муштарий муносабатларини баҳолашда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ижодкорлар ўз асарларида турли таҳаллус ва имзолардан кенг фойдаланишди. Адабиётда жанрлар сафи кенгайди ҳамда тажриба босқичини ўтади.

### 3.2. Вақтли матбуот тилининг бадиий асар поэтикасига таъсири

Тарихий ҳужжатлар шундан далолат берадики, ўзбек адабиётининг бирор босқичи миллий уйғониш даври адабиётчилик сиёсий-ижтимоий жараёнларга яқин келмаган, бирлашиб кетмаган. Адабиётнинг ижтимоий шароитдан келиб чиқиб иш тутиши, ўз йўналишини белгилаши айти шу давр адабиёти мисолида яққол кўзга ташланади. Фикр юритмоқчи бўлганимиз XX аср бошлари вақтли матбуотидаги адабий жараён учун 1906 – 1917 йилларни чегара қилиб белгилаб олдик. Бу йиллар оралиғи бир томонидан жаҳид адабиётининг биринчи босқичи сифатида қараладиган бўлса, бошқа тарафдан сиёсий жараёнлар билан ҳам белгиланади. Янги адабиётни бошланиш нуқтасини кўпчилик мутахассислар XX асрнинг 10-йилларидан бошланади деб эътироф этишади<sup>269</sup>. Том маънода айтиш керакки XX аср адабиёти янги ўзбек адабиётининг бошланиши эди. Адабиётдаги янгиланишлар, ғоявий курашлар, баҳс-мунозаралар бу давр адабиётига хос бош хусусият бўлди. Адабиётнинг мақсади ва унга қўйилаётган талабларнинг кескинлашуви адабий тилга бўлган ёндашувни ҳам ўзгартириб юборди. Бунда, биринчи навбатда, кўп асрлардан бери шаклланиб келган жозибали тилни халқ ҳаётига яқинлаштириш кўзда тутилди. Бу ғоя тарғиботида матбуот асосий восита бўлиб хизмат қилди. Тил бирлигига бағишланган мақолаларда миллий тилни софлигича сақлаш, барчага тушунарли тилда ижод қилиш, ёт сўзларни олиб ташлаш каби масалалар акс этган. Шундай мақолалардан бири Беҳбудийнинг “Жуғрофияйи умумий” китобининг нашри муносабати билан ёзилган бўлиб, унда муаллиф Мулла Олим Беҳбудийнинг гўзал тилда ёзишини таъкидлаган ҳолда, кўп ибораларининг форсий ва арабий эканлиги, “мактабда ўқийдургон шогирдларнинг устодлари ҳам кам тушуниши” боис Беҳбудийни ва шу орқали барча асар ёзувчиларни “чиғатой-турк иборати илан” ёзишга чақиради. Шу билан бирга, барчага тушунарли тилда ёзишга қарши бўлганлар ҳам кўп эди. Халқ тушунадиган осон услубда ёзадиган

---

<sup>269</sup> Н.Каримов ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б.3.

газеталарни танқид қилиб, бундай газеталардаги услубнинг зиёлиларга мос эмас деб қарашган. Туркистон аҳолисининг аҳволини очик кўролган жадидлар эса мазкур фикрларнинг давр талабларига мос келмаслигини, халқни бусиз маърифатли қилиб бўлмаслигини таъкидлашга уринишган. Бунинг далили сифатида Мирмуҳсин Шермуҳаммедов (1895-1929)нинг кўйидаги фикрларини келтириш мумкин: “Газит ўқиғувчилар ҳаммаси бирдек мулло эмасдур. Масалан, бир одам газит ўқуса, эшитғувчи(нинг) кўби бир умр мактаб юзин кўрмаган авом бўлур... Бир навъ одамлар бордурким, газит ўқуғони ила баъзи луғатталаб жойлариға асло тушунолмасдин ирғитуб ташларлар. Шундай эса арабча, форсча ёзуб газит ўқиғувчиларнинг ва авом эшитғувчиларнинг газитни мунофеъ сўзидин бебахра қилмоқ яхши эмасдур”. Бу каби жараёнлар биргина Туркистон миқёсида эмас, балки бутун туркий халқлар ҳаётида юз бераётганди. Мақсади ва ўйлари муштарак бўлган маърифатпарварларнинг бир-бирига таъсири кучли бўлган. Жадидлар ўз ғояларини кенгроқ ёйиш мақсадида тил бирлиги ёки умумадабий тилни шакллантириш масаласига жиддий эътибор беришган. Гаспринскийга кўра, тил бирлиги – бу барча туркий халқлар учун тушунилиши осон бўлган “ўрта тил”ни танлаш эди. Кўп таркибли туркийлар учун ягона адабий тилни жорий қилиш жуда қийин масала эди. Шу боис кўпчилик бунинг амалга ошмайдиган ғоя сифатида қабул қилган. Умумадабий тилни шакллантириш ғояси миллий тил софлиги учун курашга айланиб кетди. Айтиш керакки, Гаспринскийнинг “тавҳиди лисон” ғояси таъсирида туркистонлик кўплаб жадидлар миллий тил муҳофазаси, тил софлиги масаласига урғу бера бошлашди. Ва мантиқан ўйлаб қараганда, бу Гаспринский ғоясига тескари бир иш бўлди. Умумадабий тилга чақириқнинг ўзи бу масалада тарқоқликни келтириб чиқарди. Деярли ҳар бир ижодкор ўз “тил”ида ижод қила бошлади. Гаспринский фикрларига тўғри ёндашадиган бўлсак, у ҳеч бир туркийни миллий тилидан айирмоқчи бўлмаган. Фақатгина матбуотда, мактаб-маориф ишларида, адабиётда умумий бўлган бир тилни яратмоқчи эди. Яъни бу ерда умумтуркий тил назарда тутилган. Шу йўл билан миллатдошларининг озодликка эришишини

мақсад қилганди. Гаспринскийнинг бу йўлдаги илк тажрибаси – “Таржимон” ўз номи билан барча туркий халқлар учун таржимон вазифасини ўтади. Муҳаррирнинг 1906 йил 18 декабрда ёзган бир мақоласида шундай сўзлар бор: “Таржимон” умумий бир миллий газетадир. Унинг тили умумий бир миллий тилдир”. Гаспринскийдан бошланган бу ғоянинг Туркистондаги тарафдори ҳам ёйувчиси Бехбудий бўлди. Устози муаззамнинг бу таклифини қўллаб-қувватлаш мақсадида “ўрта тил”, “ўрта шева” хусусида матбуотда чиқишлар қилди<sup>270</sup>. Самарқандда ўзи нашр эттирган “Самарқанд” газетаси ҳамда “Ойина” журнали тилига “туркий ва форсий ўрта шевада” деб тавсиф берган. Зиё Саид бу ҳолатни Гаспринский йўли деб баҳолайди<sup>271</sup>. Бирок “Таржимон”да ҳам, “Ойина”да ҳам муҳаррирларнинг миллий тил хусусиятлари таъсири кучлилиги сезилиб туради. Албатта жадидлар тил бирлиги ғоясини бошланғич мактабларда татбиқ қилишга ўқувчиларнинг ўз она тилида савод чиқаришлари лозимлигига жиддий эътибор беришган. Бехбудий эса умумадабий тил ёки миллий тил софлиги тарғиботини миллат оналарини ўқутишдан, аввало, хотин-қизларга она тилини танитишдан бошлаш лозимлигини таъкидлайди.

Абдурауф Музаффарзода ҳам тил, имло масалаларига бағишланган мақолалари билан матбуотда фаол бўлган<sup>272</sup>. Хусусан, адабий тилнинг бугунгидек ночор ҳолга келиб қолиш сабабларини изоҳлаш мақсадида унинг XX аср бошларига қадар бўлган ўтмишига назар солади: “Бу кунгача миллат болалари ҳақиқий усуллар ила таълим ва тарбия кўрмадулар. Шунинг учун уларга тўғри бўлгон ўқу ва ёзув қоидалари ўргатилмади. Имло, иншо ва она тили дарслари ўқутилмади. Бас, миллат саводсиз, имлосиз, тилсиз бўлуб асрларча шул ҳолда қолди. ...мактаблар яна она тили асосига қурилмаган, мадрасалар форсий, арабий китоблар ила тўлгон эди. ...она тили илмий ишларда истемол қилинмади. ...она тилимиз ҳам йилдан йил заифланди.

---

<sup>270</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Туркистонда мактаб лисони // Таржимон. 1906. № ; Икки эмас тўрт тил лозим // Ойина. 1913. №1; Тил масаласи // Ойина.1914№11-12.; Сарт сўзи мажхулдур // Ойина. 1914 №22.23.24.25.; Сарт сўзи маълум бўлмади // Ойина.1915. №39.

<sup>271</sup> Саид, Зиё. Танланган асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б.44.

<sup>272</sup> Айн. Музаффарзода. Тил ва имло масаласи.// Садоий Туркистон. №63.

ўқуғонларимиз тил бузулмоғига хизмат этдилар”. Муаллифнинг фикрига кўра, арабий ва форсий сўзларни кўп қўллашни фазилат санаш ҳоллари ҳозир ҳам давом этаётганлиги салбий ҳолдир. Албатта, Музаффарзоданинг соф туркий тилни сақлаб қолиш тарафдори бўлганлигини пайқаш қийин эмас. У миллий тилимизнинг оддий халқ ичида сақланиб қолган соф туркийча улушига умид боғлайди. Ва ҳозирда фақатгина тилнинг ўша парчасидан фойдаланилаётганлигини ёзади. Муаллиф назарда тутаётган ўша “парча” эса шева сўзлари бўлиб, у адабий тил сифатида шаклланмаган қисмидир. Айнан шу кучга таянган ҳолда, XX аср бошларига келиб, миллат болалари ўз она тилларида ижод қилишга жиддий бел боғлаганликларини ва шу билан бирга, ҳали-ҳануз тилни бузиб ишлатувчилар борлигини таъкидлаб ўтади. Уламо қатламининг ўз нутқида арабий, форсий сўзларни қўлламаслиги жаҳолат саналурлик ҳолга келиб қолганлигини истехзо қилиб, айрим сўзларни мисол келтиради. Мисол учун кийим ўрнида либос, тилни лисон, отни фарс, кўноқни меҳмон тарзида ишлатишларини оқламайди. Муаллиф тил масаласида жуда эҳтиёт бўлиб иш кўришга чақиради. Музаффарзода тил софлиги масаласида жуда кескин позицияда турган, дейиш мумкин. Бошқа тиллардан сўз қабул қилмаслик, туркийчада муқобили топиладиган ёт сўзларни қувиб чиқариш лозимлигини таъкидлайди. Ўз ўрнида, тилимизда ўрнашиб қолган ҳамма сўзларни ҳам чиқариб юборишнинг иложи йўқлигини тўғри англайди ва бундай сўзларга қуйидагиларни мисол қилиб келтиради: вақт, ибрат, айб, дуо, одат, адаб, роҳат, қаноат. Соф туркийча эквиваленти билан алмаштириш мумкин бўлган сўзларга эса қуйидагиларни мисол қилади: муҳаррир=ёзувчи, матбаа=босмаҳона, мадҳ=мақтамак, ҳамроҳ=йўлдош, жамият=йиғин, ҳақиқат=тўғрилиқ, мажлис=ўтуриш, муҳораба=уруш. Илмий тилни ҳам туркийлаштириш масаласини қўяди ва илмий истилоҳларни ҳам шундай муқобиллари билан алмаштириш таклифини беради, мисоллар келтиради: айна ўзи=худди ўзи, хоҳ бўлсун хоҳ бўлмасун=керак бўлсун, керак бўлмасун, манфаати шахсия=ўз фойдаси. Албатта Музаффарзоданинг ўзи ҳам мақоласида кўплаб арабий, форсий сўз

ва иборалардан фойдаланган ва бунинг изоҳи сифатида ўзининг ҳам тилсиз татар боласи эканлигини келтиради. Туркий тилнинг ҳозирги аҳволида инсон ўз кўнгил кечмишларини, ўйлаган фикрини етказиб беришда бошқа тилларга муурожаат қилишга мажбур бўлишларини тан олади.

Музаффарзоданинг ушбу мақолада билдирилган фикрларига Бехбудийнинг “Тил масаласи” мақоласида жавоб бўлувчи фикрлар акс этган. Бехбудий масалага анча кенгроқ ёндашади. Унинг фикрича, форсий ва арабий сўзларни тилимиздан чиқариб юборишни “енгил орзу, аммо ижроси мумкин эмас орзулардан” бўлиб, кўплаб тарихий жойлар ва шахс номларини туркчаси билан ўзгартириб унга луғатлар тузиб чиқиш мушкуллик туғдиришини айтади. Бехбудий бу ишнинг қонуни табиатга муҳолифлигини, бегона тилдан сўз олмоқдан қутулган тил йўқлигини ўз фикрлари билан исботлаб беради. Бехбудий тил софлиги масаласидаги фикрларида ҳам ўзининг диний қарашлари негизида ёндашади. Арабий, форсий сўзлардан фойдаланиш диндошлари билан яқин алоқада бўлиш, бир-бирларини яхшироқ тушуниш учун йўл очишига ишоралар беради: “Ҳолбуки, “қўноқ” деганда бир турк фахмлайдур. “Меҳмон” деганда турк фахмлагани устида, яна бир форсий мусулмон қариндошимиз-да англайдир”<sup>273</sup>. Бехбудий тилнинг тарихидан кўра бугунига кўпроқ эътибор қаратишни лозим топади. Ушбу мақоласи замирида биртиллиликни ёқловчиларга қарши кайфиятда турганлиги сезилади. Тил софлигига эришишнинг имконсиз иш эканлигини таъкидлаб ўтади: “Хулоса фикримиз шуки ялғуз туркча сўйламак ва ёзмок абадан мумкин йўқ. бақадри имкон арабий ва форсийни кам ёзайлик”<sup>274</sup>. “Садойи Туркистон”да эълон қилинган “Тилимизга қониданинг лузуми борми?”<sup>275</sup> сарлавҳали мақоласида ўша давр матбуоти тили хусусида аниқ маълумотлар олиш мумкин бўлган ўринлар бор. Мақола муаллифи Муҳаррам Намангоний “Ойина”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Ал-ислоҳ”

---

<sup>273</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Тил масаласи // Ойина. 1915. №12.

<sup>274</sup> Бехбудий бу каби фикрларини аввалроқ “Таржимон”га юборган “Туркистонда мактаб лисони” мақоласида ҳам айтиб ўтган эди.

<sup>275</sup> Муҳаррам Намангоний. Тилимизга қониданинг лузуми борми? // Садойи Туркистон. 1914. №64.

тили ҳақида тўхталиб ўтади. Унга кўра, “Садойи Туркистон” бутун Туркистондаги халқ тушунарлик бир қоидада ёзишини, “Ойна”ни тили эса “бироз бошқароғ” деб мавҳумроқ фикр келтиради. Албатта, “Ойна”нинг ўзида келтирилган “туркий ва форсий ўрта шевада” ибораларидан юқоридаги “бироз бошқароқ”ни тушуниб олишимиз мумкин. Муҳаррам “Садойи Фарғона”нинг тили, услуби ҳақида тўхталишни ҳам истамайди. Яъни унинг услубини услуб ҳисобламайди. “Ал-ислоҳ”нинг эса “етмиш икки турли лисондан мураккиб калималардан таркиб этил”ганини таъкидлайди. Ушбу мақолада биз адабий тилга доир бошқа қимматли фикрларни ҳам учратамиз. Муаллиф ўша даврда мавжуд катта бир муаммога эътиборни қаратади. Мактаб дарсликларини турли муаллифлар турли шеваларда ёзаётгани болаларни адабий тилдан узоқлаштириб юбораётган омил сифатида кўрсатилган: “Миллий мактабларнинг бирида самарқандлик муҳаррир томонидан ёзилган дарслик, бошқасида тошкентлик муҳаррир ёзган дарслик ўқитилар”. Намангоний бу дарслик ва китобларнинг умумий бир адабий тилда ёзилиши лозимлигини таъкидлайди. Ва адабиёт, матбуотнинг ривожини ҳам умумадабий тил билан боғлайди. Айти шу мақолада Нусратиллоҳнинг “Тўй” пьесаси тили ҳақида гап кетади: “Ушбу фожианинг тили Самарқанддан бошқа ердагилар тушуна олмас даражада бўлганидан сахнага кўюла олмади”<sup>276</sup>. Муаллиф бу фикрни айнан нимага асосланиб бергани бизга қоронғу, фақат шу нарса аниқки, “Тўй” 1914 йил Заки Боязидский режиссёрлигида сахналаштирилган. Асардаги Алимбой ролини Абдулла Авлоний ижро этган<sup>277</sup>. Мақола давомида муаллиф барча муаллифу муҳаррирларни ўрта шевада ёзишга чақиради. Лекин айнан ўрта шева деганда қайси тиллар ёки шевалар оралиғини назарда тутилаётганлигига ишора тополмаймиз. Мақоланинг тилида усмонличага яқинлик сезилиши, “Ойна”нинг тилини “бошқароқ” деб таърифлаши ва “Тўй” тилини

---

<sup>276</sup> “Тўй” пьесасининг тили хусусидаги фикрлар Матбуот муҳибининг “Танқид эмас, танбех” (Ойна 1914.№55(3)) тақризида ҳам келтириб ўтилган. Ишнинг “Вақтли матбуот ва адабий-эстетик тафаккур ривожини” фаслига қаранг.

<sup>277</sup> Қосимов Б. Салом, келажак. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.36.

хушламаётганлигидан муаллифнинг турк-татар шевасига яқин ўрта тилни назарда тутганлигини тахмин қилиш мумкин. Аслини олганда ҳам, ўтган аср бошларида нашр қилинган газеталарни кузатадиган бўлсак, уларнинг ҳар бирида ўзига хос тил услуби борлигини кўрамиз.

“Тараққий” газетасининг тилини ўз даври учун адабий тил меъёрлари доирасида ишланган тил ҳисобланган, деб қабул қилиш мумкин. Газетанинг ҳеч бир ўрнида унинг тилига ишора қилинмаган. Шундай бўлса ҳам, ўрта тил назариясини турлича қабул қилиш ушбу нашрни ҳам четлаб ўтмаган эди. Айнан шу газетадан олинган икки хил парчани олиб кўрадиган бўлсак, фикримиз янада очиқланади: “Эшагига яраша тушови” деган ўзбек мақолича, муаллимлар ҳам аксарлари қонуни таълим-тарбиядин бутун-бутун беҳабар кишилар ўлуб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари важҳидан бечора маъсумаларни истеъдоди зотиясиға наззора икки йил зарифида жамиъ лавозумоти динияни билдирмоқ мумкин ўлғон ҳолда, тўрт-беш йилғача хижжа усули бирла дунё ва охиратга фойдаси бўлмағон Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз ва Бедил каби мушкул манзума китобларға умри азизини барбод этарлар<sup>278</sup>. Мазкур парчанинг тил қурилиши Туркистон туркчаси (чиғатой лаҳжасининг бузилган кўриниши)<sup>279</sup>га мос келади. Ифода бироз оғир, арабий изофа ҳамда арабий, форсий сўзлардан кенг фойдаланилган. Шу газетадан олинган бошқа бир парчада эса юқоридаги ифоданинг соддалашган вариантини кўрамиз: “Бир замон бўлмишки, уч-дўрт миллион миқдоринда бўлғон араблар рум ва форс мамлакатларини (негизлариндан)тагидан кўбортуб учурмишлар, қоронғи дунёни илм нури ва маърифат чироғи ила равшан ва мунаввар қилмишлар. Аҳолини зулм оғулариндан қутқоруб адолат мевалари ила оғизландурмишлар”<sup>280</sup>. Бундан кўриш мумкинки, газета таҳририяти муаллифларнинг мақола тили, услубига у қадар дахл қилмаган ҳолда нашр этишган.

---

<sup>278</sup> Мунавварқори Абдурашидхонов. Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб // Тараққий. 1906. №1.

<sup>279</sup> Газеталардаги туркий тил шева ҳамда лаҳжаларини тавсифлашда Бехбудийнинг “Тил масаласи”да келтирилган назарий қарашларига таянилди: Ойина. 1915. №11-12.

<sup>280</sup> Чаён. Айтсанг айбларин очу, айтмасанг ҳақни босу // Тараққий. 1906. №14.

“Тараққий”дан фарқли ўлароқ “Тужжор” газетаси тижорий ишларда барча мусулмонларни бирлаштириш мақсадидан келиб чиқиб, газета тилига “мусулмония забонида” деб тавсиф беради. Газетадан ўрин олган мақолаларнинг умумий мазмунидан, ғоявий йўналишидан келиб чиқсак, идора айнан мусулмония забони деганда Русия мусулмонларининг барчаси учун тушунарли бўлган тилда ёзишга интильганини, шуни назарда тутганлигини кўрамиз: “Оламнинг бениҳоя катталигини ёзуб, рўйи заминда (яъни Россия кўл остинда) ҳар хил миллат ва ақвомлар борлигини ёзуб, куррайи арзда Бухоро ҳам Туркистон ила Фарғона мусулмонлариғина эмас, бунлар ила баробар Ўрунбурғ, Уфа, Қозон, Қрим, Қофқоз ва Қозоқистон деган ерларда ҳам мусулмонлар кўб эканлигин билдируб, бул мусулмонларнинг аҳволи маишатларин ёзуб...”<sup>281</sup> Идора шу мақсаддан келиб чиқиб, тахририятга келган мақолаларнинг тили ва услубига бироз ишлов берган бўлиши мумкин. Фикримизни Беҳбудий мақолалари тилининг айнан ушбу газета вариантыдаги ифодаси ҳам тасдиқлайди: “Ҳатто аларни ақлиёт ва сиёсатлариға ҳам вуқуфи ҳосил қилмай “Ҳошия”хонлик илан хатми кутуб қилдурадурлар, ҳолбуки мазкур ҳукамони ҳукуматлари чириб кеткандур. Мазкур ҳукамолар букун келса минг карра ҳозирги ҳикматларға, сиёсат ва ақлиётға ҳайрон қолур... Янги ва эски ҳикматларни бир-бириға қиёс қилмоқчи бўлсак, жилдлар тўла китоблар ёзмоқимиз лозим келур. Ёлғуз фанагроф ва телефон эски ҳукамолар сўз ва баёнини надан иборат эканлигиға кофийдур<sup>282</sup>. Беҳбудий самарқанд шеваси вакили бўлиши билан бирга, унинг услубида арабий, форсий иборатларнинг кўп қўлланилиши маълум. Аммо юқоридаги жумлаларда биз бундай “оғир” ифодани сезмаймиз. Албатта, бирор бир газетанинг тили, услуби қай тарзда шаклланганлиги, қандай хусусиятларга эга бўлганлигини бир-икки мақола тили билан кўрсатиб бериш етарли бўлолмайди, бизнингча. Бироқ шуни унутмаслик керакки, XX аср бошларида, айнан биз тадқиқ қилаётган газета-

---

<sup>281</sup> Аҳдуллоҳ бин Хайруллоҳ. Хўқанд мактуб // Тужжор. 1907. №9.

<sup>282</sup> Муфтий дорулказо Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли. Фелятун // Тужжор. 1907. №13.

журналлар нашрда бўлиб турган йилларда Туркистон ўлкасида (Россиянинг бошқа ҳудудларида ҳам) умумадабий тил, тил бирлиги, миллий тил софлиги каби масалалар ўзининг тугал ечимини, чегарасини аниқлаб улгурмаган эди.

1914 йиллардан бошлаб тил, имло масалалари янада жонланди. Айни шу йилларда ёзилган асарларда ижодкорларнинг соф туркий шевада ёзишга рағбат билдирганликлари сезилади. Шу билан бирга, турли русча-байналмилал сўзлар ҳам кенг қўлланила бошланди. Мисол учун, Чўлпоннинг “Садойи Туркистон” газетасида эълон қилинган бир қанча ҳикояларининг тил хусусиятларини кузатадиган бўлсак, унда Туркистон шевасининг коришиқ ифодасини кўрамиз: ҳавли, эмди, оқча, сондук, ундок, янадан, ҳеч боки йўқ, чиқғон, газит, ўлдурмакка, дўктур (“Қурбони жаҳолат”да); қайткан, газет ўқийдирган, замона иқтизосинча, мўътабарон, топонча, мағазин, тўқталиб, бунлар, бўлғон, мушовара, пўезд, истанса, зуванўк, клас, балқўн, нўмир, лексия, мунташир, музоҳир, расхўд, вағзал, сафил, тамаддун, таданний, ҳусул, ходими миллат (“Дўхтур Муҳаммадиёр”да); қопуб, срўк, банка, план, самўвар (“Баҳор авваллари”да). Чўлпон ўзининг илмий мақолаларида ҳам имкон қадар туркий (ёки усмонли) шевада ёзишга интиланган. Унинг “Адабиёт надир?”, “Муҳтарам ёзғувчиларимизга” мақолаларида келувчи “эритайлук, берсунлар, ишта, материёллар каби сўзларида бу ҳол яққолроқ кўринади. 10-йилларда ўзининг тил ва услубини туркчага яқинлаштириш ҳолати бошқа ижодкорларда ҳам учрайди. Ҳамзанинг тилида ҳам турли йилларда турли шева элементларининг таъсири кучли бўлганлигини кўриш мумкин. Унинг 1906 йиллардаги ёзишмаларида эски туркий тил, арабий изофалар кўп учраса: “Дуойи салом била ниҳоя аз жониби каминайи киромий ал қадри ба жаноб ҳурматлу....”, “дорил фанодин дорил бақоға”<sup>283</sup>; 1909 йилга келиб усмонличага хос сўзлар кўпроқ улушни ташкил этганига гувоҳ бўламиз: шимди, ишта ҳолина, афв эдарсиз, ожиз қолмоқдайим<sup>284</sup>. Матбуотда анча фаол иштирок этагн Абдулла Авлонийнинг

---

<sup>283</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. V том. – Б.18-20.

<sup>284</sup> Ўша асар, 12-б.

дарсликлари, шеър ва мақолаларининг тил элементлари бир-биридан фарк қилади. Авлонийнинг дарсликлари кўпроқ маълум бир ҳудуд шеvasи билан чекланиб қолганлиги кўринади. Албатта, жадидлар бошланғич мактабларнинг китоб ва дарсликлари адабий тил меъёрлари асосида ишланишига алоҳида аҳамият қаратишган. Авлонийнинг “Иккинчи муаллим” дарслиги тили “энг осон усул ила”, “очуқ тил ва осон таркиб ила”<sup>285</sup> ёзилган деб таърифланади. Лекин ундаги самарқанд шеvasига оид сўзларнинг кўп қўлланганлиги бу фикрга шубҳа уйғотади. Мисол учун, сиза, сизи, чоқируб, пишгон, хурус(хўроз), қаланфир, аромизда, ямон, сабақ, ямон, қофқон, иф, ифак, шўрбо<sup>286</sup> шаклидаги сўзлар фонетик, лексик томонлама ҳам адабий тилга мос келмаган. Авлонийнинг матбуотда эълон қилган кўплаб фельетонлари, хусусан, 10-йиллардан кейинги услуби анча мукаммаллашган, ҳатто айтиш мумкинки, ўша даврдаги адабий тилнинг энг шаклланган, ишланган кўриниши бўлган. Мисол учун қуйидаги парчада ўқиймиз: “Халқимизнинг юздан тўртини бойга, иккисини уламога, учини эшонга, бешини деҳқонга чиқарсак, қолган 86 сини кўмирчи, темирчи, ямоқчи, фанорчи ва қаровулчилик каби энг паст хидматларда туруб кунлик авқотларини зўрға ўтказадирлар”<sup>287</sup>. Мақола тилининг бу тарзда адабий шаклда берилишида газета таҳририятининг ҳам таъсири бўлган. Бу ҳол адибнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобидан “Садойи Туркистон” газетасида келтирилган айрим бўлимларида ҳам кўринади: “Дуруст, бизларга ҳукуматимиз ўлан рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадир. Лекин ўз ерида ишлатмак ва сўзламак лозимдир”<sup>288</sup>. Бу шакл асарнинг газета вариантыдан олинган бўлиб, унда айрим сўзларнинг усмонличага мослангандир. Китоб вариантыда эса: “Дуруст, бизларга ҳукуматимиз бўлгон рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак

---

<sup>285</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.21.

<sup>286</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.12.

<sup>287</sup> Индамас. Маданият тўлқунлари // Садойи Туркистон. 1914. №5.

<sup>288</sup> Абдулла Авлоний. Ҳифзи лисон // Садойи Туркистон. 1914. №13.

лозимдур”<sup>289</sup>, шаклида келган ва чиғатой шеvasи сақланиб қолган. Авлоний ўз шеърларида ҳам усмонли шевадаги сўзлардан фойдаланган, хусусан, “Таржимон” тилига яқинлашишга ҳаракат қилган. “Тазкирайи Қайюмий”да келтирилишича, “15 ёшлариданок турли шевадаги адабиёт билан қизиқиб ва уларга ўхшатиб ўзи ҳам шеърлар сўзлай бошлади”<sup>290</sup>. Мисол учун:

Зиёнлик тилга ўрнашган ёмон ишларни ташлайлук  
Ота-бобом қилан деб урфу одатдан гапурманглар<sup>291</sup>  
Аё эй соҳиби ирфон! Ватан боғинда фарёд эт  
Отиб ташла орадан эски одатларни барбод эт  
Маориф-ла фунун таҳсила қил раҳнамолиғ сан  
Қоронғуда қолан миллатни нури илма иршод эт<sup>292</sup>.

Авлонийда мавжуд ушбу услуб Тавалло ижодида ҳам кўринади. Таваллонинг бошқа ижодкорлардан фарқи шеър ва мақолаларида русча-байналмилал сўзларни кўп қўллаган. Асарларининг тили Гаспринский ва Абдулла Тўқай тилига яқин. Тавалло Абдулла Тўқай ижодига эргашуви унинг шеърларига боғлаган тазминларида ҳам кўринади<sup>293</sup>.

Муаллимлар эдинг шафқат, шогирдларга веринг рухсат,  
Жужуқлар ўлмасун диққат, бу давронлар ғаниматдур<sup>294</sup>

Юқоридаги мисраларда ҳам Таваллонинг ижодига хос бўлган услуб кўринади. Таваллонинг матбуотда эълон қилинган бир қанча шеърлари “Равнақ ул ислом” тўпламига ҳам киритилганлиги маълум. Ва уларнинг айримларида жиддий ўзгаришлар сезилади. Мисол учун:

---

<sup>289</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ / Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.61.

<sup>290</sup> Пўлотжон Домла Қайюмов. Тазкирайи Қайюмий. 3-жилд. – Тошкент: ЎзРФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1999. – Б.582.

<sup>291</sup> Абдулла Авлоний. Гапурманглар // Садоий Туркистон. 1914. №11.

<sup>292</sup> Абдулла Авлоний. Мухотибим қалам // Садоий Туркистон. 1914. №12.

<sup>293</sup> Тўлаган Хўжамёруф. Марҳум Абдулла афанди Тўқаефнинг шеърини тазмин // Садоий Туркистон. 1914.№4.

<sup>294</sup> Тавалло. Миллий шеърлардан 1нчи жуз. Равнақ ул-ислом. – Тошкент: Ғуломия матбааси. 1916. – Б.30.

Жаҳон айвонида биздек дилафгор йўх, йўх, йўх,  
Билурга бу дилафгорни ҳушёр йўх, йўх, йўх<sup>295</sup>.

“Равнақ ул ислом”да қуйидагича кўриниш олган:  
Жаҳон айвонида биздек баданафгор йўх, йўх, йўх,  
Билурга бу бадан афгорини ҳушёр йўх, йўх, йўх<sup>296</sup>

Газета вариантыдаги дилафгор жумласининг қўлланилиши мантиқан тўғри ифодаланган, лекин шоир нега айнан китобга киритилганда бу тарзда ғализ ўзгартириш киритганлиги мавҳум. Байтлар сон ва маъно жиҳатдан кескин фарқ қилади. Газетада мавжуд айрим байтлар китобга киритилмаган ёки аксинча. Мақтаъда ҳам ифода қуйидагича фарққа эга:

“Садойи Туркистон”да:

Дедим эй мухтарамлар, яхшиму ғафлатда ётмоқлилик,  
Дедилар бил “Тавалло” бизда ҳеч бир ор йўх, йўх, йўх.

“Равнақ ул ислом”да:

Дедим миллат учун ўлдурса ҳам ёзмоқни қўймасман,  
Алар деди Тавалло сенда ҳеч бир ор йўх, йўх, йўх.

Албатта, юқоридаги каби ўзгаришлар, тузатишлар асарнинг маъно-мазмунига, бадий савиясига сезиларли таъсир кўрсатиши табиий. Умуман олганда, бирор бир бадий асарга нисбатан таҳририят ёки ношир томонидан киритилган ўзгаришлар ўша газета талабидан ёки ижодкордаги рухий эврилишлар натижасида юз берган бўлиши мумкин. Бу жараёнда асарнинг тил хусусиятлари, ижодкор услуби, матбуот тили ўзаро боғлиқ ҳолда иш олиб бориши табиий бир ҳолдир.

Ўтган аср аввалида тил бирлиги, миллий тил софлиги муаммоси матбуотнинг кун тартибидаги масалаларидан бири бўлган. Бу вақтда

---

<sup>295</sup> Тўлаган Хўжамёруф. Йўх, йўх, йўх // Садойи Туркистон. 1914. №26.

<sup>296</sup> Тавалло. Миллий шеърлардан 1нчи жуз. Равнақул ислом. – Тошкент: Ғуломия матбааси. 1916. – Б.34-35.

тилшуносликка доир назарий қарашларнинг изчил йўлга қўйилмаганлиги, турли шева ҳамда лаҳжаларнинг қоришиқ ҳолда қўлланилиши, адабий тил масаласидаги турли хил муносабатлар бу давр матбуоти, хусусан, адабиётида ўз аксини топди.

Диссертациянинг учинчи боби юзасидан қуйидагича хулосаларга келдик:

1. XX асрга келиб бадий шаклдан кўра бадий мазмун бирламчи кучга айланди: қандай ёзиш эмас, нимани ёзиш муҳим бўлиб қолди. Мазмун шаклдан илгарилаб кетди. Аруз вазни талабларининг бузилиши аста-секин унинг ҳукмронлик мавқеи пасайишига олиб келди. 1906 – 1917 йиллар матбуотида эълон қилинган шеърий асарлар асосан мумтоз лирик жанрларда ёзилган. Айти шу даврда аруз вазнининг емирилиши ва бармоқ вазнининг аста-секин кириб келиши бошланаётган эди.

2. XX аср бошлари ўзбек вақтли матбуотида эпик турга доир жанрий янгилашларни кузатиш мумкин. 1906 – 1917 йиллар ўзбек вақтли матбуотида эълон қилинган адабий материаллар асосида адабий жанрларни саёҳат, ҳажв, ҳикоя, мубоҳаса, латифа тарзида тасниф қилинди. Лирик турга мансуб асарлардан ғазал, рубоий, мусаддас, мухаммас, марсиялар таҳлил қилинди. Шу билан бирга, адабий-танқидий мақолалар, тақриз, реклама-танқид, мактуб каби адабий жанрлар ўрганилди.

3. “Ойина”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” нашрларида тил, имло масаласига доир баҳслар кўп учрайди. Бу нашрларнинг тили ҳар бири ўзига хос бўлиб, бу даврда умумий адабий тил шаклланиб улгурмаганди. “Тараққий” ҳамда “Садойи Туркистон” газетасининг тили ўз даври учун адабий тил меъёрлари доирасида ишланган тил ҳисобланган.

## ХУЛОСА

1. XIX аср охири XX асрбошларида адабий жараён сиёсий ижтимоий жараёнлар билан ёнма-ён фаолият олиб борди. 1905 – 1917 йиллар жадид адабиёти учун энг қизғин ва ҳал қилувчи давр бўлди. Матбуот жадидлар дастурини амалга оширишда минбар сифатида хизмат қилди. 1905 йилги Октябрь Манифести миллий матбуотнинг бошланиши учун сиёсий туртки бўлди. Адабиётнинг қиймати ижтимоий ҳаёт билан, ижтимоий фаоллик билан белгилана бошлади. 1906 йилдан бошлаб Туркистонда миллий газета ва кейинроқ журналлар нашр этилиши йўлга қўйилди. Жадид адабиёти қисқа, шу билан бирга, шиддатли даврдакечди, жуда мураккаб адабий жараённи бошидан кечирди. Бу даврда қарашлар, ифода йўллари, мақсад ўзгарди, кескинлашди. Бадиий тафаккур ва эстетика янгилана бошлади. Ғарб адабиёти ва публицистикасининг таъсирида ҳикоя, роман, драма жанрлари ва танқидий мақола ва эссе, тақриз, обзор, фельетон каби адабиётшунослик соҳалари ўзлашди.

2. Ўзбек адабиётида ҳақиқий маънодаги адабий танқид ўтган аср бошларида вақтли матбуот билан бирга туғилди. XX асрга келиб ўзбек адабиётида кўпгина жанрларга синов сифатида қўл урила бошлади. Адабиётнинг эстетик жиҳатларидан кўра ғоявий масалаларига эътибор кўпроқ бўлди. Адабиётнинг матбуот билан узвийлиги кучайди. Шу боис бу давр адабиётида публицистик ва бадиий жанрлар ўртасида чегара йўқолди, уларнинг хусусиятлари бир-бирига ўтиб турди. Ўзбек матбуоти жуда кўп жиҳатларни турк, татар публицистикасидан ўрганган бўлиши билан бир қаторда рус матбуотидан, рус адабий танқидчилигидан ҳам қатор тажрибаларни ўзлаштирди. Шулардан энг йириги танқидий фельетон эди. Бизда ҳам фельетон рус матбуотидаги фельетон жанри босиб ўтган йўлдан борди.

3. Матбуотнинг 1906 – 1908 йилларда кечган биринчи давридан сўнг 1909 – 1912 йиллар матбуот ишларида жимлик ҳукм сура бошлади. Шу боис 1906 –

1912 йилларда кечган адабий жараён шаклланишида ҳукумат газетасининг улуши кўпроқ сезилади. 1912 йилдан матбуот ўзининг иккинчи даврини бошлади. Ва ушбу босқичдаги нашрларнинг адабий жараёнда тутган ўрни биринчи давр нашрларига қараганда жиддий фарқ қилар эди. Бу фарқни, аввало, адабиётга доир рукнлар сафи кенгайганлигида кўриш мумкин. Агар илк нашрлар фельетон рукни билан чекланган бўлса, энди бу даврга келиб, “Фельетон”, “Кичик фельетон”, “Адабиёт”, “Ашъор” каби рукнлар пайдо бўла бошлади. Шу ўринда бир жиҳатни эътиборга олиш керакки, ушбу санаб ўтилган рукнлар доимий бўлмай, улар газетанинг айрим сонларида, баъзи бир газета ёки журналда эса умуман учрамаслигини кузатиш мумкин.

4. Матбуот туркистонлик зиёлиларни ташқи дунёга чиқишларида муҳим восита бўлди. Турк, татар, озарбайжон тараққийпарварларининг театр, матбуот, маориф соҳасидаги тажрибалари қўлланила бошланди. Жадидларнинг адабий-маданий алоқалари, асосан, икки хил йўлда ривож топган. Биринчиси, юқорида айтиб ўтганимиздек, кўплаб маданият, санъат, таълим ходимларининг, ижодкорларнинг бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлганликлари, саёҳатлар давомидаги танишувлар, Туркистон ўлкасида муқим ёки узоқ вақт яшаб, ҳамкорликда ижод қилиш йўли бўлган. Иккинчиси, матбуот саҳифалари орқали танишув, танитув, таъсирланув йўлидир. Ва нисбатан бу иккинчи йўл кўпроқ таъсирга эга бўлган. Ташқи даврий нашрларда Туркистон мавзуси алоҳида ўрин эгаллай бошлади. Ғарб адабиётидан таржималар амалга оширила бошланди.

5. Адабиётга кириб келаётган янги жанрлар асосан насрга тегишли эди. Адабий танқид жанрлари (шарҳ, тақриз, адабий-танқидий мақола, обзор, реклама-танқид) оммалашди. Бадиий адабиётда мунозара, мубоҳаса усулидан фойдаланиш асосий ўринга чиқди. Насрий асарларда драма белгилари кўрина бошлади, драматизм кучайди. Вақтли матбуотда учровчи адабий жанрлар икки қисмда тасниф қилинди.

6. 1906 – 1917 йиллар матбуотида эълон қилинган ва шу кунгача маълум бўлмаган Абдулла Авлонийнинг “Тафаккур ила кўз очсак ажиб замонадамиз”

мусаддаси, Беҳбудийнинг “Хотироти Фарғона” саёҳатномаси, Абдурауф Музаффарзоданинг “Онг умидлари” ҳикояси, Шокир Мухторийнинг мубоҳасалари, Бахтиёр Андижонийнинг “Замон билан Қари фолчи” пьесаси, “Фауст”нинг таржима парчаси ўрганилди, илмий муомалага олиб кирилди.

7.Ўтган аср аввалида тил бирлиги, миллий тил софлиги муаммоси матбуотнинг кун тартибидаги масалалардан бири бўлган. Бу вақтда тилшуносликка доир назарий қарашларнинг изчил йўлга қўйилмаганлиги, турли шева ҳамда лаҳжаларнинг қоришиқ ҳолда қўлланилиши, адабий тил масаласидаги турли хил муносабатлар бу давр матбуоти, хусусан, адабиётида ўз аксини топди.

## **1. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 30 б.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 8 февраль. – №28 (6722). – Б. 1-2.
3. Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 2017 йил 4 август.

### **II Манбалар**

4. Саид З. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. – Тошкент-Самарқанд: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1927.
5. Авлоний А. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи // Туркистон. – Тошкент, 1924 йил 24 июнь.
6. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқларининг марказий нашриёти. 1926.
7. Солиҳов М.Б. Озбек театр тарихи учун материаллар. – Тошкент: Ўз ССР Давлат нашриёти, 1935.
8. Саъдий, А. Адабиёт муаллими. – Уфа: Шарқ матбааси, 1913.
9. Саъдий, А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Тошкент: Ўрта Осиё давлат нашриёти, 1924.

### **III. Даврий нашрлар**

10. “Таржумон”. – Боғчасарой, 1883-1918.
11. “Туркистон вилоятининг газети”. – Тошкент, 1870-1917
12. “Тараққий”. – Тошкент, 1906.
13. “Хуршид”. – Тошкент, 1906.
14. “Шухрат”. – Тошкент, 1907-1908.
15. “Осиё”. – Тошкент, 1907.

16. “Тужжор”. – Тошкент, 1907.
17. “Самарқанд”. – Самарқанд, 1913.
18. “Ойина”. – Самарқанд, 1913-1915.
19. “Садойи Туркистон”. – Тошкент, 1914-1915.
20. “Садойи Фарғона”. – Қўқон, 1914-1915.
21. “Хуррият”. – Самарқанд, 1917-1918.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

22. Авазов Н. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодий мероси: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1995.
23. Allworth E. The Soviet Russian Impact on Uzbek Literary Activity: Ph.D. diss... – Columbia University, 1959.
24. Амридинова Д.Т. Самарқанд жадиличилигининг ижтимоий-фалсафий асослари: Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 2006.
25. Ахророва З. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг педагогик қарашлари ва маърифий-амалий фаолияти: Пед. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1997.
26. Ахмедова Ш.Н. Ўзбек адабий танқидининг жанрлар таркиби: Филол. фан. докт. дисс... – Тошкент, 2010.
27. Абдулхайиров Б. Миён Бузрук Солиҳов – ўзбек жадида драматургиями ва театри тадқиқотчиси: Фил. фан. номз. дисс. автореферат. – Тошкент, 2010. – 27 б.
28. Амонов Ш. Ҳамза шеърятининг манбалари, матний тадқиқи: фил. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2010. – 132б.
29. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Фил. Фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1996.
30. Долимов У. Жадида мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари: Пед. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 42 б.

31. Жалолов А.А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиш жараёни (XIX аср охири – XX аср бошлари): Филол. фан. докт. дисс.... автореф. – Тошкент, 1994.
32. Жавҳарова Р. Сирожиддин Сидқий Хондайлиқийнинг адабий мероси: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1996.
33. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2002.
34. Махмудова Г.Т. Туркистонда жадиличлик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр таракқиётига таъсири: Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 1996.
35. Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида “Ойна” журналининг ўрни ва аҳамияти: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2008.
36. Ражабова Д.Н. Туркистон жадиждларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 2003.
37. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1998.
38. Саидов Ҳ. Махмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик вamuҳаррирлик фаолияти: Филол. фан. номзоди дисс... – Тошкент, 1998.
39. Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1993.
40. Ҳалимова С. “Садойи Туркистон” газетаси: йўналиши, тил, услуб ва жанр хусусиятлари (1914-1915): Фил. фан. номз. дисс. автореферат. – Тошкент, 2001. – 25 б.
41. Эшонова З. Чўлпон поэзиясининг ғоявий-бадиий хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1994.
42. Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1995.

43. Ганиев И. Фитрат драмаларининг поэтикаси: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1998.

44. Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (А.Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Орипов шеърини мисолида): Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2001.

45. Йўлдошбекова С. Чўлпоннинг публицистик ва мухаррирлик фаолияти: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2001.

46. Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2017.

47. Пардаев Қ. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-ислоҳ” журнали материаллари асосида): Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

48. Абдирашидов З.Ш. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 384 с.

49. Абдирашидов З.Ш. Туркистон жадидлари ва миллий ғоя тарғиботи // Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари. – Тошкент, 2016.

50. Абдирашидов З.Ш. “Устози муаззам” // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2012. – №6.

51. Абдирашидов З.Ш., Эгамкулова Н.Б. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг “Ойна” журнали. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2019. – 164 б.

52. Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870 – 1917). – Тошкент: Академия, 2000.

53. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикасининг шаклланиши ва равнақи (XIX аср охири – XX аср). – Тошкент, 1998.

54. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. II жилд. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 384 б.

55. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000.

56. Абдуғафуров А. Фурқатнинг насрий мероси // Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент, 1976. – 64 б.
57. Абдулҳамид М. Кўнгил орзулари. (нашр тай.: Ҳ.Узоқов). – Тошкент: Маънавият, 2000. – 160 б.
58. Алимова Д. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. – Тошкент: Академия, 1999.
59. Алиев А. Маҳмудхўжа Бехбудий. – Тошкент: Хазиана, 1994. – 32 б.
60. Аверинцев С.С., Андреев М.Л., Гаспаров М.Л., Гринцер П.А., Михайлов А.В. Категории поэтики в смене литературных эпох // Историческая поэтика. Литературные эпохи и типы художественного сознания. Сб. статей. – М.: Наследие, 1994. – С.37-38.
61. Авлоний А. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. (наш. тай. Ш.Ризаев) // Миллий уйғониш. – Т.: Университет, 1993. – 115-123 б.
62. Авлоний А. Танланган асарлар. 2 томлик. – Тошкент: Маънавият, 1998.
63. Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 304 б.
64. Авлоний А. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари. II жилдли (Нашрга) тай.: Б.Қосимов. – Т.: Маънавият, 1998. II жилд. – 303 б.
65. Авлоний А. Шеърлар, ибратлар. Танланган асарлар. II жилдли. (Нашрга тай.: Б.Қосимов). – Т.: Маънавият, 1998. I жилд. – 270 б.
66. Алимова Д. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. – Тошкент: Академия, 1999.
67. Алимова Д. Жадидчилик: ислоҳот, янгилашиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет, 1999. – 218 б.
68. Аҳмедов С. Ғози Юнус фельетонларида давр ҳавоси // Қатағон қурбонлари ва уларнинг адабий-бадий ҳамда публицистик мероси: Респ. илмий амалий анжумани материаллари) – Тошкент: Мумтоз сўз, 2015.

69. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига айрим чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 72 б.
70. Балдауф И. Замон ва маконга саёҳатлар: жади́дчилик утопияси хақида ўйлар / “Сўнгги жади́д” қиссаси. – Тошкент: Турон-иқбол, 2012.
71. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жади́дчилик. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
72. Боту. Танланган асарлар. (нашр тай.: Н.Каримов, Ш.Турдиев) –Т.: Шарқ, 2004. – 190 б.
73. Бобохонов А. Ўзбек матбааси тарихидан. – Тошкент, 1979.
74. Бехбудий М. Танланган асарлар. (нашр тай. Б.Қосимов). ). – Т.: Маънавият, 1997. – 280 б.
75. Вадуд М. Танларган асарлар. – Т.: Маънавият, 2007. – 160 б.
76. Валихўжаев Б., Ш.Холматов. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Самарқанд, 1983.
77. Дефо Д. Робинзон ҳикояси. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти, 2013.
78. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009.
79. Долимов У. Туристонда жади́д мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – 126 б.
80. Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Т.: Шарқ, 1994. 140б.
81. Егоров Б.Ф. О мастерстве литературной критики: Жанры. Композиция. Силь. Л., 1980.
82. Ёқубов И. Миллий уйғониш даври ўзбек насри. Тошкент: Фан ва технология, 2012.
83. Ибрат.Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. –Т.: “Маънавият”, 1999. 228 б.
84. Жумахўжа, Н. Истиқлол ва тил. – Тошкент: Шарқ, 1998.
85. Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг роли. – Тошкент: Фан, 1993.

86. Йўлдошев Қ. Ёник сўз. –Тошкент: Маънавият, 2006.
87. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Тошкент: Маънавият, 2000. –176 б.
88. Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2006. – 231 б.
89. Каримов Б. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2006.
90. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. 1-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008
91. Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Т.: Маънавият, 2000. – 87 б.
92. Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз. (нашр тай.: Олим Олтинбек). –Т.: “Маънавият”, 1998. 160 б.
93. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Қосимов. 3-нашри. – Тошкент: Маънавият, 1999.2006.
94. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. II жилдлик. (нашр тай.: С.Аҳмад). – Т.: “Академнашр”, 2018. – 512 б.
95. Мирзаев Т., Очилов Э. Ўзбек филологияси – янги босқичда // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003.№4
96. Муҳаммаджонова Л.А. Жадид мутафаккирларининг ахлоқий-эстетик қарашлари. – Тошкент: Университет, 2007.
97. Муҳаммаджонов Мўминжон. Турмуш уринишлари (бир муллабаччанинг хотира дафтари). – Тошкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1926.
98. Мунавварқори Абдурашидхонов. Мен сендамен... (нашр тай.: С.Аҳмад). – Т.: Info Capital Group, 2019. – 528 б.
99. Назаров Б. ва б. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи. – Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 2012.
100. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 2006.
101. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997.

102. Саидов У. Европа маърифатчилиги ва миллий уйғониш. – Тошкент: Академия, 2004.
103. Саидов Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент, 2000. –158 б.
104. Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар. (нашр тай.: Б.Қосимов. 7Р.Жавҳарова). –Т.: Маънавият, 1998. – 304 б.
105. Чўлпон. Туркистонда матбуот // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 1998. – №. 2 (Наш. тай. Т.Тоғаев).
106. Чўлпон. Адабиёт надир? (адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон хақида хотиралар). – Тошкент: Чўлпон, 1994. – 240 б.
107. Чўлпон. Асарлар. – Тошкент: Хазина, 1994. – 471 б.
108. Тавалло. Миллат садоси. (нашр тай.: Д.Раҳмонова). –Т.: Гафур Гулом номидаги НМИУ, 2015.
109. Таржимонлик санъаткорликдир // Ёшлик. – Тошкент, 2013. – №12.
110. Таржима санъати: мақолалар тўплами / масъул муҳаррир Ғ.Саломов.–Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 238 б.
111. Тарихнинг номаълум саҳифалари. 4-китоб. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2013. – 273 б.
112. Фитрат. Танланган асарлар. V жилдлик. (нашр тай.: Ҳ.Болтабоев). – Т.: Маънавият, 2006, 2010.
113. Ўзбек миллий уйғониш адабиётига материаллар-1. – Тошкент: Университет, 2004. – Б.71-72.
114. Эрназаров Т.Э. Ўзбекистонда вақтли матбуот (1870-1924). – Т., 1959.
115. Эгамкулова Н. XX аср бошлари ўзбек адабий жараёнига “Тужжор” газетасининг таъсири // Сўз санъати халқаро журнали. 3-махсус сон. Doi Journal 10.26739/2181-9297. – В.271-276.

116. Эгамкулова Н. XX аср бошлари Туркистонда вақтли матбуот ҳамда адабий жараён // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал). 2020 йил июль. – Б.221-229.

117. Эгамкулова Н. XX аср бошлари вақтли матбуотидаги таржимачилик фаолиятига бир назар // Ўзбекистон таржимашунослари форуми-2018 / илмий мақолалар тўплами. Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2018. –Б.29-35

118. Эгамкулова Н. XX аср бошлари ўзбек вақтли матбуоти хусусида / Роль современного образования в условиях глобализации: сборник научных трудов. – Казань, 2020. Ст. 59-62.

119. Эгамкулова Н. XX аср жадид шеъриятига айрим чизгилар / Филологик тадқиқотлар / илмий мақолалар тўплами. – Т.: Турон замин зиё, 2014. – Б. 192-193.

120. Эгамкулова Н. “Ойина” журналида ҳажвиёт / М.Бехбудий меросининг миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти /илмий мақолалар тўплами. –Т., 2014. – Б. 113-118.

121. Эгамкулова Н. Миллат фидойиси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2014. №1 (200).

122. Egamkulova N. Literary process at the beginning of the XX century: based on the materials of “Oyina” magazine // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Oct.30.2019, 410-416.

123. Egamkulova N. The beginnings of the 20th century are in the Uzbek language (An example of Oyina magazine material) // International Journal of Applied Research. 2019 5(12) P. 9-11.

124. Egamkulova N. XX asr boshlari o'zbek vaqtli matbuotining tashqi davriy nashrlar bilan aloqalari (“Oyina” jurnali misolida // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2019. – №8 17-18.

125. Элбек. Танланган асарлар. (нашр тай.: Ҳ.Узоқов). –Т.: Шарқ, 1999. – 287 б.

126. Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. I жилд. – Тошкент: ЎзРФА Қўлёзмалар институти тахририй нашриёт бўлими, 1998. – 246 б.
127. Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. II жилд. – Тошкент: ЎзРФА Қўлёзмалар институти тахририй нашриёт бўлими, 1998. – 225 б.
128. Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. III жилд. – Тошкент: ЎзРФА Қўлёзмалар институти тахририй нашриёт бўлими, 1998. – 246 б.
129. Қосимов Б. Маслакдошлар. – Тошкент: Шарқ, 1994.
130. Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. – Тошкент: Маънавият, 2011. – 320 б.
131. Қосимов Б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004.
132. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.
133. Қосимов Б. Салом, келажак. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 280 б.
134. Қосимов Б. Излай-излай топганим. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 270 б.
135. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрали. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. – 47 б.
136. Қосимов С. Кураш саҳифалари // Гулистон. – Тошкент, 1979. – №. 9-10.
137. Қуроноф Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Navoiy universiteti, 2018.
138. Қосимов Б. ва Долимов У. Маърифат дарғалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 176 б.
139. Шарафиддинов О. Истиқлол фидойилари: Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. – Тошкент: “Шарқ” НМИУ, 1993. – 144 б.
140. Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса – миллат яшар // Чўлпон. Адабиёт надир. – Т.: Чўлпон, 1994.
141. Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси. – Тошкент, 2001.

142. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (нашр тай.: Н.Намозова). – Т.: Маънавият, 2005. – 175б.
143. Александров А. Литературная критика массовых периодических изданий (Роль и место в литературном процессе 1880-х - 1900-х гг.)
146. Allworth Edward. Uzbek Literary Politics. – New York: Columbia University Publications, 1964.
147. Allworth Edward. The Beginnings of the Modern Turkestanian Theater // Slavic Review. Vol.23, №4. (Dec., 1964). – P.676–687.
148. Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue1. (Mar., 2001). – P.72-88.
149. Hayit Baymirza. Turkestan im XX Jahrhundert. – Darmstad, 1956.
150. Khalid Adeeb. The politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Tsarist Central Asia. Ph.D. diss., University of Wisconsin-Madison, 1993.
151. Kleinmichel Sigrid. Halpa in Choresm und Atin Ayi im Ferghanatal. Zur Geschichte des lesens in Usbekistan im 20. Jh. Berlin: Verlag Das Arab. Buch 2001 (Anor 4).
152. Komatsu Hisao. 20 Yüzyil Başlarında Orta Asya'da Türkcülük ve Devrim Hareketleri. Ankara, 1993.
153. Kocaoğlu Timur. Türkistan'da Türkçe İlk Tiyatro Eseri: Mahmud Hoja Behbudi'nin "Pederküş" (Baba Katili) Piyesu (1913) // Türklük Araştırmaları Dergisi (Istanbul: Marmara Üniversitesi), Sayı 15 (Bahar 2004). - S.177-262.;
154. Kocaoğlu Timur. The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924), SOTA, Haarlem 2001.
155. Lazzerini J. Edward. From Bakhchisarai to Bukhara in 1983: Ismail Bey Gasprinskii's Journey to Central Asia // Central Asian Survey, 1984. Vol.3.
156. Lazzerini Edward J. Beyond Renewal. The Jadid Response to Pressure for Change in the Modern Age. Jo-Ann Gross (ed.), Muslims in Central Asia. Expressions of Identity and Change. – Durham-London: Duke University Press, 1992. – P. 151-166.

157. Lewis Bernard. The political language of Islam. – Chicago-London, 1988.

158. Lindenmayer A. Poverty is not a Vice: Charity, Society and the State in Imperial Russia. – Princeton, 1996.

159. Sahadeo Jeff. Russian colonial society in Tashkent, 1865–1923. – Bloomington: Indiana University Press, 2007.

160. Shimada Shizio. An Index of Ayina. Oyina jurnalining mundariyasi. Islamic Area Studies. Central Asian Research Series. – Tokyo, 2002. №5.